

МУГАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 4/2 2021 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия аъзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӨЛЕЎОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Умида БАҲОДИРОВА
Гулнара ЖУМАШЕВА
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРТАШЕВА

Шўлкемлестириўшилер:

**Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы**

Ўзбекстан Республикасы

**Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00**

**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм ўзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлұматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲАМ ӘДБИЯТ

Sarsenbaeva Z.J. The concept of linguoculture and linguocultural competence	4
--	---

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Шарипова Г.С., Хаитова М.Т. Конструктив-композицион ечимлар асосида кийимларни манзилли лойиҳалаш тамойилларини такомиллаштириш	9
Hodjaeva U.M., Sadirova Sh.L. O'rta Osiyo liboslarini tunikasimon bichimini tadqiq etish va zamonaviy kostyumda qo'llash	13
Mo'minova M.U., Sharipova G.S. "Inson-kiyim" tamoyili asosida avtokorxonaning mahsus kiyimlarini yaratish	15
Атаханова Ф.З. Дизайн-лойиҳалаш жараёнларини ташкиллаштириш муаммолари	18
Шарипова Г. С., Самигжоновна М.Ш. Олий таълим муассасаларида талабалар мустақил таълимнинг мазмуни ва хусусиятлари	22
Ярматов Р.Б., Ахмедова М.Х. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш	25
Нигматов А.Н., Расулов А. Б. Ўзбекистонда узлуксиз географик таълимни ислоҳ қилишнинг айрим жиҳатлари	30
Ярматов Р.Б., Ахмедова М.Х. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини индивидуаллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари	38
Юлдашева Н.С. Олий таълим муассасаларида буюк сиймоларнинг тарихий ва илмий-педагогик қадриятларидан фойдаланишнинг айрим дидактик масалалари	43
Хусанов Б.Қ. Узлуксиз таълим тизимида ёшлар ғоявий- сиёсий маданиятини шакллантириш шакл ва усуллари	48
Бакиров О.Б. Ўқув жараёнида ўқувчиларнинг ижтимоий фаол - фуқаролик компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоси	53
Жуманиёзов Р. Педагогик маҳорат - касбий маҳоратнинг ўзаги ва ўзани	57
Хакимова С.Х. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетенциясини шакллантириш	63
Ибрагимова Г. Н. Замонавий педагогик технологиянинг мазмун ва моҳияти	67
Мирюсупова Н.Ш. Мактабгача таълим ташкилоти директорининг квалитологик компетентлигини шакллантириш педагогик муаммо сифатида	70
Камбарова Д.М. Таълим жараёнида ўрта тиббий ходимларни тайёрлашда амалий кўникмаларни шакллантириш	74
Намазова С. Ш. "Табиатшунослик" дарсларида ўрта осий мутафаккирларининг экологияга оид илмий меросидан фойдаланиш имкониятлари	78
Джумақулов Ш. Б. Фуқаролик компетенцияси: моҳияти ва тузилмаси	85
Kultayev K.K. Kimyo darslarida didaktik o'yinli texnologiyalardan foydalanish	90
Raximov A.K., Rasulova O. O. Matyaqubov A. Q. Ta'lim – tarbiya tizimida shaxsga yo'naltirilgan ta'lim paradigmasining roli	94
Юлдашева Н. С. Буюк сиймолар меросини ўрганишда дидактик-педагогик ёндашув	98
Джураев Д.У., Жураева М.У. Актуальные аспекты развития системы непрерывного образования туркестанского края (конец XIX – начало XX века)	102
Доспанов Р. Определение сущности управления инновационными процессами в региональных вузах	106
Tokhtasheva N. Q. Spiritual and moral upbringing of music	112

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Ermatova G.P. Raxmatova G.T. Jamiyatda ayollarning mavqei, huquq va erkinliklari	115
Бердикулова Г.И. Развитие межкультурной коммуникации в процессе изучения русского языка местным населением туркестана (вторая половина XIX – начало XX века)	119

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Атаджанов Х. Олий таълим талабаларида web-технологиялар асосида мустақил таълимни ривожлантириш	123
--	-----

БАСЛАЎЧИ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТАРБИЯ

Шодиев Р.Д., Маматкулова Д.Ю. Мактабгача ёшдаги болаларда ўйин ва машқлар орқали маҳдудликни (одамовиликни) бартараф қилиш йўллари	128
Мухамадалиева М. Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш ва тарбиялашда ўйин технологияларидан фойдаланиш имкониятлари	131
Саидов Ж.С. Шарқ мутафаккирлари таълимотлари мазмундаги тарбиявий қадриятлардан мактабгача таълим жараёнида фойдаланиш– долзарб педагогик муаммо сифатида	136
Allayarov M.J. Badiiy adabiyot namunalari vositasida boshlang'ich sinf o'quvchilariga ekologik ta'lim-tarbiya berish imkoniyatlari	143
Науманова А. Суть воспитания детей школьного возраста в семье	147
Xalilova D. The use of pedagogical technologies in the creative development of preschool children	151

ФИЗИКАЛЫҚ ТАРБИЯ ҲАМ СПОРТ

Ахунов У.Р. Развития двигательной активности дошкольников через театральных физических движений	156
--	-----



ТИЛ ҲАМ АДЕБИЯТ

THE CONCEPT OF LINGUOCULTURE AND LINGUOCULTURAL COMPETENCE

Sarsenbaeva Z.J.

*PhD student Nukus state pedagogical institute named after Ajiniyaz,
Nukus, Karakalpakstan, Uzbekistan*

Tayanch soʻzlar: lingvomadaniyat tushunchasi, kompetensiya, lingvomadaniy kompetensiya, maqollar, madaniy kompetensiya, pedagogik mahorat.

Ключевые слова: понятие лингвокультуры, компетентность, лингвокультурная компетентность, пословицы, культурная компетентность, педагогические навыки.

Key words: notion of linguoculture, competence, linguocultural competence, proverbs, cultural competence, pedagogical skills.

The task of pedagogy is to make science so understandable and assimilated as to make it speak in a simple, ordinary language (statement by A. Herzen). Linguoculturology is an integral theoretical and descriptive study of objects as a functioning system of cultural values reflected in the language, as well as a contrastive analysis of the linguoculturological spheres of different languages based on the theory of linguistic relativity. Maslova notes that: "Language - is a fact of culture, an integral part of the culture that we inherit, and at the same time its instrument. The culture of the people is verbalized in the language, and it is the language that accumulates the key concepts of culture, broadcasting them in a symbolic embodiment in words" [5, p.67]. During 20th century, interest of linguists in the relationship between language and culture was so great that a new related discipline "cultural linguistics" appeared at the junction of linguistics and culturology (linguoculturology). Cultural linguists are mainly interested in the question of how culture is represented in a language. Thus, the unit of linguoculturology is linguocultureme. A linguocultureme is a unit of language or speech that contains cultural information.

According to the definition given by Maslova, linguoculturology as a branch of linguistics that emerged at the intersection of linguistics and cultural studies [5, p.9], as a humanitarian discipline that studies material and spiritual culture embodied in a living national language and manifested in linguistic processes or as an integrative area of knowledge that incorporates the results of research in cultural studies and linguistics, ethnolinguistics and cultural anthropology" [5, p.30-32]. Vorobiev believes that cultural

linguistics is defined as a complex scientific discipline of a synthesizing type that studies the relationship and interaction of culture and language in its functioning and reflects this process as an integral structure of units in the unity of their linguistic and extra-linguistic (cultural) content using system methods and with an orientation towards modern priorities and cultural institutions (a system of norms and universal values) [9]. The author calls the main object of linguoculturology the relationship and interaction of culture and language in the process of its functioning and the study of the interpretation of this interaction in a single systemic integrity, and the subject of this discipline is national forms of society being reproduced in the system of linguistic communication and based on its cultural values, everything that makes up the linguistic picture of the world [8, p.32]. The study of linguoculturological objects is proposed to be carried out using a systemic method, which consists in the unity of semantics, sigmatics, syntactics and pragmatics and allows you to get a holistic view of them as units in which the actual linguistic and extra-linguistic content are dialectically connected [8, p.43]. Krasnykh explains linguoculturology as a discipline that studies the manifestation, reflection and fixation of culture in language and discourse, directly related to the study of the national picture of the world, linguistic consciousness, the characteristics of the mental-lingual complex [3]. Also, as Kourova defines that linguoculturology is a branch of linguistics that studies the interaction of language and culture in the form of systems that embody and represent linguocultural values. The task of the new discipline is to explicate the cultural significance of linguistic units by correlating their symbolic reading with the well-known codes of culture [2, p.53-54].

The basic concepts for cultural linguistics are: linguocultural paradigm, cultural connotation, linguistic picture of the world, concept and others. Thus, the theoretical and methodological basis of this discipline is currently at the stage of formation. There is no consensus among scientists either on the status of linguoculturology (an independent discipline or branch of linguistics), or on the subject and methods of linguoculturological research. It is generally accepted to define linguoculturological research as the study of a language in an inextricable connection with culture. The most popular material illustrating the peculiarities of the worldview of native speakers are phraseological units and paremias. In modern linguistics there are three main approaches to understanding the concept: 1) Cognitive and psycholinguistic (its continuation); 2) Syncretic, combining the provisions of the cognitive and linguocultural approaches; 3) Proper linguoculturological [7, p.6-16]. The fundamental features of the linguoculturological approach to the concept were identified by Stepanov who considers concepts as bundles of ideas, knowledge, experiences, associations that accompany the word, as well as clots of the cultural environment in the human mind. Phrasemes along with lexemes, are considered the main means of concept verbalization [1]. Phrasema as a sign of indirect naming is characterized by a special linguoculturological significance which allows it to be at the epicenter of research into metaphorical speech thinking [1, p.3]. For this reason, all cultural phenomena of reality, refracted in the thinking of the carriers of a given culture, are reflected in the structure and semantics of linguistic units, including such a bright unit as a phraseme. Also, one of the most important features of the phraseological verbalization of the concept is its multilevel character. Most of the phraseme components can verbalize a separate

concept, which can be conditionally called the first level concept, the second level concept is verbalized by the internal form of the phraseme, and the third level concept is the phraseme itself with its meaning.

The word competence is considered by a lot of scientists even from early times Aristotle described it as possibilities of the human condition, denoted by the Greek *atele* – the force that developed and improved to such an extent that it has become a feature of personality. Although according to Merriam-Webster dictionary, the first allusion of the term competence refers to 1605. In the educational area the concept competence gained its spread only in the 60-70s of the 20th century. In modern scientific literature there are different approaches to the definition of competence as well as a list of key (general, professional) competencies which students should possess. The term competence means the ability to effectively use their personal capacities in the course of professional activity, readiness to perform their professional activities in constantly changing real world. In other term, competence is a willingness to perform certain professional functions. Developing competence is defined as a continuous process of acquisition and consolidation of skills needed for performance in one or more life domains at the journeyman-level or above [6]. According to Tatur, the real level of competence formation can be judged only when a student begins to work as an independent professional. Kunanbayeva defines the concept competence as a complex set of characteristics which unite the intellectual and skill-based parts of education and which determine the formation of educational content [4]. This brings into question the viability of uniting the terms competency and competence in a sense of their having a relationship of potential whole (the final learning outcome of education; development of individual competencies during professional training).

Linguocultural competence is an integrative, multidimensional, social and individual-personal cognitive phenomenon; it does not arise spontaneously, and within the educational sphere it needs a purposeful formation. With the help of mastering and motivated use of the elements of linguocultural competence in the communication process is it possible for a future qualified specialist to participate in the dialogue of cultures both at the everyday level and at the level of professional communication. Linguocultural competence includes knowledge and skills related to the selection, assimilation, processing, transformation and use of information about linguoculture in practice, experience of intercultural communication for its successful implementation in a different linguistic culture. Its professional aspect is knowledge about a different linguoculture and the ability to effectively communicate and individual professional qualities necessary for the implementation of professional activities.

Understanding of paremies can be one of particular difficulties in the study of phraseology as it is most often associated with the dual semantic nature of metaphorical and metonymic proverbs. This is because proverbs, used in a figurative sense, retain a direct meaning to some extent, introducing additional problems in the process of studying phraseological units. For instance, in the proverb *Fish is rotting from the head* (in Karakalpak: *Balıq basınan shiriydi*), fish means leaders, and this word serves here as a metaphor. At the same time, a direct meaning can be extracted from the proverb. In order to prevent errors associated with an incorrect understanding of the proverb and sayings, one can include tasks stimulating the search for complete and partial equivalents

and synonyms with identical denotative and connotative meanings in the students' native language.

For example, in Karakalpak auditoriums, students can find the following equivalents and synonyms for Karakalpak and English proverbs: Fearing wolves – don't go to the forest (in Karakalpak: *Shimshıqtan qorıqqan tarı ekpeydi*), Chase two hares (in Karakalpak: *Eki kemeniñ basın uslağan suwğa keter*), Those who lie down with the blind will get up cross-eyed – Whom you lead, you will be like him (in Karakalpak: *Qazanğa jaqınlasań qarası juǵar – Attıñ qaina eshekti baylasań tápsi urar*).

Proverbs and sayings are sayings expressing a certain generalization of life experience in a capacious language form and are actively used in oral speech. A characteristic feature of proverbs and sayings is the allegory, the inclusion of the hidden meaning of words. Proverbs express judgments, inferences based on comparison or connection of phenomena by similarity, differ in diversity. Sayings are stable phrases that are part of a proverb, often of one-sided content. Proverbs and sayings contain a variety of information, have a cognitive value as they reflect a deeply meaningful and multifaceted picture of the world in a peculiar verbal form and are linguistic signs, products of the linguistic activity of the people. Proverbs and sayings are a ready-made block of communication, and express the connection between the direct and figurative meanings of words and phrases. Proverbs in modern communication are used to emphasize a key element in speech (ritual proverbial speech), intuitive transfer of meaning (hidden or roundabout messages), in which a proverb can be voiced, but a situation is meant, edification in the speeches of sages (proverbial speech of the sage), to resolve conflict situations (paradigm of conflict solving), their position in order to assess the situation, look from the outside, defuse the heated situation during the dispute or in other words to ease the situation. Proverbs as a verbal reflection of the culture of the people lie on the surface of the understanding of people of different ages, social and economic status, level of education and cultural competence, since their sources are often well-known books and literary sources.

The assimilation of this layer of language contributes to the effective solution of not only linguistic, but also the following important extralinguistic strategies: the formation of students' ideas about the material and spiritual values of English and Karakalpak speakers, creating respectful attitude to the cultural traditions of the foreign culture, as well as the ability to see the general and different in cultures of different countries. However, the theory of regular correspondences goes beyond the comparison of individual units and outlines ways to solve complex translation problems. The stability of phraseological units does not always help to solve the problem of influencing the audience. But we should not assume that the transformation of phraseology is only the result of replacing one component with another. Therefore, the decomposition of phraseological units might pose some problems for the teacher (or translator), that can be solved by comparative study of languages in the field of speech functioning. Studying phraseology in classes allows students to see the grammar of the foreign language which is English and also Karakalpak language in action (by means of comparative analysis), giving their utterances expressiveness, figurativeness and at the same time makes their speech standard and natural. Thus, students' linguistic competence, sociolinguistic and cultural competence is shaped as a whole which can lead to the development of pedagogical skills in the future.

Literature:

1. Alefirenko N.F. Concept Verbalization Problems: Theoretical Research/N.F. Alefirenko. Volgograd: Change. 2003. 96 p. (Алефиренко Н.Ф. Проблемы вербализации концепта: Теоретическое исследование/Н.Ф. Алефиренко. Волгоград: Перемена. 2003. 96 с.)
2. Kourova O.I. Traditional poetic vocabulary and phraseology as a linguocultural value: monography. Yekaterinburg: Ural. state ped. un-t, 2005. (Коурова О.И. Традиционно-поэтическая лексика и фразеология как лингвокультурная ценность: монография. Екатеринбург: Урал. гос. пед. ун-т, 2005.)
3. V.V. Krasnykh Ethnopsycholinguistics and cultural linguistics. M., 2002. (Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология. М., 2002.)
4. Kunanbayeva S.S. The modernization of foreign language education: The linguoculturalcommunicative approach. United Kingdom: Hertfordshire Press, 2013. pp. 105-231.
5. Maslova V.A., Linguoculturology: a textbook for students of higher educational institutions. M., 2001. (Маслова В. А. Лингвокультурология: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. М., 2001.)
6. Sternberg R.J. Intelligence, Competence and Expertise. Handbook of competence and Motivation. New York London: The Guilford Press, 2007. pp. 15-30.
7. Tokarev G.V. Concept as an object of linguoculturology (Based on representations of the concept "Labor" in Russian). Volgograd: Change, 2003. 233 p. (Токарев Г.В. Концепт как объект лингвокультурологии (На материале репрезентаций концепта «Труд» в русском языке). Волгоград: Перемена, 2003. 233 с.)
8. Vinogradov V.V. On the Main Types of Phraseological Units in the Russian Language. Selected Works, Lexicology and Lexicography. Moscow. 1977.
9. Vorobyov V.V. Linguoculturology: theory and methods. M., 1997.

РЕЗЮМЕ

Maqolada lingvomadaniyat tushunchasi haqida ma'lumot va kompetensiya atamasiga ta'rif berilgan. Maqolada lingvomadaniyatning funktsiyalari, va uning alohida fan sohasi sifatida rivojlanishi to'g'risida ma'lumotlar berilgan. Maqolada lingvomadaniyat va frazeologik birliklarni qiyosiy, semantik tahlil usullari asosida o'rganish orqali lingvomadaniy kompetensiyani shakllantirishning ahamiyati va imkoniyatlari haqida qisqa va aniq fikrlar berilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье дается информация и определение понятий «лингвокультура» и термина «компетенция». В статье рассматриваются функции лингвокультурологии и дается информация о ее развитии как области науки. В статье дается краткое и ясное представление о лингвокультурологии и важности развития лингвокультурологической компетенции путем изучения фразеологизмов на основе сравнительного, семантического методов анализа.

SUMMARY

The article defines the concept of linguoculture and the term competence. The article deals with the functions of linguoculturology and gives information about its development as a field of science. The article provides a brief and clear understanding of the linguoculturology and the importance of developing linguistic competence by means of studying phraseological units based on the comparative, semantic methods analyses.



ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

КОНСТРУКТИВ-КОМПОЗИЦИОНЕЧИМЛАРАСОСИДАКИЙИМЛАРНИ МАНЗИЛЛИЛОЙИҲАЛАШТАМОЙИЛЛАРИНИТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Шарипова Г.С.

*Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти
“Либос дизайни” кафедраси доценти*

Хаитова М.Т.

*Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти
“Либос ва газламалар” йўналиши I-курс магистранти*

Таянч сўзлар: либос, лойиҳалаш, конструкция, композиция, кийимлар, фешн-атвор, тамойиллар, қомат, гавда.

Ключевые слова: конструкция, композиция, одежда, дизайн, характер, принципы, фигура, рост.

Key words: construction, composition, clothing, libos, design, Fashion-tolerances, principles.


Бугунги кунда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни халқаро бозорларга чиқариш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва хорижий шерикларни жалб этиш «Ўзбекенгилсаноат» аксиядорлик жамиятининг муҳим вазифаларидан биридир. Буларнинг барчаси мамлакатимиз энгил саноатини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради.

Замонавий либос индустриясида антропометрик тадқиқотлар асосида ўрта ёшли аёллар индивидуал тана тузилишини ҳисобга олган ҳолда қомат конструкциясига мос либослар яратиш долзарб этиб белгиланган. Бугунги кунда ўрта ёшли тана тузилиши турли ўлчамга ва қоматга эга аёллар учун либосларни конструктив-композицион ечими белгилари бўйича шаклланган квалификациясини ҳали ўрганилмаган жиҳатларини ишлаб чиқиш аҳамиятлидир.

Аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, «инсон-кийим» тизимининг бадий уйғунлиги ва композицион яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда индивидуал истеъмолчи учун кийимларни лойиҳалаш методини такомиллаштириш либос дизайни соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлар олдига етарлича талаб қўяди.

Замонавий либослар оламида ҳажмий-фазовий шаклдаги турли хил конструктив қурилмаларга эга бўлган ва энг кенг тарқалган аёллар либослари долзарб бўлиб,

турли ўлчамга эга индивидуал қоматни тузилиш хусусиятларини ўрганиш заруриятини кўрсатади. Бундай қомат тузилишига эга аёллар либосини лойиҳалаш жараёнида ўлчам характеристикалари стандарт меъёрларга жавоб берадиган тана шаклини ҳар доим ҳам типик ҳолатга келтирмаслиги аниқланган. Фарқлар маълум бир соҳада танани тавсифловчи ўлчовли чегараларнинг бир хил қийматларида тананинг маълум бир участкаларида фарқ қилиши мумкинлиги туфайли пайдо бўлади. Масалан, бўйин айланаси – айрим ҳолатда юмалоқ, чўзилган ва қўндаланг йўналишда бўлиши мумкин ёки бир хил кўкрак қасаси кичик суяк тўплами билан катта кўкраклар ҳосил бўлиши мумкин ёки аксинча тузилишлар қўзатилиши мумкин. Бундан ташқари, кўкрак оралиғи маркази орасидаги масофа, кўкрак баландлиги, шакли, масофаси ва ҳоказоларда оғишлар бўлиши мумкин. Тананинг шакли тузилишида, умртқа поғонасида, елкалар баландлигида фарқлар борлигини сезиш мумкин.



1- Расм. Аёл конструктив тузилишида ностандарт ўлчамлар.

Тадқиқотчилар конструктив-композицион ечимлар асосида кийимларни манзилли лойиҳалашга оид таснифларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилганлар.

Маълум тана тузилиши турларининг барча мумкин бўлган вариантларини аниқлаш, таснифлаш учун қўллаб уринишлар бўлган. Хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг турли чизмалари ишлаб чиқилган. Уларнинг таҳлили, икки хил ёндашув мавжудлигини кўрсатди. Биринчиси оғзаки шаклда, Шкерли, Галант каби тана шаклини миқдорий баҳоларсиз белгилар мажмуи билан тасвир намоён бўлади.

Шундай қилиб, Шкерли аёл танаси типологиясини фақат бошқа тана хусусиятларининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олмаган ҳолда, тананинг маълум жойларида ёғ қатламларининг тарқалиши ривожланиш даражаси хусусиятлари асосида курди. И. Б. Галант томонидан таклиф этилган аёлларнинг тана тузилиши турлари схемаси

тўлиқроқ ва нафақат ёғ бирикмасининг ривожланиш даражасини, балки бошқа бир қатор морфологик хусусиятларни ҳам ҳисобга олишга асосланган: масалан, мутаносиблик, мушакларнинг ривожланиш даражаси ва бошқалар.

Ажен Ледо асосий геометрик фигураларга ўхшаш фигуралар асосида тавсифлади ва аёл танаси тана тузилишининг ўзига хос хусусиятларини типологиясини таклиф этди (36). А.Ледо аёл

конструкциясига мос ҳолатда инсон қиёфасининг беш ҳил психологик турини ажратиб берган:


- Тўртбурчак қиёфа асосан шижоатли кишиларда намоён бўлади. Улар муаммони ҳал этувчи ва амалий тоифадаги инсонларга киради. Улар санъат учун яроқсиз, аммо аниқ фанлар уларни ўзига тортади.
- Юз қиёфасининг уч бурчакли тури мувозанатсиз одамларга хосдир. Ички дунё рухиятининг кўтарилиб бирдан пасайиши билан алмашинади. Қаттиққўл, шавқатсиз.
- Думалоқ турли қиёфа - ташаббускор, бакуват, ақлли одамлар. Улар мулоқатчанг ва очикдирлар.
- Овал қиёфа инсонлар ҳаракатчан ва таасуротли инсон кўринишида тасаввур уйғотади. Кўпинча бу инсонлар санъат одами бўлиб, шоирлар, rassomларни ташкил этади.
- Конус шаклидаги тури эса реалистик, консерватив ва ҳисоб-китоблиларга хосдир.

Конрад томонидан ишлаб чиқилган ўзига хос хусусиятли аёллар кийимларни манзилли лойиҳалашда метрик ва пластик индекслардан фойдаланиш таклиф этилади. Метрик индекс кўкрак баландлиги, кўкрак кенлиги ва бошқакатталикини ўлчайдиган оддий маълумотлардан олинади. Топилган индекс бўйича тегишли индекс билан таққосланади.

«Пластик индекс (тана бичими индекси) биакромиял масофа ўлчов маълумотларни қўшиб олинади, қўл атрофи ва бу йўл билан олинган саҳт ўлчов рақамлари асосида билан, энг айланаси маълум соҳада ўқлар кесишиб, маълум тўрт квадратлардан жой олади.

Круссман юза ва текислик ёки тананинг узунлиги ва чуқурлиги ҳамда оёқ-қўлларнинг мос мутаносиблиги бўйича таснифлашни таклиф қилади. Таснифлаш учун Круссманн учта етакчи сифатни таклиф қилади: баландлик, елка кенлиги ва қўл ҳажми. Қоматни бундай гуруҳларга ажратишда ва геометрик фигуралар келтириб чиқаришда бир тоифага кирадиган тана тузилишли инсонлар учун бир типдаги композицион-конструктив ечимдан фойдаланиш мумкин. Тананинг қисмларини бўй - бастга ва бир – бирига мослигига қараб, долихоморфоз, мезоморфоз ва брахиморф тузилиш ҳам фарқланади.

Бундай тана хусусиятлари индивидуал қоматли аёллар кийими дизайнидаасо-



2-расм. Аёллар қоматининг геометрик фигуралар шаклида таснифланиши.

сий эътибор умртқа поғонанинг эгилиши, бўкса мускулларининг шаклланиши ва ёғ қатламининг ҳосил бўлишига кўпроқ эътибор бериш лозим. Ностандарт конструкцияли тузилишни макетлашда мана шу хусусиятлар асосий саналиб, бу хусусиятларсиз конструктив ечим яратиш мумкин эмас. У турларини ўлчаш учун зарурий ўлчамлардан ҳисобланади. Бу гуруҳга Поғол, Роезитл, Сорин ва бошқаларнинг ишланмалари киради.

Л.П.Шершнева ўз тадқиқотлари натижасида бир қанча турлааро конструкцияларни таҳлил қилиб, таснифлайди:

Навқирон тип – холерик феъл-атворли бўлиб, ҳаракатчанг, нозик ва ўрта тана тузилишига эгадирлар. Тана тузилиши мўтадил, асосан кичик ва ўрта ёшлар ўртасида кўп учрайди.

Жозибадор тип – бу тоифага кирувчи аёллар сангивиник феъл – атворга эга бўлади. Ўрта ва баланд бўйли, нозик, ўрта ва кенг тана тузилишини намоён қилади. Бўйин ва юз чўзиқ ҳолатда бўлиб, асосан ёшлар ва ёши улуг аёллар киёфасида намоён бўлади.

Ишбилармон аёллар киёфаси – флегматик ва сангивиник темперамент эгаларидир. Улар барқарор, аммо айрим ҳолларда биров кўполроқ ва кескин инсонлардир. Ўрта ва кенг елкали бўлиб асосан барча ёшдаги аёлларга ҳос келади.

Латофатли тип – меланхолик ва флегматик типга ҳос бўлиб, ўрта бўйли, ўрта ва кенг тана тузилишли, кучли ва ҳаракатчан киёфани акс этади. Бу тоифа аёллари кўпинча юмшоқ юз тузилишига эга бўлади.

Геронтотип - -бу ёш кекса аёллар тоифасини (65 ва ундан юқори) бўлиб, кексалikka ҳос белгиларни нимоён этади.

Шунинг учун аёллар тана тузилишини композицион конструктив манзилли ечимда, уларнинг психологик-антропометрик тана тузилишига эътибор бериб либослар яратиш турли тоифадаги аёллар қатламининг хусусиятларини ўрганишдан бошла-нади.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиётини ривожлантиришда индивидуал қоматдаги истеъмолчи эҳтиёжини сифатли кийим билан кондириш долзарблиги, бунинг учун индивидуал қомат учун кийим шаклини тузатиш йўллари ва воситаларини ишлаб чиқиш, кийимнинг композицион-конструкцион ечимини такомиллаштириш инсон шахсияти билан боғлиқлиги муҳим рол ўйнайди. Бунда эса замонавий мутахассис бир вақтнинг ўзида дизайнер, конструктор, технолог, маркетолог ва ўз маҳсулотини муваффақиятли сотувчи каби вазифаларни бажариши керак.

Адабиётлар:

1. Козлова Е.Т., “Совершенствование конструктивно- композиционных решений одежды в зависимости от особенностей телосложения человека», Москва 2005
2. Н. Ю., «Совершенствование методов автоматизированного проектирования одежды на индивидуального потребителя», Шахты 1999.
3. Мартынова А.И., Андреева Е.Г. Конструктивное моделирование одежды. М: МГА , 1999.
4. Матузова Ем Соколова Г.И., Гончарук не Мода и крой. М., 2001. 62 Матузова Ем Соколова ги Гончарук Н.С. Разработка конструкция женских зема по мосм. М. Лера и да промышленность, 1983.
5. Meznenepa T.B. Ilерос С. В. E cerea mpoeposao E ose Kau Катиповые и истилловые фигура// Швейин. прость. 1992
6. Медведева Т.В. Художественное конструирование свежды. М: Форум Инфра-М, 2003.

РЕЗЮМЕ

Маколада турли хил қоматга эга аёллар либосини манзилли лойиҳалашда, аёллар тана тузилишининг композициялари ва киёфалари ҳақида маълумот берилади. Турли тадқиқотчилар томонидан олиб борилган конструктив-композицион ечимлар асосида кийимларни манзилли лойиҳалашнинг психологик ва эргономик талаб жиҳатдан таҳлили берилган.

В статье приводятся сведения о составе и внешнем виде строения женского тела при целенаправленном проектировании женской одежды с различными конструкциями. Дан психологический и эргономический анализ спроса на дизайн одежды назначения на основе конструктивно-композиционных решений, проведенный различными исследователями.

SUMMARY

The article provides information about the composition and appearance of the structure of the female body in the purposeful design of women's clothing with various designs. The psychological and ergonomic analysis of the demand for the design of clothing for various purposes based on structural and compositional solutions, conducted by various researchers, is given.

O'RTA OSIYO LIBOSLARINI TUNIKASIMON BICHIMINI TADQIQ ETISH VA ZAMONAVIY KOSTYUMDA QO'LLASH

Hodjaeva U.M.

KamoliddinBehzod nomidagi milliy rassomlik va dizayn Instituti

“libos dizayni” kafedrası

dosenti

Sadirova Sh.L.

“Libos va gazlamalar” yo'nalishi 1-kurs magistratura bosqichi talabasi

Tayanch so'zlar: parpara, ko'krak, burma, peshkurta, kamzul, paranji – chachvon

Ключевые слова: отделанным зубцами или плиссировкой, с отрезной кокеткой, вышитая отделка, камзол, паранджа.

Key words: trimmed with teeth or pleats, with a detachable yoke, embroidered trim, camisole, parandji.

Hozirgi kunda ko'pchilik dizaynerlarning ijodiga kuchli ta'sir ko'rsatgan milliy mavzular, endilikda jahon madaniyatiga ham kirib bordi. Tarixiy libos barcha xalqlar milliy merosining muhim bo'lagi hisoblanadi. Tarixiy yoki an'naviy milliy deb nom olgan o'zbek kiyim - boshlari XX asr libos dizayni uchun milliy o'zlikni anglash manbaiga aylandi. Ular millat madaniyatining ajralmas qismi sifatida o'zida an'naviy qarashlarni, asrlar davomida xalq tomonidan yaratilgan turli usul va texnologiyalarni namoyon etgan. Xalqimizning didi, go'zallik to'g'risidagi ideallari, o'zbek xalqining kiyimlari juda xilma-xil, rang-barang va jozibali liboslarida ko'zga yaqqol tashlanadi. Libos san'atiga falsafiy-madaniy jihatdan nazar soladigan bo'lsak, unda insonning ichki olamini va eng muhimi, insonparvarlikka asoslangan qadriyatlarining abadiy va betakror tajassumini ko'rish, anglash mumkin. Shu bois XIX – XX asr milliy madaniyatiga murojaat etish muhim masala-lardan biridir. O'rta Osiyo xalqlari, shu jumladan o'zbeklarning milliy kiyimi inqilobdan oldingi yillarda ham etnograflarning e'tiborini tortgan, ammobu boradagi tadqiqotlar yetarlicha bo'lmagan deb o'sha davr yozma manbalar ba'zi noaniqliklar haqida guvohlik beradi. O'zbek xalqining kiyim kechaklari juda hilma-hil, rang-barang va jozibalidir. Ma'lumki, kiyimlar biron-bir bayramlarda, marosimlarda kiyiladigan hamda ko'chalik, uylik, kundalik kiyimlarga ajratiladi.

Uzoq asrlar davomida bir-birlariga o'zaro madaniy ta'sir ko'rsatib kelgan O'rta Osiyo xalqlarining qadimgi kiyimlari ayrim milliy hududiy belgilari bilan farq qilishiga

qaramasdan, umumiy asosdagi yagona “Tunikobrazniy” deb nomlangan to'g'ri bichiqda bichilgan bo'lib, ularda erkin andoza, yaxlitlik, umumiylik, harakatlanish uchun qulaylik aks etgan. Bu bichiq O'zbekiston hududida ikki usulda bajarilgani va har ikki usul ham juda qadimdan mavjudligini ilk o'rta asr davri saroy devorlariga chizilgan rasmlarda hamda XV–XIX asr miniatyura asarlarida ko'p uchratish mumkin.

O'zbeklarning an'anaviy kiyim-boshlari asosan: ko'ylak, lozim, chopon, mursak, to'n, peshmat, kamzul, nimcha, paranji -chachvon (shaharlik ayollar majburiy ustki kiyimlari hisoblanib, ko'chaga chiqqanlarida boshlariga yopinib yurganlar) lardan hamda, xilma-xil ro'mollar, rang-barang do'ppiladan iborat iborat bo'lib, ularni bichishda o'lchov birligi sifatida asosan qarichda foydalanilgan.

Ko'p yillik tadqiqotlar natijasiga ko'ra, O'zbekistonda erkaklar va ayollar libosi keng ko'ylak, uzun ishton va ayollar ko'ylagining uzunligi to'piqqacha bo'lib, pastga qarab kengaygan yoki beldan to'g'ri tushgan bo'lgan. Erkak va ayol libosi matosi, bezagi va bosh kiyimiga ko'ra farqlangan.

Qizlar ko'ylaklarining yoqasi to'g'ri gorizontall o'yilgan bo'lib, boshqacha rang matodan mag'iz tikibishlov berilgan. Ko'ylakning yelka qismiga shu mag'izdan bog'ich yoki bir dona tugmacha tikishgan. Turmushga chiqqan ayollar ko'ylagining yoqasi ko'krakning o'rtasidan vertikal o'yilgan bo'lib, uzunligi 25 sm. bo'lgan va tugma yoki chiroyli to'nog'ich taqib olganlar.

O'rta Osiyo Rossiyaga qo'shilgandan so'ng, tikyoqali ko'ylaklar urf bo'ldi, keyinchalik yoqaga pir-piraklar bilan ham ishlov berishgan.

Yosh kelinchaklar farzand ko'rgunga qadar tikyoqali – parpara ko'ylak kiyishgan. (matoni uchburchak shaklda yoqaga o'rnatish) Bunday yoqani asosan o'zbeklar va tojiklar ko'ylaklarida qo'llashgan.

XIX asr oxirlarida ko'krak burma liboslar paydo bo'ldi va keyinchalik ayollar garderbodan joy egalladi. Xozirgi kunga kelib ko'krak burmali, tikyoqa ko'ylaklarni kiyishni yoshi ulug' ayollarimiz davom ettirib kelmog'dalar. Ayollardagi milliy kiyim-kechaklardagi an'anaviylik ko'proq keksa avlodga mansub ayollar orasida, shuningdek, ayrim yosh ayollar liboslarida ham saqlanib kelinmoqda. Mazkur kiyimlarning tarkibi, bichim andazalari turli yoshdagi kishilar guruxlari uchun turlicha bo'lib, keyingi yillarda bu sohada turfa o'zgarishlarni kuzatish mumkin.

XX asr o'rtalariga kelib ayollar choponi o'rniga kamzul – nomli kiyimning yangi turi kirib keldi (kamzul, kamzur, peshmat), chopon faqat keksa ayollar ustki kiyimi sifatida saqlanib qoldi. Mursakning chopondan farqi shuki, unda yeng ostidan burma qilinib, barlari ulama qiyiq hisobiga kehgaytirilgan bo'ladi, etaklari huddi chopon barlariga o'xshab, birining ustiga biri tushib turadi, yon tomonlarida to'rmoch bo'lgan.

Ilgari ayollar uy shidroitida bitta, qish mavsumida esa ustma – ust ikkita ko'ylak kiyib yurishgan. Aslzodalar esa ko'chaga chiqqan vaqtlari uch qavatgacha ko'ylak kiyishgan. Yenglari uzun – qisqa bo'lib, yengning pastki qismi kashta bilan bezatilgan. Ba'zi hollarda boy-badavlat honimlar marosimlarga yana qo'shimcha ko'ylaklar o'zlari bilan olib ketishar va vaqti – vaqtida almashtirib ko'z - ko'z qilishar edi.

Buxoro vohasining etnik tarkibi bu hudud liboslarida ham o'z aksini topgan. Tadqiqotchilar Buxoro vohasida o'zbek-tojik, turkman, qozoq-qoraqalpoq an'analarini aks ettirgan liboslar turi mavjudligi, shuningdek, alohida etnografik guruhlarining kiyimlari borligini qayd qilishadi. Buxorolik ayollarning liboslari boshqa hududliklarnikiga qaraganda, gavda va yeng qismining kengligi va sezilarli darajada pastga cho'zilgani hamda dumaloq ko'krakburma va qaytarma yoqali liboslar bilan farqlanadi. Ustki kiyimlar uchun esa keng bichimli yoqalar ishlatilgan.

Farg'ona – Toshkent aholisining an'anaviy liboslarida ham o'ziga xoslikni ko'rish mumkin. Bu hudud o'zbeklar, sartlar, tojiklar, Namangan qipchoqlari, Andijon turkiylaridan iborat rang-barang etnik tarkibga ega. XIX asr oxiri – XX asr boshida ham Farg'ona – Toshkent liboslari o'zining qadimiy xususiyatlarini saqlashda davom etgan. Toshkentda yengsiz, kalta nimchalar, Farg'onada kamzur kiyishgan. Nimcha asosan qora baxmaldan tikilgan bo'lib, ko'ylakning ustidan kiyishgan. Qizbolalar esa qora satindan tikilgan etagi kashtali nimcha kiyishgan. Nimcha ayollar kiyimining zaruriy bo'lagi hisoblangan.

Adabiyotlar:

1. N. Sodiqova. O'zbek milliy kiyimlari (XIX-XX asrlar) Toshkent, 2003.
2. T.A. Abdullayev, S.A. Xasanova. "Odejda uzbekov" Toshkent, 1978.
3. M.A. Bikjanova. Odejda uzbekov Tashkenta XIX-XX a.// Kostyum narodov Sredney Azii. M.: Nauka, 1979.
4. O.A. Suxareva. Opit analiza pokroyev tradisionnoy "Tunikoobraznoy" sredneaziatskoy odejdi v plane ix istorii i evolyusii. Kostyum narodov Sredney Azii. M., 1979.
5. M.V. Sazonova. Jenskiy kostyum uzbekov Xorezma. // Tradisionnaya odejda narodov Sredney Azii i Kazaxstana. M.: 1989.
6. M.A. Bikjanova. Mursak – starinnaya verxnyaya odejda uzbekov" Izdatelstvo AN Tadjikistana, 1960.
7. X.I. Ismailova. Tradisionnaya odejda uzbekov. Tashkent, 1978.
8. Z.A. Shirokova. Tunikoobrazniye platya tadjichek gornogo Tadjikistana// SE. 1979.

РЕЗЮМЕ

Xalqimizning didi, go'zallik to'g'risidagi ideallari, o'zbek xalqining kiyimlari juda xilma-xil, rang-barang va jozibali liboslarida ko'zga yaqqol tashlanadi. O'tmishimizdagi qadimgi milliy an'analirimizni qadriyatlarimizni tiklash, hamda o'zbek milliy kiyimlari xalqimiz tarixi bilan bog'liqligini inobatga olib milliy liboslarimiz hozirda ham o'z jozibasini yo'qotmaganligini va zamonaviy yangicha ko'rinishda ifoda etish, tiklash va moda olamiga olib kirish hozirgi kun talablaridan biri bo'lib qolmoqda.

РЕЗЮМЕ

Вкусы нашего народа, идеалы красоты, одежда узбекского народа очень разнообразна, красочна и привлекательна. Учитывая восстановление наших древних национальных традиций и ценностей, а также тот факт, что узбекские национальные костюмы связаны с историей нашего народа, наши национальные костюмы не утратили своего очарования и привнесли колоритность в мир современного самовыражения и моды. Остается одним из требований сегодняшнего дня.

SUMMARY

The tastes of our people, the ideals of beauty, the clothes of the Uzbek people are very diverse, colorful and attractive. Considering the restoration of our ancient national traditions and values, as well as the fact that Uzbek national costumes are associated with the history of our people, our national costumes have not lost their charm and brought color in the world of modern self-expression and fashion. It remains one of the requirements of today.

«INSON-KIYIM» TAMOYILI ASOSIDA AVTOKORXONANING MAHSUS KIYIMLARINI YARATISH

Mo'minova M.U.

KamoliddinBehzod nomidagi Milliyrassomlik vaziraynstituti

@Libos vagazlamalar» magistri

Sharipova G.S.

Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn instituti «Libos dizayni» kafedrasida dosenti

Tayanch so'zlar: avtokorxona, maxsus kiyimlar, «inson-kiyim», dizayn, qulaylik, texnologiya.

Ключевые слова: автобаза, спецодежда, «человек-одежда», дизайн, комфорт, технологии.

Key words: carpool, workwear, «man-clothing», design, comfort, technology.

Insonning zamonaviy dunyoda texnik yangiliklar yaratib, sanoat va ishlab chiqish jarayonida faol xarakter qilar ekan, doimo o'zi uchun qulay va xavfli va zararli sanoat omillaridan himoyalalanishni ta'minlovchi maxsus kiyimlarni yaratish - ergonomik, eksplatsion va estetik talablarga javob berishi kerak. Ko'pincha bu talablarning amalda esa ziddiyatlarga duch kelish kuzatiladi. Insonlarning ishda xavfsizligini ta'minlash, zararli narsalardan himoya qilish uchun maxsus kiyimlar assortimenti sifatini maqsadli takomillashtirish, ehtiyojlar doirasini yetarli darajada qondira olish har doim ham o'zini oqlay olmaydi. Inson organizmiga maxsus kiyimning xavfli va zararli ta'sirini kamaytirish shartlari, ishlab chiqarish omillari va uning yuqori samaradorligini saqlash lozim.

Aniq kasbdagi ishchilar uchun maxsus kiyimlarning sifati ko'p jihatdan mehnat sharoitini bilish bilan belgilanadi. Ishchilarning mehnat sharoitlarini o'rganishda birinchi navbatda quyidagilarga e'tibor berish: ishlab chiqarish omillarining tabiati va ularning ta'sir darajasi (butun yuzaga yoki mahalliy hududlarda); ishning jiddiyligi; xarakterli harakatlar; meteorologik sharoitlar (harorat va namlik, shamol tezligi); ish va dam olish sharoitlari; standart xizmat muddati (ish kiyimlari, xavfsizlik poyafzallari va xavfsizlik qurilmalarining erkin berilishi me'yorlariga muvofiq); estetik talablar(rang sxemasi, korxonaning sanoat ichki rioya) zarur.

Ergonomik talablar asosida yaratiladigan mahsus kiyimlar «inson-kiyim» dinamik jarayonlarda namoyon bo'lganligi sababli, asosiy ergonomik dizaynning asosiy talabi ish kiyimlarining dizayn parametrlarini tanlashda hal qiluvchi omil etib, bu ishchining o'ziga xos ishlab chiqarish sharoitida xarakterli va ekstremal harakatlarga dinamik muvofiqligini ta'minlashdan iboratligidir.

Bu omillarning barchasini hisobga olgan holda maxsus kiyimlar ishlab chiqiladi. Masalan, meteorologik ma'lumotlarga muvofiq, jismoniy ishning jadalligi, ish joyida sarflangan vaqt, materiallar tanlanadi va ish joyida inson issiqlik almashinuvi uchun mo'tadil sharoitni ta'minlovchi kiyim konstruksiyalari ishlab chiqiladi. Ishlab chiqarish omillari va shaxs harakatlarning xususiyatiga muvofiq materiallar tanlanadi va bu omillardan zarur himoya va harakat erkinligini ta'minlovchi kiyimni loyihalash ishlab chiqiladi. Tanlangan materiallar va dizayn shuningdek, maxsus kiyimning eskirish muddatini va insonning ish qobiliyatini belgilaydi.

Materiallar himoya, operatsion va ergonomik talablarga eng yaxshi javob beradigan tarzda tanlanadi. Buning uchun laboratoriyada himoya xususiyatlari bilan birga kuch, qarshilik, qattiqlik, nafas olish, namlik o'tkazuvchanlik, vazn va boshqalar kabi ko'rsatkichlar belgilanadi.

Tabiiyki, har qanday ish kiyimi ma'lum darajada insonning harakatini cheklaydi. Biroq, har qanday holatda ham, u inson organizmiga kiruvchi ta'sir ko'rsatmasligi kerak, chunki bu ishlash darajasining pasayishi bilan bog'liq. Bu holda kiyim, o'z navbatida, bir qator o'zgarishlarga uchraydi: harakatlanuvchi, ko'ndalang qarshilikning ortib boruvchi kuchlari kiyimning cho'zilishiga, egilishiga yoki qisqarishiga sabab bo'lgunga qadar inson tanasiga nisbatan sirpanadi. Deformatsiyalanganda kiyim inson tanasining qismlariga turli kuchlar bilan ta'sir qiladi (uning tanasini bosadi). Shuning uchun ishchi jismoniy energiyaning kam miqdorda sarflaydigan, qulayliklarga ega bo'lgan turli harakatlarni bajarishga imkon beradigan maxsus ish kiyimlarining dizaynini yaratish kerak.

Bugungi kungacha respublikamizda avtomobil ishlab ishlab chiqaradigan kompaniyalar sanoqli edi. Fan-texnika taraqqiyoti shiddat bilan o'sib bormoqda va ishlab chiqarish korxonalari kundan kunga ko'paymoqda. Bular qatorida avtomobil ishlab chiqaruvchi korxonalar ham ko'payib bormoqda. Avtomobil iste'molining o'sishini hisobga olgan holda, dunyoda, shu jumladan ichki bozorlarda, ishchilarni maxsus kiyim bilan ta'minlash

muammosini har tomonlama o'rganish dolzarbligi aniq bo'lib qolmoqda. Xavfli va zararli sanoat omillaridan himoyalashni ta'minlovchi maxsus kiyim ergonomik, eksplatatsion va estetik talablarga javob berishi kerak yuqoridagi barcha talablarga javob beradigan maxsus kiyimlarni yaratish beshta asosiy bosqichdan iborat:

- 1) texnik talablarni tahlil qilish va ishchilarning mehnat sharoitlarini o'rganish;
- 2) muayyan ishlab chiqarish sharoitlariga eng yaxshi javob beradigan materiallarni tanlash (zararli va xavfli ishlab chiqarish omillariga ta'sir qilish, meteorologik sharoitlar) ;
- 3) ishchilar dinamikasini hisobga olgan holda kiyim dizaynini ishlab chiqish, zararli yoki xavfli ishlab chiqarish omillariga va meteorologik sharoitlarga ta'sir qilishni mahalliyashtirish;
- 4) laboratoriya va ishlab chiqarish sharoitida maxsus kiyimni baholash;
- 5) maxsus kiyimlarni ommaviy yoki ketma-ket ishlab chiqarish uchun me'yoriy-texnik hujjatlarni ishlab chiqish yaratilayotgan kiyimga qo'yilgan ergonomik talablar bo'lib, asosan «inson-kiyim» tamoyili asosida yaratiladi.

Maxsus kiyimlarning moslashtirilgan variantlarini yaratish bo'yicha tadqiqotlar avtomobil ishlab chiqaradigan korxona ishchilari uchun yaxshilangan parametrlar ko'rsatkichlari, yangi zamonaviy materiallarning texnik parametrlari va zamonaviy korxonalarda ishchilar mehnatini intensivlashtirishi lozim. Xamda ushbu maqsadga erishish uchun quyidagi vazifalarni aniqlandi va yechilisi dolzarb etib belgilandi:

1. Avtokorxona ishchilari uchun mavjud bo'lgan maxsus kiyimlarni o'rganish va uni ishlab chiqarishda ishlatiladigan maxsus materiallar, ish kiyimlarini optimallashtirish parametrlarini ishlab chiqish.

2. Texnologik operatsiyalar xususiyatlarini tizimlashtirish va tahlil qilish, hamda taklif modellar ishlab chiqish.

3. Tizim elementlarining biokinematik o'zaro ta'sirini o'rganish, ergonomik tamoyillarga asoslangan «inson-kiyim» jarayon uchun dastlabki ma'lumotlarning tuzilishini shakllantirish, maxsus kiyimlar dizaynini ishlab chiqish.

4. «UzAuto Motors» Aj ishchilari uchun maxsus kiyimlar dizaynini optimallashtirish, ob'yektga yo'naltirilgan yondashuv va axborotni birlashtirish, dizayn texnologiyasi.

5. Texnologik ish turlarini tanlash va asoslash. Ergonomikani o'rganish uchun «UzAuto Motors» ishchilarining asosiy ish jarayonida maxsus kiyimlarining eng kirlangan zonalarini aniqlash.

6. To'plamni o'rganish, ishlab chiqish, hamda ishlab chiqarish.

Quyidagi holatlar faol xarakat qiladigan avtokorxona ishchilari maxsus kiyimlarining «orginal» dizayni va texnologik yechimlariga oid loyihalash va baholash bo'yicha uslubiy materiallar hali to'g'ri tizimlashtirilmaganligi va ularning o'ziga hos bo'lgan yechimli kiyimlarni to'liq tadqiq etish lozimligini keltirmoqda. Asosan, bu yechimlar malakali dizaynerlarning dizaynerlik ixtirolari natijasi bo'lib qolmoqda. Bu loyihalash metodlari ish kiyimlari mahsulotlarining badiiy ifodaliligini, ularning tasviriy va ergonomik mukammalligini ta'minlash vositasi sifatida qaralmaydi.

Ratsional (antropodinamik muvofiqlikni ta'minlash nuqtai nazaridan) ishchi kiyimlarining tarkibiy va texnologik yechimlarini, turli utilitar maqsadlarda kiyimning kesilishini yanada funksional va kompozitsion tizimlashtirishning dolzarbligiga shubha yo'q. Birgalikda, bu tizimlashtirilgan yechimlar turli maqsadlar uchun mahsulot, kolleksiyalar va assortiment guruhlarining ergonomik dizaynida potensial foydalanish (mafkuraviy yoki parametrik qarz olish, ijodiy qayta ishlash va o'zgartirish) uchun yetarlicha vakillik bilim bazasini shakllantirish uchun asos bo'lishi mumkin.

Belgilangan vazifalarni amalga oshirish uchun quyidagi vazifalar amalga oshirilsa, aniq ko'zlangan natijalarga erishish mumkin:

Dinamikani o'rganish uchun eksperimental stend ishlab chiqiladi, bunda maxsus kiyimning information nuqtalar, bosim va kuchlanish deformatsiyalari qiymatlari ortadi

1. Texnologik ishlov berish dizayni va xususiyatlari mavjud maxsus kiyimlarni tadqiq etish orqali ishlab chiqilsa;

2. Avtokorxona ishchilari uchun maxsus kiyimlar to'plami jaxon andozasiga mos tadqiq etilsa;

3. Maxsus kiyimlarni loyihalash bo'yicha mutaxassislarning ish natijalaridan unumli foydalanilsa. Quyidagi natijalarga erishish mumkin.

So'nggi yillarda ish kiyimlarining bu xususiyatlarini yaxshilashga katta e'tibor berilmoqda. Tabiiyki, har qanday ish kiyimi ma'lum darajada insonning harakatini cheklaydi. Biroq, har qanday holatda ham, u inson organizmiga kiruvchi ta'sir ko'rsatmasligi kerak, chunki bu ishlash darajasining pasayishi bilan bog'liq. Shu sababdan maxsus ishchilar kiyimining dizaynini yaratishda, asosiy talab uning ergonomik talabi bo'lib, asosan kiyimlar «inson-kiyim» tamoyili asosida rivojlantirilsa, maqsadga muvofiq bo'ladi.

Adabiyotlar:

1. E.B.Koblyakova, I.A.Tuzova, E.K.Volkova. Marketingovye issledovaniya dlya formirovaniya strukturi promishlennoy Kolleksiikostyumov // shveyaya prom-st- 1997, №3,- s.33-36.

2. I.A.Tuzova, E.B.Koblyakova, I.V.Mistyukova. Osnovnye printsipti razrabotki avtomatizirovannoy podsystemi proektirovaniya arasonalnoy strukturi promishlennoy Kolleksii // shveyaya prom-st. 1998, №4- S.34.

3. Jaxova O N. Dizayn-metod formirovaniya assortimenta odejdi v shveyaynoy promishlennosti. Chast 1. Teoriya metoda. M.,1992.

4. Voropaeva N.K. Razrabotka metoda proektirovaniya firmennoy proizvodstvennoy odejdi: Avtoref. dis. kand. texn. nauk- M., MGALP, 1999 18 s.

5. Perechenprofessiyidoljnosteydlyabesplatnoyvidachisiz. AOOT «KINEF», 1995- 145 s.

6. Tip ovioe traslevienormi besplatnoy vidachi spetsialnoy odejdi, spetsialnoy obuvi i drugix siz rabochimi slujatshim ximicheskix proizvodstv. VIP.1. Chast 1. -M., 1982.

7. Munipov V.M. Sovremennoesostoyanietendentsiirazvitiyaergonomiki. -M.: VNIITE, 1978.- 71 s.

РЕЗЮМЕ

Avtokorxona maxsus kiyimlar loyihasi hozirgi iqtisodiy rivojlanish jarayonlarida korxona ishchilarining sifatli va qulay mehnat qilishining asosiy garovidir. Maqolada maxsus kiyimlarni «inson-kiyim» tamoyili asosida yaratishga oid tavsiyalar va ko'rsatmalar berilgan va tahlil qilingan.

РЕЗЮМЕ

Проект спецодежды для автобазы является главной гарантией качественного и комфортного труда работников предприятия в современных процессах экономического развития. В статье даны и проанализированы рекомендации и указания по созданию спецодежды по принципу «человек-одежда».

SUMMARY

The project of workwear for the carpool is the main guarantee of high-quality and comfortable work of the company's employees in the modern processes of economic development. The article provides and analyzes recommendations and guidelines for the creation of workwear on the principle of «man-clothing».

ДИЗАЙН-ЛОЙИҲАЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Атаханова Ф.З.

Қамолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти

Таянч сўзлар: дизайн-лойиҳалаш, либос шакли, технологик инновация, лойиҳалаш жараёнлари, тўқимачилик, ишлаб чиқариш.

Ключевые слова: дизайн-проектирование, форма одежды, технологические инновации, процессы проектирования, текстиль, производство.

Key words: design engineering, clothing shape, technological innovations, design processes, textiles, manufacturing.

Бугунги вазиятда сунъий равишда яратилган кадриятлар ва ташки кўринишга нисбатан қатъий талаблар шароитида ижтимоий ҳаётда либосни (костюмни) образли ечимининг ахборот бериш (информатив) вазифасининг аҳамияти ортиб бормоқда. Ҳаётнинг шиддатли ритми одамларда ўзининг индивидуаллигини ижтимоий ва мавқега доир қатор хусусиятларни акс эттирадиган визуал образлар орқали намоён қилиш заруриятини тақозо этади. Мазкур тенденция либос ва у яратувчи образнинг чекланган вақт ва макон оралиғида (моданининг “айни шу дақиқа” ва “айни шу ерда” мавжудлиги) маълум миқдордаги ижтимоий функцияларни бажариши кераклигини белгилайди.

Замонавий кийимга қўйиладиган барча талабларга жавоб берувчи либосларни лойиҳалаш ҳамда кейинчалик уларни ҳаётга тадбиқ этиш авваламбор олдига қўйилган профессионал масалаларни ҳам ижодкорона, ҳам мувофиқ равишда тўғри ҳал қила оладиган мутахассис-дизайнерларнинг касбий тайёргарлиги билан боғлиқдир.

Либос бўйича дизайнерлар олдида нафақат утилитарлик (яъни, амалий фойдалилик) ва қулайлик нуктаи назаридан, балки либос (костюм)ни турмушимиздаги бадийлик, таъсирчанлик, ифодалилик, ўзига хослик каби тушунчаларнинг бадий мезони ва бадий “ўлчов бирлиги” деб ҳисобланиши жиҳатидан келиб чиқиб яратиш каби мураккаб масала туради.

Бадий лойиҳалаш – бу ҳали мавжуд бўлмаган (ёки яратилиши лозим бўлган) маълум берилган хоссага эга бўлиши керак бўлган объектнинг яратилиши ва вужудга келтирилишидир.

Замонавий либосни лойиҳалаш жараёни доимо санъат, маданият, илм-фан, иқтисодиётда рўй бераётган ҳодиса ва жараёнлар контекстида олиб борилиши лозим. Ундан ташқари дизайнер услуб ва мода йўналишларини фарқлаши, етакчи Мода Уйлари, студиялар ва бюроларининг иш фаолияти тамойилларини тушуниши керак бўлади.

Аммо, аксарият ҳолларда, бугунги кундаги замонавий талаблардан келиб чиқиб, либос дизайнеридан лойиҳалашнинг ижодий жараёнида бошқа мутахассисларнинг иштироғисиз кийим, костюм яратиш талаб қилинади. Бунинг учун конкрет буюмни яратиш мобайнида унга керак бўладиган ғоясини тасвирлаш (эскиз графикаси), материалларни тушуниш, конструкциялаш ва тикиш технологияси соҳасидан билим, кўникма, маҳорат керакдир. Ундан ташқари дизайнернинг композиция тузиш ва ранг-шунослик асосларидан саводи бўлиши лозим.

Масалан, жаҳон миқёсида оладиган бўлсак, бугунги кунда мавжуд бўлган кичик муаллифлик лабораториялари, студияларида дизайнерлар ана шу тарзда фаолият юритадилар. Бу ерда уларнинг ижодий фаолияти натижасида экспериментал, ноодадий моделлар пайдо бўлади. Агар лойиҳавий вазифа йирик ишлаб чиқариш шароитида бажарилса, у ҳолда дизайнердан техник жараёнларни тушуниш ва асослай олиш талаб қилинади, ҳамда у конструктор ва технолог билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш шароитларига мувофиқ ишлайди.

Маълум лойиҳа устида иш олиб борилаётганда, туғма хусусият деб ҳисобланадиган жуда катта иқтидор (креативлик) керакдир. Шунга қарамай, муваффақиятга элтувчи ижодий жараёнлар конкрет вазият ва муаммоларнинг оригинал, ўзига хос ечимини ўйлаб топиш қобилияти натижасидир. Бу қобилият эса иқтидор ва индивидуал аломатлардан ташқари ишлашнинг маълум методологияларига асослангандир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган турли танлов ва фестивалларда намоёниш этилган либосларда ғайриоддий ва энг дадил ғояларнинг рўёбга чиқаётганини кузатиш мумкин. Амма шуни таъкидлаш ҳам керак-ки, турли маданий-

тарихий манбаларга мурожаат қилишларнинг ҳар хил қўлланилишида аксарият ҳолда замонавий либос лойиҳалашнинг “шакл” каби асосий тушунчасига кам эътибор берилаётганини кузатилади. Кўпинча лойиҳалар сиртнинг декоратив безаги, матонинг фактураси ҳисобига амалга оширилади. Лекин “яратилган буюмнинг ўзига хослиги ва ютуғи унинг чегараси, яъни шаклидир”.

Американинг Йель университетининг дизайн бўйича мутахассиси Поль Рендинг айтишича: “Барча нарсалар ўзининг яхши ёки ёмон, жозибакор ёки ёқимсиз шаклига эга. Ҳатто декор – бу “адашиб қолган” шакл. Шаклсизлик мавжуд эмас. Шакл ва моҳият ўзаро боғлиқ ва бир-бирига тобе. Шакл моҳиятга қанчалик таъсир этса, мазмун-моҳият ҳам шу таъсирни шаклда аниқлайди. Конструктивизм ёки деконструктивизм, реализм ёки авангард бўладими – услубий йўналишдан қатъий назар яхши шакл мавжуд ва ёмон шакл мавжуд бўлади”.

Либос бўйича дизайнерлар ҳам ўз ижодий фаолиятларида турли маънога эга бўлган 3 ўлчовли конструктив, ҳажмий, пластик, технологик ва бошқа структуралар яратишади. Шакл ҳосил қилишнинг асосий мақсади – содда айро шакллари мураккаб, кўп сатҳли тузилма (қурилма, структура) ҳисобланадиган либос структурасига йиғиш. Шуни таъкидлаш керак-ки, аксарият ҳолларда либосни шаклини уч ўлчовли статик ҳолатдаги структура деб ёндашилади, ваҳоланки либос одам ҳаракатлари ва гавданинг пластикасига мос равишда ўзининг ҳолатини тинимсиз ўзгартирувчи динамик тизимдир. Бундан либос шакли одам гавдаси билан бевосита боғлиқ ҳамда факат унинг пропорциялари, пластикаси билан узвий равишда ўрганилиши керак деган ҳулоса келиб чиқади. Либос шаклининг пластикага нисбатан ўзгариши эса одам мавжуд бўлган вазиятга ва шу вазиятдаги одамнинг ҳатти-ҳаракатларига боғлиқ. Объектнинг конкрет конструкцияси – одам гавдаси билан ижодий ғояни солиштирилиши натижасида дастлабки образнинг чизиқ ва шакллари вужудга келади. Либос шаклини яратар экан ижодкор гавданинг чизиқларини: унинг ташқи кўриниши, контурлари, фигуранинг конструктив нукталаридан ўтувчи чизиқларини ҳаёлан кузатади. Айнан инсон рассом-модельер, дизайнерлар ижодининг объектидир.

Дизайнер атрофдаги дунёни кузатиб, уни қайта ўзлаштириб – “ўзидан ўтказиб”, уни турлича талқин этиб ижод қилади. Либос бўйича рассом-модельернинг ижодий фаолияти фақатгина унинг қанчалик чуқур, нафис ва шоирона фикрлашига эмас, балки ижодкорнинг ўз ғояларини қанчалик маҳорат билан санъат асарларида рўёбга чиқариш усуллариининг бутун арсенали билан моҳирона эғалик қилишига ҳам боғлиқ бўлади. Яъни дизайнер ўзининг ҳаёлидаги ғояни ўта моддий бўлган ашёларда гавдалантириш лозимдир.

Либос лойиҳалаш ва уни тайёрлаш бадий, техник ва ижтимоий масалларнинг ечимини ўз ичига олувчи комплекс, мураккаб жараёндир. Инсон эҳтиёжлари унинг шахсий хусусиятлари ва маданиятининг даражаси билан белгиланади. Шахсий хусусиятлари ва маданиятининг ривожланганлик даражасини эса биологик (одамнинг ёши, жинси, антропометрик тавсифи), ижтимоий (инсоннинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи, унинг миллиати, мутахассилиги), шахсий (индивидуаллигини намоён этиши, ўзини қулай сезиш шароитлари ва ҳоказо) кўрсаткичлар таърифлайди ва очиб беради.

Замонавий моданинг ривожланиш жараёнларини ўрганиш ва прогнозлаш зарурияти либосларни яратишдаги технологик инновацияларни қўлланилишини таҳлил этишни тақозо қилади. Замонавий моданинг ривожланиши ижтимоий ва маданий маконнинг инсон шахсини шаклланишига таъсир қилувчи, замонавий либос дизайнини жадаллаштирувчи муҳим элементларидан биридир. Бутунги кундаги мода тенденциялари алмашинувининг жадаллашиб бораётгани; кийимнинг янгича тур-

лари ва дизайнни яратиш имконини кенгайтирадиган инновацион технологияларнинг кўпайиши; инновацион технологияларнинг ривожланиши темпига мос равишда кийим моделларининг дизайнни яхшилаш; ХХI аср бошида модада содир бўлаётган жараёнларни ўрганиш; аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши ҳисобига либос дизайни, унинг техник ва эстетик кўрсаткичларига бўлган талабнинг ортиши; либос дизайнерларининг билими ва кўникмаларини мукамаллаштириш зарурати замонавий либосларни ишлаб чиқишда технологик инновацияларни таҳлил қилишни тақозо этади.

Маълумки, дизайн объекти – бифункционал. Яъни у ҳам утилитар-амалий вази-фани, ҳам – эстетик вази-фани бажариши лозим.

Айнан шунинг учун келажакда либос дизайнерлари ва бошқа соҳа мутахассис-лари томонидан самарали фойдаланилиши мумкин бўлган модадаги инновацион технологияларни ўрганиш ва уларни Ўзбекистон мода саноати доирасида қўллаш тажрибасини таҳлил қилиш долзарбдир. Ўзбекистонда мато ва материал тайёр-лаш, тикувчилик, шакл ҳосил қилишдаги инновацион технологияларнинг дизайнда қўлланилишининг таҳлили мода ва фан орасидаги мулоқот шакллари-нинг фаоллашу-вини тақозо этишини аён қилди.

Ҳозирги кунда дунёда табиий толали, гигиеник хусусиятлари яхши газламалар билан чегараланмай, соғлиқ учун фойдали, истеъмол, технологик талабларга жавоб берадиган замонавий материаллар ишлаб чиқиш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Келажак дизайн-лойиҳаси ўз ичига био-, нано-толаларни, плазма, лазер, радиацион ва бошқа энг янги технологияларни жуда фаол натижа билан қамраб олмоқда. Даставвал барча янги технологияларнинг манбалари сифатида ҳарбий ишланмалар ҳисобланган бўлса-да, вақт ўтиши билан улар маиший тус олиб дизайн томонидан ўзлаштирилиб муваффақиятли амалга оширилмоқда. Масалан, келажак-нинг энг илғор тенденцияларидан бири бўлган нанотола нафақат ҳарбий ва космо-навт-учувчиларнинг махсус кийимида, балки кундалик кийимда ҳам қўлланилмоқда.

Шундай қилиб, инновацион жараён ўз инқилобий ишланмаларида чексиздир, янги инновацион объектни лойиҳалаштириш эса ягона функционал, техник ва маз-мунли яхлит, объектларга бирлашган мажмуани яратишни талаб этади.

Ўзбекистонда материалларнинг эстетик, технологик, ишлаб чиқариш талабларини қондирадиган техник ва тежамкорлик хусусиятларини яхшилаш бўйича қатор илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин бу изланишлар натижалари дизай-нерларга етиб келмаётгани ачинарли хол. Аксарият изланишлар иқтисодий жиҳат-дан ўзининг самарадорлигини исботлашга қаратилган. Уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши учун вақт ва маблағ зарур. Натижада бу ишланмалар харидорга етиб келмасдан “эскириб қолмоқда”. Ишлаб чиқариш, кимё саноатидаги техниканинг ва усулларнинг “эпчил” эмаслиги дизайнерлар таклифини рўёбга чиқаришини кечик-тирляпти.

Мазкур ҳолатлар, дизайн соҳаси санъат, фан, ишлаб чиқариш туташувидаги соҳа бўлганлиги сабабли, тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашни ҳамда ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириши механизмла-рини ишлаб чиқишни тақозо этади. Чунки оммавий тарзда ишлаб чиқариладиган либосларни тайёрловчи – “pret-a-porte”, “haute couture” саҳнабоп ва имиджни шак-лантириш учун мўлжалланган, концептуал йўналишдаги либосларни либосларни лойиҳалаш йўналишлари ҳар бири ўзининг мақсади ва вази-фаларидан келиб чиқиб технологик инновацияларни турли миқдорда ва турлича тарзда қўллайди.

Бугунги кун фазовий мухитини визуализация қилиш шароитида одамлар орасидаги мулоқотнинг муҳим воситаси сифатида либоснинг аҳамияти янада ортади. Шунинг учун либосга интерактив тизимнинг элементи сифатидаги ёндашув ўз долзарблигини касб этади. Либос дизайнининг ўзига хос спецификасидан келиб чиқиб мулоқот (коммуникация)нинг асосини либосдаги концептуал-сиймоли ечимлар ташкил этиши табиийдир.

Адабиётлар:

1. Андросова Э.М. Основы художественного проектирования костюма. – Челябинск: Медиа-принт, 2004, 9-бет.
2. Marcarena San Martin. Field guide: How to be a fashion Designer. - USA by Rockport Publishers, Quayside Publishing Group, 2009
3. Быстрова Т.Ю. Вещь. Форма. Стиль: введение в философию дизайна. – Екатеринбург: Кабинетный учитель, 2017. – 374с. 15-бет.
4. Ренд, Пол. Дизайн: форма и хаос. Москва: Издательство студии Артемия Лебедева, 2013. – 244с.:илл. 20-бет
5. Рунге В.Ф., Сеньковский В.В. Основы теории и методологии дизайна. Учебное пособие. – Москва: МЗ Пресс, издательство «Социально-политическая Мысль», 2005. – 368с. 100-бет.
6. Fashion: The Ultimate book of costume and style. Senior Editor Kathryn Hennessy. First published in Great Britain in 2012 by Dorling Kindersley Limited, 80 Strand, London WC2R 0RL, - 490 p. 314-315-бетлар.
7. Шарипова Г.С., Абдукодилова Н.А. Талаба кизларда амалий санъат оркали тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш имкониятлари. “Муаллим ҳам узлуксиз билим!” илмий-методик журнал, Нукус, 1/2, 2021й
8. Атаханова Ф.З. Этно-стиль: на подиумах и в реальности (на примере деятельности дизайнеров Узбекистана) European Journal of Arts, №3, 2019.

РЕЗЮМЕ

Мақсур мақолада либос дизайни ва уни лойиҳалаш соҳаларида қийин шаклини ҳосил қилиш, уни тайёрлашдаги ҳамда тўқимачилик соҳасидаги инновацион жараёнлар ҳақида сўз боради. Бу соҳадаги хорижий тажрибалар таҳлил этилиб, уларнинг либос дизайни ва модага таъсири ҳақида маълумотлар келтирилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются инновационные процессы в таких областях, как модный дизайн и проектирование одежды, формирование одежды, производства одежды и текстиля. Проанализирован зарубежный опыт в этой сфере и представлена информация об их влиянии на дизайн одежды и моду.

SUMMARY

The article examines innovative processes in such areas as fashion design and design of clothes, shaping of clothes, production of clothes and textiles. Foreign experience in this area is analyzed and information on their impact on clothing design and fashion is presented.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИНГ МАЗМУНИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Шарипова Г. С.

Қамолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти

“Либос дизайни” кафедраси доценти

Самигжоновна М.Ш.

Низомий номидаги ТДПУ Қасб таълими назарияси ва методикаси: дизайн

йўналиши 2-курс магистранти

Таянч сўзлар: мустақил таълим, ўзини тарбиялаш, мустақил ўқиш, ўқув материали, таълим жараёни, онгли қизиқиш, мотивация, ўқув топшириғи.

Ключевые слова: самостоятельное обучение, самовоспитание, учебный материал, процесс обучения сознательный интерес, мотивация, учебное задание.

Key words: self-study, self-education, educational material, process of learning, conscious interest, motivation, learning task.

«Мустақил таълим» тушунчаси педагогик луғатларда ўқув юртидан ташқари, мустақил ўрганиш туфайли эгалланадиган таълим туридир, деб таърифланган. Айни вақтда «мустақил таълим олиш», «ўзини тарбиялаш», «мустақил ўқиш» тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаланилмоқда.

Илмий тадқиқот натижалари асосида мустақил таълимга қуйидагича таъриф берилди: Мустақил таълим – ўқув материални мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир. Мустақил ишлар дидактик мақсади, вазифаси, мураккаблик даражаси, кимга (индивидуал ёки жамоа учун) мўлжалланганлигига қараб, бир-биридан фарқ қилади. Мустақил таълим жараёнида танланган мавзуларнинг илмийлиги, тизимлилиги ҳамда ўқув материалларининг қизиқарлилиги, амалиёт билан боғлиқлиги, фанлараро алоқадорлиги, шунингдек бериладиган мустақил ишлар ва топшириқларнинг ижодий характерга эгаллиги муҳимдир. Унинг назарий, амалий, илмий, методик ва педагогик асослари таҳлил қилиниб, самарали шакллари, воситалари танланса, ижобий натижаларга эришиш мумкин. Бунда ўтиладиган мавзунинг амалиёт билан узвийлиги, илмийлиги ва ўқув материалларининг қизиқарлилиги, мавзуларнинг тизимлилиги, топшириқ ҳамда вазифаларнинг кўпқирралилиги, ўзаро боғлиқлиги муҳим ўрин тутати. Аммо энг асосийси, талабаларнинг мустақил равишда таълим олиш фаолиятини ташкил этишда уларнинг интилиш ва қизиқишларига эътибор қаратиш зарур. Талабаларнинг эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишини, улар ижтимоий фойдали, тарғибот–ташвиқот ишларида иштирок этишини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Талабаларнинг ўқув фаолиятини қузатиш давомида шу нарса аниқландики, онгли қизиқиш мустақил фаолиятга ундовчи, қизиқиш уйғотувчи куч бўлиб ҳисобланади. Фанларга онгли қизиқиш талабаларда амалий машғулотларда мустақил англаш, тафаккурни шакллантириш ва кенг, чуқур идрок эта олиш жараёнларига интилишни уйғотати. Талабаларнинг мустақил таълимга мотивацион муҳитлари бошқа манбалар, касбга бўлган қизиқишлари туфайли шаклланади. Онгли қизиқиш – мустақил фаолиятнинг энг муҳим кўрсаткичи, юқори даражасидир. Бу эса фан ўқитувчилари маҳоратининг даражасига боғлиқлиги ўқувчиларда у ёки бу фан ёки касб мутахассислигига нисбатан қизиқиш шаклланади. Ўқувчилар барча касб сирларидан хабардор бўлишлари учун вақт етишмасида, уларда қизиқишга илк кадам қўйишларида ўқитувчи берадиган маълумотларнинг аҳамияти каттадир.

Талабаларнинг мустақил таълимига методик жиҳатдан раҳбарлик қилишда уни ривожлантириш йўллари ўрганиб чиқиш давр талабидир. Энг барқарор рағбатлантириш усули бу касбий меҳнат ҳамда ишга ижодий ёндашув фаолиятидир. Ёшларни турли–туман амалий, ижтимоий, ташкилий, ижодий фаолиятга жалб этиш ҳам мустақил таълим самарадорлигини ошириш омилidir.

Мустақил таълим жараёни қандай амалга оширилиши, унинг ривожланиши, ўзлаштирилган билимлар асосида мустақил таълим фаолияти даражаларини қуйидаги мезонлар билан белгилаш мумкин:

- мақсадга йўналтирилган, мотивацион муҳитга асосланган мустақил таълим;
- мустақил тафаккур жараёнини таъминловчи кўникмалар;
- мустақил таълим фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган кўникмалар.

Талабалар мустақил таълим олишлари жараёнида қўшимча адабиётларга мурожаат қилади, ўтилган мавзуларни қайта кўриб чиқади. Кўпгина талабалар уйга берилган маъруза матнлари устида ишлайдилар, маърузалар, рефератлар тайёрлашда илмий-оммабоп, даврий нашрлардан фойдаланадилар.

Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда талаба бўлажак касбий фаолият муаммоларини ҳал этиш усулларини эгаллайди. Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда дидактикада мустақил таълим даражасини оширувчи бошқарув, рағбатлантириш, ташкил этиш ва назорат воситалари сифатида қаралади.

Талабанинг ўқув фаолиятига нисбатан ўқитувчи томонидан муайян талабларнинг қўйиши уларнинг мазмунини бойитади. Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда топшириқларнинг берилиш шакли эса олдин ўзлаштирилган намуна бўйича ҳулосалар чиқаришни кўзда тутувчи бошқарув топшириқлари ва масалаларининг бажарилиши саналади.

Бизнинг фикримизча, педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда ва масалаларда автоном ҳолда мустақил билим олишга ўтиш учун катта имкониятлар мавжуд. Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларни бажаришда мустақил билим олишни амалга оширишга имкон берувчи топшириқлар тўпламини яратиш учун асос бўла олади.

Педагогик ҳамда техник-технологик мустақил ишларда объектив, аниқ педагогик ва ишлаб чиқариш муаммоларини ақс эттиради. Ўқитувчи ўрганилаётган педагогик ҳодисалар ва ишлаб чиқариш жараёнининг ўзаро зид хусусиятларини ақс эттириш учун муаммоли вазиятдан фойдаланса, объектив муаммо ўқув муаммосига айланади. Талабалар учун тушунарли бўлган ўқув педагогик ва ишлаб чиқариш жараёни муаммолари ўқув топшириғи саналади.

Ўқув топшириғи муаммоси фикрлаш фаолиятини фаоллаштиришга имкон беради, бироқ уларнинг ҳарбири ҳам илмий даражада педагогик ва психологик тушунчаларни мустақил шакллантиришга олиб келмайди. Шу боис педагогик ва техник-технологик мустақил ишларни ишлаб чиқишда ўқув муаммоларининг дидактик хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 92 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги 3770-сон Қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2018 й., 07/18/3777/1325-сон.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство Т. 2005.
4. Sharipova G.S. Corporate basics of preparing students for professional pedagogical activity// International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPST) ISSN: 2509-0119. ©2019 International Journal of Science and High Technologies.
5. Математика фанини ўқитишда инновация. Ўқув-услубий мажмуа. – Термиз.:2020.
6. Интернет манбалари: www.ziyounet.uz
7. www.referat.uz

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида талабалар мустақил таълимнинг мазмуни ва хусусиятларига оид тадқиқот натижалари таҳлилий фикрлар асосида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описываются результаты экспериментов тем и особенности самостоятельного обучения студентов Вузов.

SUMMARY

This article describes the results of experiment on University students' self-study peculiarity.

БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ярматов Р.Б.

п.ф.д. (DSc)

Ахмедова М.Х.

талаба, ЖДПИ.

Таянч сўзлар: касбий тайёргарлик, педагогик тайёргарлик, компетентлик, амалий тайёрлаш, инновацион таълим, педагогик стратегия.

Ключевые слова: профессиональная подготовка, педагогическая подготовка, компетентность, практическая подготовка, инновационное образование, педагогическая стратегия.

Key words: professional training, pedagogical training, competency, practical training, innovative education, pedagogical strategy.

Ҳозирги пайтда давлат сиёсати даражасига кўтарилган ёшлар таълими, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” олий таълим тизимида касбий педагогик тайёргарликни такомиллаштириш ва уни ривожлантиришга янада кўпроқ эътибор қаратилишини талаб этмоқда. Шунингдек, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш инновацион жараёнларга асосланиб амалга оширилади. Олий таълимда касбий педагогик тайёргарликни такомиллаштиришни ислоҳ қилишнинг муваффақияти асосан бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий маҳорати билан боғлиқ - таълим жараёнида асосий кўрсаткич бўлиб, у бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва ўқитиш сифатини белгилайди.

Замонавий ижтимоий-маданий шарт-шароитлар анъанавий ва инновацион жараёнларга асосланган таълим мазмунини шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатади. Анъанавий жараёнларни ўз ичига олади:

- таълим мазмунини тизимлилик, узлуксизлик, мавжудлик, қийинчиликларни мураккаблаштириш, ижодий фаолиятни ривожлантириш, индивидуал ва табақалаштирилган ёндашув ва бошқалар тамойилларини киритган ҳолда ўзлаштиришнинг асоси бўлган ақлий кўникмаларни шакллантириш;
- дунё ҳақидаги билимлар, дунёга муносабат ва уни ўзгартириш имкониятлари акс этган ягона таълим макони тизимида билимларни шакллантириш;
- давлат таълим стандартини шахснинг табиий ривожланиши ва унинг таълим олиши шarti сифатида амалга ошириш;
- таълим тизимида ўқитиш ва тарбиялаш вазифаларини интеграциялаш, бакалаврнинг касбий тайёргарлиги жараёнида дунёқарашни шакллантириш;
- танланган интизомга мос равишда умумий педагогик ва махсус билимлар ўқув жараёнига ҳар томонлама киритиш, касбий тайёргарлик бирлигини шакллантиришга қаратилган.

Бу ва бошқа анъанавий таълим йўналишлари касбий педагогик тайёргарликнинг асоси ҳисобланади. Олий таълимда таълим тараққиётининг ҳозирги босқичидаги анъанавий жараёнлар ўқув жараёнини ташкил этишда ўқитувчининг ўрни ва роли ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилмайди. Малака ошириш ҳамда касбий педагогик тайёргарликнинг самарадорлиги анъанавий ва инновацион таълим жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги билан таъминланади.

Инновацион жараёнларга қуйидагилар киради:

- бўлажак ўқитувчини касбий педагогик тайёрлашда компетентликка асосланган ёндашувни амалга ошириш, шу жумладан, ўқув фаолиятида тегишли

компетентлик даражасига эришиш имконини берувчи билимлар ва таълим технологиялари мажмуини;

- бўлажак ўқитувчини узлуксиз таълим тизимига жалб этиш, касбий фаолиятга узлуксиз тайёргарликни амалга ошириш, ҳаётга ўрганиш истагини шакллантириш;
- ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш жараёнида шахснинг ўқув эҳтиёжларини қондириш, яъни узлуксиз билиш фаолиятини ривожлантириш;
- шахснинг ижодий ривожланиши қадрини шакллантириш, бўлажак ўқитувчининг тадқиқот маданиятини шакллантириш, олий таълимда ўқиш жараёнида ижодий қизиқишларни ривожлантириш;
- демак, бўлажак ўқитувчи ўқув жараёнига ва ўқув ташкилотининг ўзгарувчан яшаш шароитига ижодий жавоб бериши керак;
- олий таълимда таълим муҳитини яратиш ўқув жараёнини самарали куриш омили ва умумий маданий кадрят ҳодисаси ва таълим ресурсларининг жамланмаси сифатида;
- олий таълимда ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, маслаҳат бериш, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш вазифаларини амалга ошириш учун бакалаврларни қўллаб-қувватлашни ташкил этиш ва бошқа вазифалар.

Бакалаврни тайёрлашда педагогик жараённинг янгилиги шахснинг махсус кўникма ва умумий касбий сифатларини эгаллаш билан боғлиқ.

Бакалаврнинг касбий педагогик фаолиятга тайёрлиги тузилмаси ҳар қандай ўқув ташкилотида ўқув жараёнининг тузилиши билан маълум ўхшашликка эга. У қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- мотивацион – уларнинг келгусидаги касбий фаолиятига қизиқиш уйғотувчи, ўқитишнинг замонавий усуллари, методлари ва воситаларини эгаллашга интилиш;
- мақсад – ўқув жараёни самарадорлигига эришиш учун фаолият мақсадларини тизимли режалаштиришни ифодалайди;
- мазмун – бўлажак ўқитувчи томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакалар тизимини очиб бериш;
- технологик – усуллар, техникалар тизимини ўзлаштириш ва уларни касбий фаолиятида қўллашни очиб бериш;
- эмоционал – касбий фаолият жараёнига эмоционал-кадрят муносабатининг шаклланишини ифодалайди;
- самарали – болалар билан ишлашда касбий вазифалар ечимларини, шунингдек, ўз фаолияти натижаларини баҳолайди;
- рефлексив – касбий идрокнинг ривожланишини, рефлексив-информацион муаммоларнинг ечимини, коммуникатив-рефлексив муҳитнинг кенгайишини ифодалайди.

Шундай қилиб, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш олий таълим шароитида замонавий таълим стандартлари асосида амалга оширилади ва ижтимоий буюртма ҳамда шахс манфаатлари билан оқланади.

Педагогик энциклопедияларда касбий тайёргарлик деганда «Муайян касбда муваффақиятли ишлаш имкониятини таъминловчи махсус билим, кўникма ва малакалар, фазилатлар, иш тажрибаси ва ҳуққ нормалари мажмуи;

- бўлажак ўқитувчиларга тегишли билим ва кўникмаларни етказиш жараёни тушунилади.» Ҳозирги пайтда касбий тайёргарлик масаласига оид бир қатор нашрларда турли фикрларни топишимиз мумкин. «... Мутахассис-

лар тайёрлашда юкори профессионалликка эришдик... аммо биз уларнинг машғулотлари кенглигидан пастмиз». Шу муносабат билан таълимнинг асосий вазифаси маълум билимлар захирасини таъминлаш эмас, балки бўлажак ўқитувчини ҳаётда ўз ўрнини топишга имкон берадиган ва мустақил қарор қабул қилиш имкониятини берадиган чинакам маданият билан жиҳозлашдир. Шунинг учун олий таълимда бутунги кунда бўлгани каби билимларни узатишга эътибор қаратмасликлари, аксинча, мустақил таълим олиш учун мотивация яратишга кўпроқ эътибор беришлари керак. Бу эса келажақда таълим тизимининг доимо ўзгариб турадиган талаб ва имкониятлари ўртасидаги объектив мавжуд зиддиятни бартараф этиш имконини беради. Чунки ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омиллар таълимни ривожлантиришнинг умумий истикболларига таъсир этибгина қолмай, балки унинг барча тузилмалари ва унинг бош қомуси – бўлажак ўқитувчига тубдан янги талаблар қўяди.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг асосий шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат:

- бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий педагогик тайёрлашнинг интеграл педагогик назариясининг концептуал қондаларини, таркибий элементларини илмий ишлаб чиқиш ва асослаш, уларни амалиётга тадбиқ этиш;
- замонавий таълим вазифаларини ҳал этиш учун бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий педагогик тайёрлашнинг ички ва ташқи тажрибасидан ижодий фойдаланиш;
- ҳамкорлик педагогикаси тамойиллари асосида таълим муассасаларида таълим жараёнини инсонпарварлаштириш;
- бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий педагогик тайёрлаш амалиёти янада такомиллаштириш асосида: биринчидан, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий тайёрлаш узлуксизлигини таъминлаш бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий педагогик тайёрлашнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва усулларини янгилаш эса бошқарув фаолиятига замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда; иккинчидан, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг педагогик ва бошқарув маданияти даражасини ошириш; учинчидан, бошқарув жараёнидаги шахсий йўналтирилган ўзаро муносабатлар; тўртинчидан, бу жараёнда педагогик мониторингни жорий этиш бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш шарти сифатида.

Бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлигини касбий ривожланиш жараёни ва инсоннинг ўқув фаолияти тажрибаси билан бирлаштирилиши мумкин бўлган дидактик тизим сифатида ҳисобга олиб, классик таълим стимулларида ташқари бошқа таълим гуруҳларини ажратишга имкон беради: мавзу ва мавзулараро/фанлараро алоқалар; ўқитувчи шахсининг интегратив сифатлари; талаба шахсининг интегратив хусусиятлари; таълим муҳитининг интегратив хусусиятлари; педагогиканинг турли хил тадқиқот усуллари ва бошқалар. Бошқача қилиб айтганда, интеграциянинг ҳар хил турлари ва даражалари асосида ўқувчиларни интеграцион ўқитиш мумкин. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигида интеллектуал ижодий тафаккурни ривожлантирувчи яратувчанлик фаолияти структураси эвристик-алгоритм усули орқали такомиллаштириш имконини беради. Интеллектуал ижодий тафаккурни ривожлантирувчи яратувчанлик фаолияти структураси ижод методи асосида лойиҳалаштирилади.

XXI аср мутахассисининг фикрлаши шахсий ва касбий жиҳатдан ўз-ўзини долзарблаштириш, ўз-ўзини билиш ва ўз-ўзини англашга қўмаклашувчи касбий вазифаларни мустақил ҳал этишга қаратилган. В. А. Сластенин томонидан таклиф этилган моделга қўра, замонавий ўқитувчи асосий иқтисодий таълим, ташкилий ва ўқув қобилиятлари, компьютер саводхонлиги, юқори маданият, чет тилини яхши билиши, билимларни доимий бойитиш ва янгилашга интилиши, янгилекка қодир ташаббускор ва масъулиятли шахс бўлиши керак.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик тайёрлаш тизими бир қатор тенденциялар билан ажралиб туради. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳар қандай малакали ўқитувчини касбини эгаллашнинг шарти сифатида олий таълимга йўналтириш;
- бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда шахсга йўналтирилган технологиялар тизимидан фойдаланиш, уларнинг билим ва ижодий фаолиятини ривожлантиришни таъминлаш ва педагогик тафаккурини шакллантиришни рағбатлантириш;
- тест тизими орқали номзодларни пухта танлаш, ҳар бир абитуриентнинг шахсий файлини таҳлил қилиш ва у билан суҳбат;
- нафақат мутахассисликни, балки танланган таълим муассасасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишини танлаш, бу эса таълимни имкон қадар амалий қилади;
- педагогик таълим мазмунининг психологик, педагогик ва социологик йўналтирилганлиги;
- бўлажак ўқитувчини ўқув машғулоти асосида мулоқотга амалий тайёрлаш;
- педагогик амалиётни ислоҳ қилиш;
- амалиётга йўналтирилган ўқитиш шаклларида фойдаланиш: микро ўқитиш, ўқув вазиятларини моделлаштириш;
- талабаларнинг мустақил тайёрлаш улушини ошириш.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлигининг мазмуни ва ташкил этилишини аниқлаш беш соҳа компетентлигини таҳлил қилишни талаб этади:

1) таълим вақтини ташкил этиш, таълим жойини ташкил этиш ва улардан фойдаланишни бошқариш, таълим фаолияти турларини ва турли ўқитиш воситаларини танлаш, синфдаги муҳитни тартибга солиш билан синф ҳаёти билан боғлиқ ваколатлар;

2) талабалар ва уларнинг хусусиятларига бўлган муносабат билан боғлиқ ваколатлар, мулоқот, билим ва ўқув қийинчиликларининг турларини ўрганиш ва талабаларга ёрдам бериш, таълим услубларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш, таълим фарқлаш ва талабаларга ёрдам бериш, мақсад ва фаолиятни индивидуаллаштиришни таъминлаш, ижобий баҳолаш ва самарали ёрдам беришга имкон беради;

3) ўқитиладиган ва етарли илмий билим талаб фанлар билан боғлиқ ваколатлар, талабалар учун аллақачон мавжуд билим асосида таълим жараёнига уларни интеграция қилиш қобилияти, ҳисобга фанлараро улаштилар ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини режалаштириш қобилияти, стандарт ўқув дастурларини чуқур тушуниш ва талаба эҳтиёжлари доирасида уларнинг амалга ошириш;

4) бўлажак ўқитувчининг жамиятдаги ўрни, унинг ижтимоий муҳит билан ўзаро муносабатлари характериға қараб белгиланган ваколатлар. Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий ва касбий интеграцияси масалалари бўйича ҳамкасблар билан баҳс-мунозаралар ўтказиши, илғор тайёргарликдан ўтиши керак;

5) педагогик жараён учун энг муҳим бўлган ўқитувчининг шахсий компетенциялари. Бу сизнинг ҳаракатларингизни ва техникангизни таҳлил қилиб, ўқитувчи бўлиш

қобилиятидир. Ўқитувчилик касбининг маъно излаш, янги педагогик стратегияларни ишлаб чиқиш, турли хил янги ўқитиш методлари ва усулларини синаб кўриш каби жиҳатлари эътиборга лойиқ деб ҳисобланади, аммо ўқитувчининг ваколатининг ҳақиқий далили-бу доимо ўзига савол беради ва содир бўлган воқеаларни таҳлил қилиш асосида аниқ қарорлар қабул қилади.

Шунингдек, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ҳам эътиборга олиш уларнинг касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришда ҳамда мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришда муҳим аҳамиятга эга.

Касбий компетенцияларни бир қанча турларга ажратиш мумкин:

махсус компетенция – ўз касбий фаолиятини етарли даражада юқори эгаллаш, кейинги касбий ривожланишни лойиҳалаштира олиш;

ижтимоий компетенция – ҳамкорликдаги касбий фаолиятни эгаллаш, ўз меҳнати натижаларига ижтимоий жавобгарликни сезиш;

шахсий компетенция – мустақил шахсий акс этиш ва мустақил ривожланиш усуллари, шахснинг касбий ўзгаришларига қарши туриш воситаларини эгаллаш;

индивидуал компетенция – касб доирасида индивидуалликни мустақил қўллаш ва ривожлантириш усулларини эгаллаш, индивидуал – касбий ўсиш, мустақил ишларни ташкил қилиш ва мустақил реабилитация қилишга тайёрлик;

асосий компетенциялар – мослашиш ва маҳсулдор фаолият учун зарур бўлган шахснинг маданиятлараро ва соҳалараро билим, қобилият ва кўникмалари.

Касбий компетентлик бўлажак ўқитувчи томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишига эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини ҳам назарда тутди, шунингдек, компетенция мутахассислик билимларни доимо бойитиб бориш, янги ахборотларни ўрганиш, муҳим ижтимоий талабларни англай олиш, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш асосан умумлаштирилган назарий тушунчалар ва тўпланган амалий тажриба асосида амалга оширилади ва такомиллаштирилади. Шунингдек, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий педагогик тайёрлаш жараёнини ташкил этиш учун илмий асос яратди.

Адабиётлар:

1. Бондаренко Е.Н. Воззрения на профессиональные компетенции современного учителя в различных странах мира // Образование и общество. 2008. № 5. – 43 б.
2. Буравихин В.А. Учитель и общество. // Педагогика, № 5, 1996. - С. 60-63.
3. Л. П. Назарова Профессиональная педагогическая подготовка бакалавра в вузе. Научной статьи по специальности «Науки об образовании». – С. 109-110.
4. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш. –Т.: Фан, 2004. –64 б.
5. Т.В.Леонтьева Исследование состояния профессионально-педагогической подготовки студентов в педагогическом университете. Научной статьи по специальности «Науки об образовании». Том 3. – 278 с.
6. См.: Педагогика: Учебник для студ. высш. пед. учеб. заведений / Под ред. В.А. Сластенина. М.: Академия, 2008. 576 с.
7. Ю.И.Семенова. Профессиональная педагогическая подготовка учителей во Франции. Высшее образование в России. № 10, 2009. – 132 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни инновацион таълим ҳамда унинг таркибий қисмлари асосида ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещается процесс совершенствования профессионально-педагогической подготовки будущих учителей английского языка на основе инновационного образования и его компонентов.

In this article, the process of improving the professional pedagogical training of future English teachers is highlighted on the basis of innovative education and its components.

ЎЗБЕКИСТОНДА УЗЛУКСИЗ ГЕОГРАФИК ТАЪЛИМНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Нигматов А.Н.

Мактабгача таълим таъшилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти профессори, з.ф.д.

Расулов А.Б.

Тошкент давлат педагогика университети доценти в.б., PhD


Таянч сўзлар: Ўзбекистон, ватанпарварлик, география, таълим, таълим тизими, тарихий бошқичлар, функционал вазифалар, мулоҳазалар, ривожлантириш, таклифлар.

Ключевые слова: Узбекистан, патриотизм, география, образование, система образования, исторические этапы, функциональные задачи, соображения, развитие, предложения.

Key words: Uzbekistan, patriotism, geography, education, education system, historical stages, functional tasks, comments, development, proposals.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач ўз олдига миллий кадрларга асосланган ҳуқуқий демократик давлатни қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Ҳар бир юртимиз фуқароси учун тарихимизга эъзоз, давлат тилига ҳурмат ва ўз Ватанига меҳр ила яшаш имконияти яратилди. (1-расм).

Миллий маърифий-маънавий ғояга тегишли бўлган ушбу талабларнинг учинчиси, бизнингча, «География» фани билан бевосита боғлиқ. Зеро «География», ўз мазмун ва моҳиятига қўра, табиат–жамият–ҳўжалик тизимдаги геомажмуларнинг ҳудудийлик, даврийлик, тизимлилик ва комплекслик хусусиятларини очиб беради. Айнан География унинг объектларидан бири бўлиши Ўзбекистон Республикасининг табиий



1-расм. Ўзбекистон фуқаросини ватанпарвар-лик руҳида шакллантиришда фанларнинг роли

б о й л и к л а р и ,
ижтимоий ҳолати,
иқтисодий имко-
ниятлари, гео-
сиёсий вазиятига
комплекс ёндо-
шади, ҳудудий
т а р қ а л и ш
қонуниятларини
ўрганади, даврий
ўзгаришни таҳлил
қилади ва келажак
истикболларини
прогнозлашти-
ради, ҳар уччула
кўрсаткичнинг
и е р а р х и к
табақаланишини
илмий асослайди.

Географик таълим – Ватанимизга доир барча маълумотларни замонавий методлар орқали тасвирлаш, баҳолаш ва келажак истиқболларини белгилашга доир билим, кўникма ва малакаларни беради. Географик тарбия эса таълим орқали Ўзбекистон фуқароларида миллий географик маънавиятни шакллантиришга хизмат қилади.

Ўринли саволлар туғилади: «География» қандай фан, унинг амалдаги географик таълими ўз функционал вазифасини тўлиқ бажармоқдами? Агарда бажармаётган бўлса бунинг сабаби нимада? Юзага келган географик таълим муаммоларини қандай қилиб ечимини топиш мумкин?

География – муайян геомажмуалар ёки геотизимларда табиат ва жамият муносабатларининг ҳудудийлик, комплекслик, даврийлик ва тизимлилик хусусиятларини тадқиқ қилувчи фан соҳаси [4], унга онд билим, кўникма ва малакаларни берувчи таълим йўналиши, ушбу муносабатларни оптимallasштиришга қаратилган амалиёт тармоғидир. Географиянинг фуқционал вазифалари: фан соҳасида – турли микёсдаги геотизимларда (умумий географик тизимлар ҳанузгача ишлаб чиқилмаган) табиат, жамият ва унинг ҳўжалик юритиш фаолиятида юзага келадиган қонун ва қонуниятларни ҳудудийлик, даврийлик, тизимлилик, мажмуалилик нуктаи назардан аниқлаш, баҳолаш ва прогнозлаштириш орқали илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; таълим йўналишида – илмий асосланган географик фандаги қонун ва қонуниятларга доир билим, кўникма ва малакаларни кадрлар тайёрлаш жараёнига жорий қилиш; амалиётда – географик компетенцияга эга бўлган кадрлар орқали илмий асосланган чора-тадбирларни кишилиқ жамиятининг барча жабҳаларига қўллаш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда «География» фани ва таълими ўз функционал вазифасини тўлиқ бажармаяпти. Бунинг асосий сабаларидан бири ундаги кўпгина муаммоларнинг маждулигидадир. Масалан:

- ✓ ягона географик фан ёки фанлар тизимига доир тадқиқотларнинг олиб борилмаётганлиги натижасида таълимда ягона умумгеографик ўқув курсларининг мавжуд эмаслиги;
- ✓ ихтисослик шифрида «География назарияси ва тарихи», каби умумгеографик тадқиқот йўналишларининг йўқлиги;
- ✓ умумгеографик объектларнинг тизимлашмаганлиги натижасида умумгеографик баҳолаш, районлаштириш, прогнозлаштириш каби тадқиқотларни олиб борилмаётганлиги;
- ✓ миллий таълимда географик таълимни узвийлашмаганлиги ва узлуксизлигининг йўқлиги;
- ✓ географик таълимни педагогиканинг “яқиндан узоққа”, “оддийдан мураккабга” томон олиб бориш принципларига амал қилинмаслиги ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган асарларида[5] мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш ва келажак истиқболларини белгилаб олишда тарихдан сабоқ чиқариш лозимлиги ҳақида уқтириб ўтилган. Агарда биз ўзоқ ўтмишдаги географик таълим тарихи орқали унинг даврий ўзгариш тенденциясини аниқлаш мумкин (2-расм). Географик таълим босқиларини 8 та даврларга шартли равишда ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. Эрамиздан аввалги VI-V асрларгача – қадимги дунёдаги маҳаллий географик тасавурларга доир ноанъанавий таълим даври.
2. Эрамиздан аввалги VI-V асрдан то эрамизнинг IV асрларигача – антик географик фалсафий тасавурларнинг ноанъанавий ва анъанавий таълим даври.
3. IV асрлардан то XVII асрнинг ўрталаригача – янги ерларни очиш ва

ўзлаштиришга йўналтирилган географик кашфиётларга доир анъанавий ва ноанъанавий таълим даври.

4. XVII асрнинг ўрталаридан XX асрнинг 30-йилларигача – географиянинг мустақил таълим ва фан сифатида шаклланган анъанавий ва ноанъанавий таълим даври.


5. XX асрнинг 30-60-йиллари – географиянинг тармоқлашган анъанавий ва ноанъанавий таълим даври.

6. XX асрнинг 70-йилларидан XXI асргача – тармоқлашган географиянинг экологиялашган анъанавий ва ноанъанавий таълим даври.

7. XXI асрнинг биринчи ва иккинчи ўнйиллиги – тармоқлашган географиянинг глобаллашган ва гуманитарлашган анъанавий ва ноанъанавий таълим даври.

8. XXI асрнинг учинчи ўнйиллиги – ягона географиянинг барқарор ривожланишга йўналтирилган анъанавий ва ноанъанавий таълим даври.

Қадимдан Анексимандр, Пифагор, Аристотель, Эратосфен ва Птолемей, Колумб, Магеллан, Кук, Семен-Тяньшанский, Пржевальский, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Махмуд Кошғарий, Носир Хисров, Захириддин Бобирларнинг алоҳида эътиборидан географик изланишлар жой олган. Чунки география – Ернинг қуруқлик юзаси, сув акваторияси, ер усти ва ости кенгликларини кашф қилиш, уларни ўзлаштириш ва мустахлак қилиш, савдо-сотиқ ишларни юритиш, давлат ҳудудини кенгайтириш каби функцияларни бажарган.



2-расм. Географик қарашларнинг даврий ўзгариши

Қадимдан Анексимандр, Пифагор, Аристотель, Эратосфен ва Птолемей, Колумб, Магеллан, Кук, Семен-Тяньшанский, Пржевальский, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Махмуд Кошғарий, Носир Хисров, Захириддин Бобирларнинг алоҳида эътиборидан географик изланишлар жой олган. Чунки география – Ернинг

куруқлик юзаси, сув акваторияси, ер усти ва ости кенгликларини кашф қилиш, уларни ўзлаштириш ва мустамлака қилиш, савдо-сотик ишларни юритиш, давлат ҳудудини кенгайтириш каби функцияларни бажарган [6, 10 б.].

XIX–XX асрларга келиб фан-техниканинг жадал сураатларда ривожланиши табиат-жамият ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига олиб келди. Натижада географиянинг янги қирралари, яъни предмети – географик қобикнинг табиий ва ижтимоий ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи қўйилди. Бу эса XX асрнинг иккинчи ярмида географиянинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий йўналишдаги фанларга тармоқлашувига сабаб бўлди. Бундай ҳолат географик таълимга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Собиқ Иттифокнинг мажбурий географик таълимнинг мазмуни ва моҳияти айнан тармоқлашган, марказлашган ва СССРнинг табиий ва иқтисодий ҳудудий бўлиниши, номланиши ва ягона Иттифок меҳнат тақсимоти нуктаи назардан қаралган эди. Умумтаълим мактаблари ва ноегеографик касбий таълимда ҳам ушбу тармоқлашув ўз аксини топди. Афсуски, бундай тармоқлашган география мустақил Ўзбекистон Республикасига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Собиқ Иттифокнинг фанларга нисбатан марказлашган ва утопик социалистик методологик ёндашувининг барҳам топиши, фанларнинг гуманитарлашуви, маънавий-маърифийлашуви, уларни экологик мазмун ва моҳият касб этиши ҳозирги замон фанлари, жумладан, географияга янгича ёндашувни талаб қилмоқда. Эндиликда география янги ерларни очиш ёки уларни тармоқлашуви нуктаи назардан эмас, балки табиат-жамият муносабатларини муайян бир ҳудуд, кенглик ва акваторияларда барқарор ривожланиш нуктаи назардан қарашга ундамоқда. Бунинг учун, аввалам бор, географиянинг замон талабларига мослаштирилган илмий-назарий асосларини такомиллаштириш, унинг мақсади, функционал вазифалари, объекти, предмети, методологик ва методик асослари, бошқа фанлар ўртасида тутган ўрни каби фундаментал асосларига яна бир бор қайта назар ташлашга ундамоқда. Замонавий географик фан негизида узлуксизлашган ва узвийлашган, миллий менталитет нуктаи назардан келиб чиққан географик таълимни йўлга қўйишга ундамоқда.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонунидан келиб чиққан тарзда миллий таълим ва тарбияга доир географик таълимни такомиллаштириш учун қуйидаги тамойилларга амал қилиш тавсия этилади:

- таълимнинг узвийлик ва узлуксизлик, оддийдан мураккабга, яқиндан узокка, касбий йўналтирилганлик, таълим олувчининг ёши ва психофизиологик хусусиятлари, эҳтиёжлари, компетенциялиги замонга мосланганлик, географиянинг функционал вазифаларига мослик каби принципларига қатъий амал қилиш;
- миллий ғоя нуктаи назаридан географик таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш;
- географик таълимнинг инсонпарварлик ва демократик характерга эга бўлишини таъминлаш;
- географик таълимни давлат мустақиллиги ва бозор иқтисодиёти талабларига йўналтириш;
- географик таълимни замонавий барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълим қоидаларига мослаштириш;
- турли мулк шаклларига эга бўлган анъанавий ва ноанъанавий географик таълимни йўлга қўйиш;
- мажбурий географик таълимнинг ягона ҳуқуқий-норматив асосларини яратиш;
- умумий таълимда умумгеографик билим, кўникма ва малакалар берилишини таъминлаш;

- касбий таълимда географик таълимни билим соҳаларига қараб табақалаштириш;
- географик таълимни замонавий педагогик технология ҳамда ахборот комму-никация технологиялари асосида ташкил этиш;
- географик таълимни компетенциявий ёндошувга мослаштириш;
- географик таълимни юксак маънавиятли шахс тарбиясига йўналтириш;
- географик таълимни экологиялаштириш ва амалийлаштириш ва ҳ.к.

Миллий географик таълим тизимини мазкур принципларга мослаштирган тарзда уни қуйидагича такомиллаштиришни таклиф қиламиз (1-жадвал):

1-жадвал

**Миллий таълим тизимида географик
таълим ва унинг келажак истиқболлари**

Географик таълим:	
амалда	келажакда
1. Мактабгача таълим-тарбияда география	
“Илк қадам” давлат ўқув дастури орқали тарбияланувчиларни табиат билан таништиришда география	“Илк қадам” давлат ўқув дастурини ЎзР Вазир-лар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майда 434-сонли қарори билан тасдиқланган “ЎзРда экологик таъ-лимни ривожлантириш концепцияси”ни амалга жорий этиш орқали “Географик экология”, яъни болажонларни маҳаллий географик муҳитдаги эко-логик таълим ва тарбияни йўлга қўйиш
2. Умумий ўрта таълимда география	
1-синф. Атрофимиздаги олам. 2-синф. Атрофимиздаги олам. 3-синф. Табиатшунослик. 4-синф. Табиатшунослик. 5-синф. Географияга кириш. 6-синф. Материклар ва океанлар табиий географияси. 7-синф. Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географияси. 8-синф. Ўзбекистоннинг ижти-мой-иктисодий географияси. 9-синф. Жаҳон ижтимоий – иктисодий географияси. 10 синф. Амалий география.	1-синф. Менинг кичик ўлкам. 2-синф. Менинг Ватаним. 3-синф. Табиатшунослик. 4-синф. Инсон ва табиат. 5-синф. География алифбоси. 6-синф. Ўзбекистон географияси. 7-синф. Марказий Осиё географияси. 8-синф. Евросиё географияси. 9-синф. Жаҳон географияси. 10-синф. Амалий география. 11-синф. Касбий география.
3. Ўрта махсус таълим (академик лицейда) география	

Амалий география	3.1. Табиий фанлар йўналишида – Табиий география
	3.2. Аниқ фанлар йўналишида – Умумий география
	3.3. Гуманитар фанлар йўналишида – Гуманитар география
	3.4. Ижтимоий фанлар йўналишида – Ижтимоий география
4. Профессional таълимда география	
Амалий география	4.1. Педагогика соҳасида – “Географик таълим ва тарбия”
	4.2. Гуманитар фанлар ва санъат соҳасида – “Маънавий ва маърифий география”
	4.3. Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ соҳасида – “Ижтимоий –иқтисодий география”
	4.4.
	4.5. Фан соҳасида – “География назарияси ва тарихи”
	4.6. Мухандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари соҳасида – “Конструктив география”
	4.7. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида – “Қишлоқ ва сув хўжалиги географияси”
	4.8. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳасида йўналишларга қараб – “Тиббиёт географияси” (“Нозогеография”) ёки “Ижтимоий география”
	4.9. Хизматлар соҳасида йўналишларга қараб – “Туризм ва сервис географияси” ёки “Географик экология” (“Геоэкология”), “Туризм географияси”, “Конструктив география”
5. Бакалавриятнинг ногоеографик йўналишларида география	
5.1. Тупроқшуносликда - “Тупроқлар географияси”	Тупроқшунослик ва агрокимёда – “Тупроқлар ва ўсимликлар географияси”. “Тупроқшунослик ва агрокимёда ГАТ технологиялари”
5.2. Биология – “Биогеография”	Биология йўналишида – “Биогеография”, “Биология ГАТ технологиялари”
5.3. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш – “Табиатни муҳофаза қилиш”	Геологияда – “Геологик география”, Геологияда ГАТ технологиялари”
5.4. Иқтисодиёт ва бизнесда – “Иқтисодий география”	Ҳуқуқшуносликда – “Ҳуқуқий география”

ва ҳ.к.	Экология ва атроф-муҳит муҳофазасида – “Гео-экология”, “Конструктив география”, “Экологияда ГАТ технологиялари”
	Экология ва атроф-муҳит муҳофазасида – “Гео-экология”, “Конструктив география”, “Экологияда ГАТ технологиялари”
	ва ҳ.к.
6. Бакалавриятнинг географик йўналишларида география	
1-курс. 6.1. Топография ва картография. 6.2. Геология. 6.3. Тупроқлар географияси. 6.4. Умумий ер билими.	1-курс. 6.1. Умумий Ер билими. 6.2. География назарияси ва тарихи. 6.3. Геотопография ва геокартография. 6.4. География фани, таълими ва амалиёти муаммолари.
2-курс. 6.5. Жаҳон мамлакатлари ижтимоий иқтисодий географияси, 6.6. Материклар ва океанлар табиий географияси, 6.7. Ўзбекистон табиий географияси, 6.8. Ўрта Осиё табиий географияси 6.9. Умумий гидрология, 6.10. Табиий географик жараёнлар	2-курс. 6.5. Геологик география. 6.6. Тупроқлар географияси ва биогеография. 6.7. Гидрология ва метеорология. 6.8. Геоэкология. 6.9. Климатология. 6.10. Геоморфология. 6.11. Геодемография. 6.12. Геосиёсат.
3-курс. 6.11. Ландшафтшунослик, 6.12. Топонимика, 6.13. Ўзбекистон табиий географияси, 6.14. Ўрта Осиё табиий географияси 6.15. Умумий гидрология	3-курс. 6.13. Геотопонимика. 6.14. ГАТ технологиялари. 6.15. Табиий географияда баҳолаш, мониторинглаш ва прогнозлаш. 6.16. Ижтимоий-иқтисодий география баҳолаш, мониторинглаш ва прогнозлаштириш.
4-курс. 6.16. Топонимика, 6.17. Ўлкашунослик, 6.18. География ўқитиш методикаси, 6.19. Хизмат кўрсатиш соҳалари географияси	4-курс. 6.17. Географик таълим ва тарбия. 6.18. Касбий география. 6.19. Барқарор ривожланишнинг географик жиҳатлари. 6.20. Ўлкашунослик ва геотуризм.
7. Магистратурада география	
Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (география)	
1-босқич. 7.1. Илмий тадқиқот методологияси. 7.2. Геоморфология ва антропоген ландшафтшунослик.	2-босқич. 7.1. Географик таълим тадқиқотлар методологияси. 7.2. Географияда замонавий таълим методлари. 7.3. Географик фанларни ўқитиш методикаси.

2-босқич. 7.3. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. 7.4. Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари. 7.5. Географик прогнозлаштириш	2-босқич. 7.6. Махсус географик фанларни ўқитиш методикаси. 7.7. Географик таълимда дунё тажрибаси ва амалиёти.
8. Докторантурада география	
11.00.01 – Табиий география	11.00.01 – География назарияси ва тарихи
11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география	11.00.02. – Географик таълим ва тарбия
11.00.03 – Куруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё	11.00.03 – Геоэкология ва атроф-муҳит муҳофазаси
11.00.04 – Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология	11.00.04 – Табиий география
11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш	11.00.05 – Иқтисодий география
11.00.06 – Геодезия. Картография	11.00.06 – Ижтимоий география
11.00.06 – Геоинформатика	Ва ҳ.к.

Таклиф этилаётган географик таълимни ривожлантириш концепцияси босқичма-босқич, эволюцион тарзда амалга қўлланилади. Компетенциявий ёндашувга асосланган географик таълимнинг ДТС, ўқув режа ва ўқув дастурларини яратиш куйидаги босқичлардан иборат:

- 1-босқич: 2021–2022 ўқув йилида мактабгача таълим-тарбияда географик таълимни йўлга қўйиш ҳамда географик балаврият, магистратура, докторантура, кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайрлашда географик таълимни ислоҳ қилиш
- 2-босқич: 2022–2023 ўқув йилида профессионал таълим ҳамда ногоеографик балаврият ва магистратурада географик таълим йўлга қўйиш
- 3-босқич: 2023–2024 ўқув йилида умумий ўрта, мактабдан ташқари, ўрта махсус таълимда географик билимларни жорий қилиш

Янгидан яратилган компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС, ўқув режа ва дастурлар асосида дарсликлар, географик атласлар ва карталар, ўқитувчилар учун ўқув-методик ва методик қўлланмаларни чоп этиш, ўқувчилар учун географияга оид қўшимча адабиётларни яратиш ва эркин савдога чиқариш, ахборот-коммуникация технологияларидан афрофлича фойдаланиш керак бўлади

Ўзбекистонда узвийлашган ва узлуксизлашган географик таълимни тизимлашган, регионаллашган ва ихтисосликка томон йўналтирилган тарзда ривожлантириш таълим олувчиларни тез ўзгарувчан ҳаётий ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш компетенциясини оширади, кенг мушоҳадали, мустақил тўғри қарор қабул қилиш, уларда инсонпарварлик, ватанпарварлик ва торелантлик ҳислатларини намоён қилиш орқали уларни юксак маърифатли ҳамда маънавиятли шахс сифатида тайёрлашда жуда катта аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Сангиров Р.С. Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, назарий методологик асослари, манбалари ва аҳамияти. <http://staff.ttiame.uz>.
2. Маҳмудов Н. Ўзбек тили – халқ руҳининг кўзгуси. 12.10.201606.01.2017 Ziyouz.uz.
3. Нигматов А., Маҳмудов Б. Географик таълим қандай бўлмоғи лозим. Ж. Talim muammolari, №1, 2007.
4. Нигматов А.Н. Табиий география ва геоэкология назарияси.–Т.: «Наврўз», 2018.– 68-87-б.
5. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.–Т.: «Шарқ», 1998.–32 б.
6. Нигматов А., Саидов П. Табиий географик қарашлар тарихини давраштириш. География: тарих, назария, методлар, амалиёт/Рес. конф. матер.-Т., 2010. 4–10-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистонда миллий географик таълимнинг кечаги ва бугунги ҳолатига креатив ёндашиш орқали узлуксиз ва узвийлашган, таълим-тарбия принциплари асосланган, давлатнинг замонавий талабларига мослашган тарзда уни ривожлантиришнинг илмий-назарий ва амалий асослари баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны научные, теоретические и практические основы развития национального географического образования в Узбекистане через творческий подход к прошлому и настоящему, основанный на принципах непрерывного и интегрированного образования, адаптированный к современным требованиям государства.

SUMMARY

The article describes the scientific, theoretical and practical basis for the development of national geographical education in Uzbekistan through a creative approach to the past and present, based on the principles of continuous and integrated education in accordance with modern requirements of the state.

БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ярматов Р.Б.

n.ф.д. (DSc)

Ахмедова М.Х.

талаба, ЖДПИ.

Таянч сўзлар: методик тайёргарлик, индивидуаллаштириш, диагностика натижалар, таълим траекторияси, ўқув-услубий база, дидактик имкониятлар, илмий-тадқиқот фаолияти.

Ключевые слова: методическая подготовка, индивидуализация, результаты диагностики, образовательная подготовка, учебно-методическая база, дидактические возможности, исследовательская деятельность.

Key words: methodical preparation, individualization, diagnostic results, educational training, educational-methodical base, didactic opportunities, research activities.

Бугунги кунда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини индивидуаллаштиришда ва ташкил этиш бўйича турли нуқтаи назарлар, жумладан, уларни ўқитишга индивидуал ва ижодий ёндашув тушунчаси ҳамда интеллектуал ўйинларнинг ўрни мавжуд бўлиб, бунда ўқув жараёни алоҳида дастурлар асосида қурилади ва бўлажак инглиз тили ўқитувчилари учун интеллектуал ўйинларнинг роли муҳим аҳамиятга эга бўлади, мотивацияланади ва асосан, коррекцион характерга эга бўлади ва таҳмин қилинади. Натижада таълим-тарбия жараёнининг ҳам бутун талаба шахсига, ҳам унинг индивидуал хусусиятларини ривожлантиришга янада синчковлик ва етарли даражада таъсири бўлади. «Агар олий мактабда ҳар бир талабанинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда энг замонавий билим даражасини акс эттирувчи чинакам илмий методика мавжуд бўлса, деярли барча битирувчилар учун юқори

сифатли таълим олишига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин... Бизнинг замонамизда бу фавқулодда эҳтиёждир». Қўп босқичли таълим тизимига ўтиш муносабати билан ҳар бир бўлажак инглиз тили ўқитувчиси учун алоҳида ўқув йўллари сифатида ўқув дастурларини яратишда таълимни индивидуаллаштиришнинг аҳамияти ортади.

Методик тайёргарликни индивидуаллаштириш бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал сифатларини, ички салоҳиятини ҳисобга олиш ва ривожлантириш учун қулай шароит яратиш. Методик тайёргарликни индивидуаллаштириш остида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларига тегишли махсус билимларни етказиш жараёнини ташкил этиш ва уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўникмаларни шакллантириш, ҳар бир бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш учун оптимал шароит яратишни талаб этади. Методик тайёргарликни индивидуаллаштириш бўлажак инглиз тили ўқитувчилари ўртасидаги фарқларни тўғирлашга имкон бермайди, ҳар бир бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг ўзига хос қобилиятларини ривожлантиришга қўмаклашади ва касбий фаолият учун юқори малакали тайёргарликни мақсад қилиб қўяди.

Методик тайёргарликни индивидуаллаштиришнинг асосий мақсадлари, натижалари ва мезонлари сифатида куйидагиларни келтиришимиз мумкин:

Методик тайёргарлик самарадорлигини ошириш, ҳар бир инсоннинг ўз имконияти ва қобилиятини максимал даражада ривожлантиришни таъминловчи таълим тизимини яратиш;

таълим жараёнини демократлаштириш, ўқитишда бир хилликка барҳам бериш, бўлажак ўқитувчиларга таълим жараёни элементларини танлаш эркинлигини бериш; бўлажак ўқитувчиларнинг қўп томонлама умумий ривожланиши учун индивидуал хусусиятларга мос ва оптимал бўлган таълим ва тарбия учун шароит яратиш; шахснинг шаклланиши ва ривожланиши, мустақиллиги ва ижодий салоҳияти.

Юқоридагиларга боғлиқ ҳолда методик тайёргарлик воситаларини индивидуаллаштириш:

ўқув жараёнининг барча субъектларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ўқув жараёни субъектларининг малакасини ошириш учун самарали рағбатлар яратиш;

касбий-таълим жараёнига шахсни ривожлантиришнинг замонавий педагогик ва психологик технологияларини жорий этиш;

шахсни ривожлантириш жараёнида тесқари алоқа тизимига кирувчи таълимнинг барча фанларини, яъни мунтазам ва тезкор диагностикасини касбий ривожлантириш; талаба шахсини касбий ўз-ўзини аниқлаш ва ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган ўзгарувчан таълимни ривожлантириш;

шахснинг ижтимоий ва касбий ўз-ўзини аниқлашни коррекциялаш ҳамда бўлажак мутахассиснинг касбий муҳим хусусиятлари.

Шундай қилиб, методик тайёргарликни индивидуаллаштириш турли даражаларда амалга оширилиши мумкин: хусусий-методик, технологик, умумий педагогик ва ижтимоий. Турли педагогик шарт-шароитлар касбий-педагогик тайёргарликни индивидуаллаштиришни амалга оширишга ёрдам бериши мумкин.

Методик тайёргарликни индивидуаллаштириш учун педагогик шарт-шароитларни белгилашда биз шарт-шароит предметнинг уни ўраб турган ҳодисаларга муносабатини ифодаловчи фалсафий категория бўлиб, у ҳолда уни амалга ошириб бўлмайдиган фикрдан воқиф бўлдик. Шароит муҳит, ҳодиса ва жараёнлар вужудга кела-

диган, мавжуд бўлган ва ривожланадиган муҳитни ташкил этади. Педагогик шарт-шароитлар қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни таъминловчи объектив имкониятлар мажмуидир.

Индивидуаллаштирилган ўқув жараёнининг асоси талабаларнинг индивидуал ривожланишини ташхислаш бўлиши керак. Чунки у исталган натижага ёки дастлабки тахминларга мослигини аниқлаш мақсадида талабаларнинг индивидуал ривожланиш жараёнини доимий кузатишни ўз ичига олади. Биз талабалар индивидуал ривожланишининг мониторинги ҳақида фикр юритадиган бўлсак, мониторинг тушунчаси (лат. дан. Monitor – эслатиш, назорат қилиш) – талабаларнинг индивидуал ривожланиш жараёнини тизимли диагностик мониторинг қилиш демакдир. Мониторингнинг асосий нуктаси – талабаларнинг индивидуал ривожланиш динамикасини ташхислаш, методик тайёргарлик жараёнига тузатишлар киритиш, яъни мониторинг касбий – педагогик тайёргарлик жараёнида шахсий ривожланиш диагностикаси, башорати ва таҳлилини ўз ичига олади. Мониторинг уч шаклда бўлиши мумкин:

дастлабки диагностика;

жорий диагностика;

якуний диагностика.

Изчил мониторинг индивидуал шахс хусусиятлари ривожлантиришни интеграция қилиш имконини беради, методик тайёрлаш талабалар ва ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик.

Шу ўринда айтиш мумкинки, индивидуал ривожланишни кузатишнинг моҳияти бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг таълим жараёнидаги тараққиёти ва уларнинг потенциал ақлий ва шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш ҳақида тизимли равишда маълумот олишдир. Бу эса таълим жараёнини оммавий равишда эмас, балки таълим олишнинг индивидуал жараёни сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

Ахборот ўлчовлари асосида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини гуруҳлаш ишлаб чиқилади. Гуруҳлар ичидаги даражаларни тартибланишнинг энг оддий тури бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг учта асосий хусусиятларини аниқлашдир:

юқори бошланғич психологик хусусиятларга эга;


ўртача бошланғич психологик хусусиятларга эга;

паст бошланғич психологик хусусиятларга эга.

Бу эса ҳар бир бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг бошланғич имкониятларидан келиб чиқиб, таълим жараёнидаги тараққиёти ва ютуқлари динамикасини кўриш учун зарурдир. Фақат шундай ёндашув билангина методик тайёргарлик самарадорлигини бошқариш мумкин.

Талабаларнинг бошланғич хусусиятлари ва уларнинг таълим жараёнидаги ютуқлари корреляцияси мавжуд вазиятни прогностлаш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади. Прогностлаш босқичида таълим жараёнининг нормал бориши учун талабанинг дастлабки салоҳиятини амалга ошириш эмас, балки унинг ривожланиши учун шароит яратиш зарур бўлади, деб фарз қиламиз. Л. С. Виготский айтишича, педагогика кеча эмас, балки эртанги боланинг ривожланишига эътибор қаратиши керак. Шундагина у ҳозир зудлик билан ривожланиш пайтида бўлган ана шу ривожланиш жараёнларини ўрганиш жараёнида ҳаётга тадбиқ эта олади. Бундай ёндашув талабаларнинг илмий ютуқларини ўз ривожланишининг энг яқин даражасига босқичма-босқич ўтказишни талаб этади (1-расмга қараңг). Шуни таъкидлаш керакки, Л. С. Виготскийнинг фикрига кўра, ривожланиш зонаси турли болаларда фарқ қилади, шунинг учун унинг қийматини аниқлаш алоҳида-алоҳида амалга оширилиши керак.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал ривожланишини кузатишнинг кейинги босқичи мавжуд вазиятни таҳлил қилишдир. Талабаларнинг жорий (яқиний) ютуқлари даражасини бошланғич салоҳият даражаси билан таққослаш ҳар бир талаба учун махсус амалга оширилиши керак, чунки ўртача ютуқ ёки имконият йўқ.



1-расм

Диагностик натижалар ҳар бир гуруҳ талабалари вакил-

лари билан индивидуаллаштирилган ишларнинг асосий йўналишларини аниқлашга ёрдам беради. Шу билан бирга, талабанинг ўз ривожланишининг энг яқин даражасига ўтиши кўп вақт ва энергия сарфини, узоқ муддатли тадқиқот ишларини талаб қилади.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини методик тайёргарлигининг ҳозирги ҳолати уларни ўқитиш усули билан узвий боғлиқ бўладиган вазифаларни ишлаб чиқишни талаб этади. Бу таълимни индивидуаллаштириш бўйича умумий дидактик кўрсатмалардан муайян даражадаги ўқув қобилияти, ўрганиш мотивацияси ва махсус (касбий) қобилиятлар билан индивидуаллаштирилган ишларни ташкил этиш бўйича аниқ тавсияларга ўтиш имконини беради.

Инсон индивидуаллигининг когнитив, мотивацион ва субъектив-амалий соҳаларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини индивидуаллаштириш учун асос уларнинг фаолият мазмуни ва шакллари таллашда ўзгарувчанлик тамойили бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Таълим воситаларига ўзгарувчан ёндашув, бир томондан, хилма-хиллик, турли даражалар, машқлар ва вазифаларни фарқлаш, илғор таълим олиш имконияти, таълим шакллариининг узлуксизлиги, бошқа томондан, шахснинг ўз хусусиятлари, қобилиятлари, қизиқишлари, ҳаётий режаларига мувофиқ ўрганиш ҳуқуқи, яъни индивидуал таълим траекториясининг ўзгарувчан танлови. Бу танлов, бир томондан, талабанинг индивидуал имкониятлари, қизиқиш ва эҳтиёжлари, талабалар ва жамоанинг хусусиятлари билан воситачилик қилса, иккинчи томондан - ўқув дастурини амалга ошириш ва талабалар томонидан зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллашни ўз ичига олади. (Масалан: муайян талаба учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни ривожлантириш имконини берувчи махсус иш турларини бажариш, махсус дарсларни амалиёт дастурига киритиш, назарий ва методик билимларни чуқурлаштириш бўйича консультациялар, талабаларнинг ариза ва истакларини, шунингдек, талабаларнинг ўқитишга тайёрглигини ташхислаш натижаларини ҳисобга олиш).

Талабанинг методик тайёргарлигини индивидуаллаштиришни амалга оширишда ўзгарувчан ёндашувдан фойдаланиш самарадорлиги қуйидаги тамойилларнинг амалга оширилишига боғлиқ:

ҳар бир ўқувчининг ўз таълим траекторияси бўйлаб ва ўз суръатлари билан ҳаракатланиш ҳуқуқи;

талабаларни ўқув фаолияти субъектлари, бошқалар билан ўзаро ҳамкорлик субъектлари ва ўз малакасини ошириш субъектлари сифатида ривожлантириш.

Педагогик амалиёт даврида талабалар фаолиятининг мазмуни ва шакллари танлашда ўзгарувчанлик тамойили қуйидагиларни назарда тутати:

талабанинг қизиқиши ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалий вазифалар вариантини танлаш;

талабаларнинг педагогик амалиёт базасини танлаш, таълим муассасаси;

амалиёт даврида талаба томонидан бажариладиган ижтимоий ва касбий функцияларни танлаш;

амалиёт натижалари асосида ҳисобот шаклини танлаш.

Бу тамойил қуйидагилари талаб этади:

барча талабалар учун мажбурий бўлган иш турлари ва шакллариининг ўқув режасидаги таърифлар, шунингдек, талабалар томонидан педагогик воситаларни ихтиёр равишда танлашни назарда тутадиган ўзгарувчан, аниқ шарт-шароитлар, уларнинг имкониятлари ва истиқболларини ҳисобга олган ҳолда;

талабанинг турли даражадаги шахсий қобилиятлари, касбий қизиқишлари ва истиқболларини ҳисобга олган ҳолда амалий вазифалар ва ҳисобот ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

талабаларнинг ижодий фаолияти ва илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш.

Ҳал қилинадиган вазифаларнинг турли даражаси ўқув материали ҳажми ва мазмунининг ўзгарувчанлиги, унинг ривожланиш суръати, вазифаларнинг характери ва уларни амалга оширишнинг мустақиллик даражасини назарда тутати. Шу билан бирга, «Ҳар қандай фанни ўқитиш албатта шундай йўл билан бориши керакки, талабанинг улуши унинг ёш кучлари енга оладиган даражада аниқ иш бўлиб қолсин». Ўқув фаолиятининг талабалар имкониятларига мутаносиблиги, уларнинг билиш фаоллигини пасайтирмасдан, ўқишнинг муваффақиятига ёрдам беради ва муваффақият тажрибаси ўрганишга ижобий муносабатда бўлиш шартидир.

Таълим ўзгарувчанлигига эришиш учун турли йўллари жуда анъанавий бўлган, шу жумладан, индивидуал қўшимча вазифалар, мустақил иш табиати билан табақалаштирилган, қийинчиликнинг турли даража вазифалари, ўқув жараёнини амалга ошириш учун индивидуал дастурлари, таълим жараёнида талабалар ўқув ва илмий-тадқиқот ишлари бўлиши мумкин. Одатда, уларни муваффақиятли амалга ошириш ўқув машғулотини моҳирона қуриш, дидактик материални танлаш билан боғлиқ. А.Г.Ковалёвнинг фикрига кўра, индивидуал ёндашув педагогикаси таълим ва тарбиянинг мақсадлари ва асосий мазмунини алоҳида талабаларга мослаштиришни аниқлаб бериш, чунки таълим ва тарбиянинг мақсадлари ва мазмуни жамият талаблари, давлат дастури билан белгиланади-улар ҳамма учун умумий - аммо бу индивидуал хусусиятларга иш усуллари ва шакллариининг мослашувидир.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини индивидуаллаштиришни танлашнинг ўзгарувчанлик тамойили асосида амалга ошириш учун танлаган воситалар:

мавжуд дидактик имкониятлар доирасида (диагностик воситалар, ўқув-услубий база);

улар вазиятнинг тезкор талаби (диагностик натижалар ва бошқалар.);

индивидуаллаштиришнинг энг катта самарадорлиги.

Ўқув жараёнида танланган воситаларнинг ҳар бири фойдаланиш шароитига, воситалар комбинацияларига, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг педагогик маҳоратига боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўқитишни индивидуаллаштириш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда, бу воситалар бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал хусусиятларига мос ва улар-

нинг ривожланиши учун мақбул бўлган методик тайёргарликни амалга ошириш учун шарт яратади ва рағбатлантиради:

билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёни самарадорлигини ошириш; ривожланиш асосида талабаларнинг интеллектуал хусусиятларини ривожлантириш;

талабаларнинг махсус қобилиятларини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш;

ўқув мотивациясини такомиллаштириш.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини индивидуаллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари педагогик шарт-шароитлари ягона эмас, балки улар мақбул тарзда бирлаштирилиб, тарбиявий самара беради. Шу билан бирга, бу шарт-шароитлар индивидуаллаштириш муаммосининг мумкин бўлган ечимларидан фақат бирини ифодалашини таъкидлашимиз лозим.

Адабиётлар:

1. Берг А.И. Творческий специалист и адаптивное обучение // Вестник высшей школы. 1971. № 3. С. 16-17.
2. Профессиональная педагогика: Учебник. М.: Ассоциация «Профессиональное образование», 1997. 512 с.
3. Волохова Е.Д. Вариативный подход к профессиональному самоопределению подростков. Дис. ... канд. пед. наук. Ярославль, 1994. 191 с.
4. Современный словарь иностранных слов. СПб.: Дуэт, 1994. 752 с.
5. Выготский Л.С. Педагогическая психология / Под ред. В.В. Давыдова. М.: Педагогика, 1991. 480 с.
6. Бережная С.К. Вариативный подход к повышению квалификации педагогических работников профессиональной школы. Дис. ... канд. пед. наук. Ярославль, 2000. 211 с.
7. Концепция и программа педагогической практики студентов Ярославского педагогического университета. Ярославль, 1996. 102 с.
8. Ушинский К.Д. Избр. пед. соч. М., 1968.
9. Макеева С.Г. Обучение грамоте в классе с различной подготовленностью учащихся. Ярославль, 1995. 28 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини индивидуаллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари кенг ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье широко освещаются особенности индивидуализации методической подготовки будущих преподавателей английского языка.

SUMMARY

In this article, the features of individualization of methodical preparation of future English teachers are widely covered.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БУЮК СИЙМОЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ҚАДРИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ ДИДАКТИК МАСАЛАЛАРИ

Юлдашева Н.С.

Тошкент давлат педагогика университети мустақил тадқиқотчиси

Таянч сўзлар: буюк сиймо, дидактик тизим, олий таълим муассасаси, талаба, педагогик технология.

Ключевые слова: великие мыслители, дидактическая система, высшее учебное заведение, студент, педагогическая технология.

Key words: great thinkers, didactic system, higher educational institution, student, pedagogical technology.

Бугунги глобаллшув даврида миллий кадриятларни асраб қолиш, уларни ёшларга ўргатиш ва тарғиб қилиш катта педагогик муаммо сифатида талқин қилинмоқда. Хозирда ҳар бир фан соҳаси вакиллари бу борада ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Лекин, олий таълим муассасаларида буюк сиймоларнинг тарихий, илмий-педагогик кадриятларидан фойдаланишнинг ягона дидактик тизими мавжуд эмас дейиш мумкин. Шунинг учун ушбу танланган муаммо долзарб ва уни ўрганишга илмий жиҳатдан ёндашиш катта меҳнат ва муносабатни юзага келтиради.

Бу муаммони республикамизнинг педагог олимларидан М.Тохтаходжаева, Н.Азизходжаева, О.Хасанбоев, Ш.Шодмоновалар томонидан илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Лекин уларнинг тадқиқотларида буюк сиймоларнинг ижодий мерослари комплекс тарзда эмас алоида-алоҳида таҳлил қилинган. Бу борада қатор диссертациялар тайёрланган бўлсада, олий таълим муассасалари талабаларига ажодларимизнинг меросини ва улар яратган кадриятларни тарғиб қилиш алоида ёндашувни таозо этмоқда.

Буюк сиймоларнинг тарихий, илмий-педагогик кадриятларидан фойдаланишнинг дидактик тизimini тақомиллаштиришда республика миқёсида амалга оширилган қатор йирик чоралардан фойдаланишга эътибор қаратиш лозим. 2014 йил 15-16 май кунлари қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида Биринчи Президент Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита иштирокида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти” мавзuidaги нуфузли халқаро конференция бу йўналишда амалга оширилган том маънодаги улуғвор ишлардан бири бўлиб десак, ҳеч бир муболага бўлмайди. Дунёнинг элликка яқин мамлакатларидан таниқли олимлар, мутахассислар, экспертлар ва илмий марказларнинг раҳбарлари катнашган ушбу анжуманда, алоҳида таъкидланганидек, олдимизда турган энг эзу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келатган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ. Бунда эса, табиийки, буюк ажодларимиз фаолияти, ҳаёти, ўлмас мероси юксак марраларни кўзлаган ёшларимиз учун ибрат мактабидир. Буюк ажодларимизнинг бекиёс аҳамиятга молик меросини изчил ўрганиш ва уни янада келажакда ривож топтириш масаласига тўхталиб, Биринчи Президентимиз: “Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: “Биз буюк ажодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак”, деб айтган эди. Айни вақтда “Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинглار, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!”, деган ғоятда пурмаъно сўзлари барча илм аҳллари учун айникса, ёшларимиз учун асосий дастуруламал бўлмоғи давр талабидир.

Самарқанд шаҳрида “Жаҳон тамаддуни тарихида Марказий Осиё ренессанси” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман Марказий Осиё олим ва мутафаккирларининг абадий тарихий меросини чуқур ўрганиш ва англаш, мамлакат ва жаҳон жамоатчилигини ўзбек мутафаккирларининг аниқ, табиий фанлар ва ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссаси билан таништириш, илмий марказлар ва дунёнинг етакчи олимларини уларнинг ишлари ва кашфиётларини ҳар томонлама ўрганишга жалб этиш, ушбу бекиёс интеллектуал бойлиқни кўз қорачигидек асраш ва оммалаш-

тириш мақсадида ўтказилди. Мазкур конференция 2014 йил Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган илмий конференциянинг мантиқий давоми экани қайд этиш лозим. Конференцияда IX-XII асрларда Марказий Осиё Уйғониш даврининг таркибий қисмларидан бўлган ислом илмлари бўйича бой мерос ҳам муҳокама қилинди. Конференция ишида Мухаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд аз-Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқаларнинг, шунингдек, Имом ал-Бухорий, Бурхониддин Марғиноний, Имом Исо ат-Термизий, Абу Мансур Мотуридий каби диний улаомларнинг илмий мероси таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Мутафаккир олимларнинг илмий фаолияти таҳлилига бағишланган мамлакатимиз ва хориждаги етакчи тадқиқотчиларнинг маърузаларида Марказий Осиёда IX-XII ва XIV-XV асрларда рўй берган илмий маданий уйғонишнинг турли жиҳатлари кенг ёритилди. Мутафаккир олимларнинг илмий фаолияти таҳлилига бағишланган мамлакатимиз ва хориждаги етакчи тадқиқотчиларнинг маърузаларида Марказий Осиёда IX-XII ва XIV-XV асрларда рўй берган илмий маданий уйғонишнинг турли жиҳатлари кенг ёритилди. Дарҳақиқат, беназир аллоомларимизнинг даҳоси, шахсияти, ибратомуз фаолияти беҳад улуғвордир. Шу маънода, юқорида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида уларнинг муборак номларини тиклаш, қадрлаш, асарларини кунт билан ўрганиш мақсадида оламшумул ишлар амалга оширилди. Хусусан, бир пайтлар Имом Бухорийнинг абгор аҳволда ётган сўнгги манзили бугун дунёга кўз-кўз этса арзийдиган зиёратгоҳга айланган. Худди шунингдек, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замахшарий каби ўнлаб фозилларнинг таваллуд саналари билан боғлиқ тадбирлар ўтказилди. Буларнинг барчаси улуғларга эҳтиром кўрсатиш, улардан ҳар томонлама сабоқ олишга қаратилган оқилона сиёсат туфайлидир. Бугун Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган ишлар юксак эътирофга лойиқ, - дейди Испаниядаги Сан-Пабло Мадрид университети профессори Рикардо Руиз де ла Серна. - Негаки, мен ушбу анжуманга тайёргарлик кўриш жараёнида биргина шу йилнинг ўзида давлатингиз раҳбари томонидан “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислоҳ маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”, “Абу Исо Термизий халқаро илмийтадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар қабул қилингани билан танишиб, ғурурландим. Бундай эҳтиром улуғ олимлар ва уларнинг илмий асарларини ўрганишга катта туртки бериши, шубҳасиз. Ушбу анжуманда “Марказий Осиё мусулмон Ренессанси мероси ва динлараро мулоқот: Абу Мансур алМотуридий асарларида эътиқод ва ақл” мавзuida маъруза қилиш менга ғоят юксак фахр бахш этди”. Анжуман иштирокчилари секция мажлисларида Ўрта асрлар Шарқ аллоомалари ҳамда мутафаккирларининг аниқ ва табиий фанлар ривожига қўшган ҳиссаси, тарихий ҳамда фалсафий меросининг аҳамиятига оид масалаларни муҳокама этдилар. Улар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, келгусида ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

ЮНЕСКО қарорига мувофиқ 1998 йилда Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Бу буюқ аждодимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси, халқимиз илмий салоҳиятининг яна бир эътирофи бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қува ва Фарғона шаҳарларида мутафаккир хайкаллари бунёд этилди, Фарғона давлат университетида

Аҳмад Фарғоний номи берилди. Ўрта асрларда Шарқ илм-фани ривожига Хоразм Маъмун академияси алоҳида ўрин тутган. Улкан кутубхона, мадраса, таржимон ва хаттотлар мактаби каби тузилмаларга эга бўлган бу даргоҳда юздан ортиқ аллома-лар, истеъдодли талабалар илмий изланишлар олиб борган. Абу Наср ибн Ирок, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби қомусий олимларнинг умумбашарий тафаккур ривожига қўшган ҳиссаси бекиёсдир. Ибн Синономи дунё фани ва маданияти тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Доимо яшил бўлиб турувчи тропик ўсимлик “Авиценния” деб аталган. Кўплаб мамлакатларда кўчалар, ўкув ва тиббиёт муассасаларига унинг номи қўйилган, аллома шарафига медаль ва мукофотлар таъсис этилган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан халқимизнинг маънавий меросини кадрлаш, маърифий ислом динини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятидаги Имом Термизий, Қашқадарё вилоятидаги Абу Муин Насафий мақбаралари, Навоий вилоятидаги Нурота зиёратгоҳи ва бошқа қадамжолар қайтадан тўлиқ таъмирланди. Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Сурхондарёда Имом Термизий илмий-тадқиқот маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонадаги Марғиноний илмий марказида фикҳ мактаби, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёдаги Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактаби ташкил этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда бўлиб ўтган Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – ISESCOnинг Махсус кафедрасини ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди.

Мазкур ташаббус ислом маърифатини ёшлар онгига сингдириш, умумбашарий цивилизацияга беназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг кўп қиррали илмий-маънавий, диний-маърифий меросини ўрганиш ва халқаро миқёсда тарғиб этишга хизмат қилиши таъкидланган эди.

Бугун мазкур таклиф ижроси ўларок, Халқаро ислом академияси тизимида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – ISESCOnинг Махсус кафедраси фаолият юритмоқда.

Олий таълим муассасаларидабуюк сиймоларнинг тарихий, илмий-педагогик кадриятларидан фойдаланишнинг дидактик тизимини такомиллаштиришда педагогик технологияларнинг ўрни катта. Педагогик технология - ҳозирги замон дидактикаси ва педагогикаси тараққиётининг маҳсули. Уни педагогиканинг ҳозиргача мавжуд булган ҳамда такомиллашиб келаётган барча асосий йўналишлари бўйича амалий вазифаларни янада юқори, даражада амалга ошириш йўлидаги янги босқич деб ҳисоблаш мумкин. Бу технологиялар ўргатилаётган билимларнинг дидактик тизими чуқур мазмунга эга бўлиши, билимларга тизимли нуктаи назардан ёндашиш, ўқувчиларга билимларни эгаллашнинг энг мақсадга мувофиқ, йўлларини ўргатиш каби тамойилларга асосланади. Педагогик технологиянинг дидактик жиҳатдан тўғри бўлиши унинг юқори самарадорлигининг зарурий шартларидан ҳисобланади.

Бунинг учун замонавий дидактиканинг илмий хулосаларидан ижодий фойдаланиш талаб қилинади.

Олий таълим муассасалари талабаларига буюк сиймоларнинг ижодий меросини ўргатиш жараёнида уларда ўзлигини англаш ва шу орқали умуминсоний кадриятларни ҳам ҳурмат қилиш кўникмалари ҳам шакллантирилади.

Куйидаги йўналишлар бўйича фаолиятни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ деган хулосага келиш мумкин:

- ёшларимизни маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказувчи ноҳолис ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилиш;
- Марказий Осиё мутафаккирларининг асарларидаги толерантлик (бағрикенглик) муҳитини афкор оммага янада кенгроқ ёритиш;
- муқаддас ислом динини пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўхтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтиришда заминимиздан етишиб чиққан алломаларимизнинг тарбиявий ўғитларидан кенг фойдаланиш;
- экстремистик оқимлар томонидан тарғиб қилинаётган ақидавий даъволарига улуғ алломаларимизнинг дин соҳасидаги асарларидан фойдаланиб, асосланган илмий раддиялар бериш;
- мутафаккирлар асарларининг жамият ҳаётига фойдаси, унинг замиридаги улкан бунёдкорлик, баркамол авлод тарбияси каби улуғ мақсадларини ёритиш, уларнинг асарларини тарғиб қилишга қаратилган ишланмаларни кенг аҳоли оммасига етказиш;
- алломаларининг ислом динининг эзгулик, тинчлик ғояларини тарғиб қилувчи асарлари мазмунини оммабоп нашрларда мунтазам равишда чоп этиш ва кенг жамоатчиликка етказиш.

Шунингдек, ёшларда дин ҳақида ҳолис дунёқарашни шакллантиришда Марказий Осиё мутафаккирларининг меросидан унумли фойдаланиш ҳам самарали натижа беради. Бинобарин, уларнинг бекиёс маънавий меросини ёшларимизга таълим бериш орқали илм соҳаларига бўлган қизиқишларининг янада орттиришга сабаб бўлади.

Адабиётлар:

1. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
2. Ўрта асрлар Шарқининг машҳур олим ва мутафаккирлари: китобальбом. Ш.Салиҳов ва бошқ. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2014. – 156 б.
3. Беруний А.Р. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. Абешвалик. Таҳрир хайъати: М. Аминов, Б. Аҳмедов, Ҳ. Бобоев ва б. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. – 736 б.
4. Беруний А.Р. Феруза: (Жавоҳирлар ҳақида нақл ва ҳикоялар). – Т.: А.Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашр. – 1993. – 94 б.
5. Беруний А.Р. 100 ҳикмат: ибратли сўзлар. – Т.: Фан, 1993. – 20 б.
6. Қуранов М., Мирзаев Ғ., Қуранбаев Қ. ва бошқ. Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон! Услубий қўлланма. Т.: Маънавият, 2013.
7. Беруний. Рухият ва таълим-тарбия ҳақида. Тошкент, 1992.
8. Ўрта Осиёда педагогик фикр таракқиётидан лавҳалар. Тузувчилар: А.Зуннунов ва бошқалар. Тошкент: Фан, 1996.
9. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Тошкент, 1998.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада республикмиздаги олий таълим муассасаларида буюк аждодларимизнинг илмий меросини тарғиб қилиш ва ўргатишнинг дидактик тизимини такомиллаштириш борасида мавжуд тажрибалар ва уни такомиллаштириш усуллари ҳақида тавсиялар берилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются имеющиеся опыты дидактической системы пропаганды и преподавания научного наследия наших великих предков в высших учебных заведениях республики, а также методы ее совершенствования.

SUMMARY

This article analyzes the available experiences of the didactic system of propaganda and teaching of the scientific heritage of our great ancestors in the higher educational institutions of the republic, as well as methods of its improvement.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЁШЛАР ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАКЛИ ВА УСУЛЛАРИ

Хусанов Б.Қ.

«Маърифат» тарғиботчилар жамияти раиси

Таянч сўзлар: узлуксиз таълим, маънавий-ахлоқий камолот, иймон-этиқод, ғоявий-сиёсий етуклик даражаси, таълим-тарбия, медиа, интернет, телевидение, педагогик таъсир йўллари, восита ва шакллари.

Ключевые слова: непрерывное образование, духовно-нравственная зрелость, вера, уровень идеологической и политической зрелости, образование, СМИ, интернет, телевидение, способы, средства и формы педагогического воздействия.

Key words: continuing education, spiritual and moral maturity, faith, the level of ideological and political maturity, education, media, Internet, television, methods, means and forms of pedagogical influence.

Узлуксиз таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришлар таълим фалсафаси, дидактика, таълим назарияси парадигмалари узлуксизлигини таъминлаш, ўқитиш технологияларига янгича муносабатларни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “тарбия ва таълимни бир-биридан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, ахлоқий ғазилатларга эга, юксак маънавийли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради”-деган ғоят асосли фикрлар илгари сурилган.

Шу нуқтаи назардан қараганда ёшлар-маънавий дунёқараши шаклланаётган, қарор топаётган, асосий ижтимоий ўсишни, интенсив ижтимоийлашув ва мослашувни, ижтимоий ва руҳий-физиологик балоғат ёшни (14-30) бошдан кечириётган ижтимоий демографик гуруҳдир. Зеро, ўқитишнинг турли усул ва воситалари ёрдамида ўқувчилар онгини ўстириш, мустақил фикрлаш ва фикрлашнинг юқори даражаларини ривожлантиришни рағбатлантирувчи шахсга йўналтирилган таълим ёндашувини қўллаш ва уларни қомилликка етказиш педагогнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ҳар бир педагог таълим-тарбия беришда креатив ёндашувга, маълумотларни мустақил равишда излашга, мустақил қарор қабул қилишга ва муаммоларни ечиш йўллариини ўргатиш механизмларига эга бўлишлари зарурдир. Мамлакатимизда замон талабига мос юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва малакага эга, янгича дунёқараш ва мустақил фикрли мутахассислар тайёрлаш учун беқиёс имкониятлар яратилмоқда. Бу борада ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ҳисобланмиш – медиадан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

Тажриба ва кузатувларимиз асосида айтишимиз мумкинки, узлуксиз таълим тизимида медиа, интернет, телевидение, радио, кино, видео, телефон ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш ўз самарасини кўрсатмоқда. Ахборот коммуникациянинг глобаллашуви шароитида ўсиб келаётган ёш авлодга назарий билим бериш билан бир қаторда маълумотларни юқори даражадаги замонавий техника

воситасида намоийиш этиш имконияти кенгаймоқда. Бу албатта илғор усул бўлиб, ўқувчиларда дарсга бўлган қизиқишни оширишга хизмат қилади.

Педагогик адабиётлар таҳлили асосида айтиш мумкинки, узлуксиз таълим тизимида ёшлар ғоявий - сиёсий маданиятини шакллантириш таълим-тарбиянинг турли йўллари, восита ва шакллари орқали амалга оширилади. Педагогик услуб ва воситалар орқали ёшларга тўғри яшашни, ватанпарвар ва бузғунчи ғояларга муросасиз бўлишни, эркин фикрлашни ўргатишимиз бутунги кун талаб ва эҳтиёжга айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Айтиш жоизки, келажакда буюк давлат эгаси бўладиган комил инсонни тарбияламасдан маънавий, ахлоқий баркамол инсон қилмасдан олға томон ривожланиш мумкин эмас.

Ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган даврда ёшларнинг маънавий-ахлоқий камолоти, имон-этикоди, ғоявий-сиёсий етуклик даражаси, таълим-тарбиясида ҳам асосли ўзгаришлар бўлишини талаб этади. Агар инсон тўғри тарбия топмаса, унинг фаолияти жамият учун зарали бўлади. Жамият ҳаётидаги барча муаммолар ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук бўлган ёшларнинг фидоқорона, ҳалол меҳнати, одоби ва маънавий етуклиги билан рўёбга чиқади. Ҳозирги вақтда тараққиётимизнинг тақдирини ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук ёшлар ҳал қилади.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, мураккаб ўтиш даврида ёшлар ғоявий-сиёсий маданиятини шакллантириш ва маънавиятининг ўсиши билан муштарак ҳолда кечади. Бу муаммо жамиятимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ислохотлар амалга оширилаётган, янгилиниш жараёни кечаётган ҳозирги даврда, айниқса долзарблик касб этмоқда. Чунки оламшумул воқеаларга бой, интеллектуал ва ахборот технологиялари ривож топаётган медиа таълим тизими ривожланаётган, ғарб оммавий ахборот воситаларидаги ахлоқсизлик тарғиботи, ўзининг демократия моделини олға силжитишнинг асл мақсад-муддаолари билан кириб келаётган ҳозирги даврда ёшлар ғоявий-сиёсий маданиятини шакллантириш, улардан юқори даражадаги сиёсий маданиятга эга бўлиш талаб этилади. Буни шакллантиришни эса болаликдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда қисқача тарзда ғоявий-сиёсий тарбия тушунчасининг луғавий маъносига эътибор беришни лозим топдик. Педагогика фанидан изоҳли луғатда ғоя-инсон тафаккурида вужудга келадиган, жамият ва одамларни мақсад сари етаклайдиган фикр. Унда оламини билиш ва ўзгартириш мақсадлари, уларга эришиш йўллари ва воситалари мужассам бўлади.

Ғоя-инсон тафаккури маҳсули, ташқи олам, объектив воқеълик ҳодисаларини фикрда акс эттириш шакли. Ғоя- (юнонча “idea”), биринчи манзара, дастлабки объектив борлик, мавжудликнинг инсон фикрида акс этиш шакли. Ғоялар асосан икки йўналишда намоён бўлади: улар бунёдкор ғоялар ва бузғунчи ғоялар.

“Ғоя” тушунчасининг ҳозирги замон илмий талқинига мувофиқ, у объектив воқеликнинг инсон тафаккуридаги инъикоси бўлиб, айна пайтда, инъикоси бўлиб, айна пайтда, инсон онги, борлиқни акс эттириш билан бирга, ўзида билиш жараёнини янада чуқурлаштириш ва амалий ҳаётни ижодий ўзгартиришнинг кенг, чуқур имкониятларини мужассам этади ҳамда ўз навбатида, унинг ўзи ҳам уларнинг ривожини негизда муттасил тараққий топиб боради. Ғоя борлиқни тўғри ёки нотўғри акс эттириш мумкин. Шунга қараб, у жамиятнинг ривожига ёки таназулига хизмат қилади.”.

Ғоявий - сиёсий тарбия виждон, бурч, маъсулият, ғурур, миллатни севиш, ўз тарихини, кадриятларини билиш каби ички руҳий ҳиссиётга асосланади. Ғоявий-сиёсий маданиятни мағзини ташкил қилувчи инсонпарварлик, ўзаро ёрдам, дўстлик,

ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат, саховат, ватанпарварлик, бурч ҳисси ҳамда камтарлик каби юксак инсоний қадриятлар ғоявий-сиёсий маданиятни тарбиялаш асосида ёшлар онги ва фаолиятида таркиб топади. Ғоявий - сиёсий маданиятни таркиб топтириш замирида билим ётади.

Энди маданият нима? Сиёсий маданият нима? деган саволларга жавоб излаймиз.

Ўзбек тилининг изохли лугатида “Маданият - арабча сўз бўлиб, жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуидир [деб таъриф берилган бўлса, педагогика фанлари доктори, профессор Ойниса Мусурмонованинг “Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари” докторлик диссертациясида “Маданият муаммоси динамика характерга эга бўлиб, ижтимоий тузум таракқиёти билан боғлиқдир. Бу муаммони фалсафа, этнография, адабиёт, социология, педагогика, рухшунослик, этика, эстетика фанлари татқиқ этади дейилган. Худди шу диссертацияда сиёсий маданият тушунчасига тўхталиниб “..Сиёсий маданият ўқувчида сиёсий тафаккурни, ижтимоий фаолликни, жамият олдидаги маъсулият, ижтимоий ва маънавий жавобгарликни ҳис этишни, ҳақиқат учун курашишни, бурчга садоқатни, миллатлар, элатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни, сўз ва фаолият бирлигини таъминлаш, эрқпарварликни, тинчликни, тенгликни, озодликни ва ўзликни англашни кўрсатувчи мезон эканлиги айтилади.

Сиёсий маданият фақат эркинлик, озодлик, мустақиллик шароитида ўзини тўла намоён қила олиши, ўқувчининг ҳозирги замон сиёсий маданияти умуминсоний қадриятларга суяниши, шу жумладан инсонпарварлик, демократия, ҳуқуқий давлат ва ошқоралик бу маданиятнинг тўрт унсури эканлиги, ҳар бир ўқувчи ўз фаолиятида инсонпарварлик ғояларига риоя қилиши, яъни бу фаолият инсонни ҳимоя қилишга, уни улуғлашга қаратилган бўлиши лозим эканлиги қайд этилади. Оилашунос олиманинг фикрларига таянган ҳолда биз, узлуксиз таълим тизимида ёшлар ғоявий - сиёсий маданиятини шакллантиришда ана шу тўрт унсурунинг: инсонпарварлик, демократия, ҳуқуқий давлат ва ошқораликнинг тарбиявий жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Инсонпарварлик бу ўзликни англаш, қадимий анъаналарни тиклаш, умуминсоний қадриятларни эъзозлаш, аждодлар хотираси ҳурматлаш ва улар асосида ёшларда келажакка ишонч, меҳр-муҳаббат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат, сабр, ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуларини шакллантириш демакдир.

Педагог олим Б. Ш. Шермухаммадов ёшлар қалбида миллий ғояни сингдириш, миллий ғоя, ғоявий-сиёсий тарбия ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратганлигини, халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб таҳликали даврда ғоявий-сиёсий тарбия жараёнини замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, тинч-осойишта ҳаётимизга ҳавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш зарурлигини таъкидлаб, кейинги йилларда дунёнинг мафкуравий манзараси жуда тез ўзгариб бораётганлиги, турли минтақаларда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, манфаатлар тўқнашуви, тобора кучайиб бораётган халқаро терроризм, диний экстремизм, радикализм, эгоцентризм, эркинлик ниқоби остидаги ахлоқсизлик, наркотрафик каби таҳдидлар барчамизни ҳушёрликка чорлаши, ёшлар тарбиясига эътиборимизни кучайтиришни ва бу масалада оилавий тарбия муҳим вазифаларидан бири эканлигини алоҳида эътироф этади.

Узлуксиз таълим тизимида ёшлар ғоявий-сиёсий маданиятини тарбиялаш орқали демократия яъни очиқ мулоқот эркинлигини таъминлаш, болада мустақил фикрлаш,

дунёқарашларини шакллантириш, фикр соғломлигига эришиш, шунингдек сиёсий онг ва саводхонликни тарбиялашга эришилади.

Педагогик адабиётларга таяниб узлуксиз таълим тизимида ёшлар ғоявий-сиёсий маданиятини тарбиялаш усуллари: тушунтириш, ҳикоя ва суҳбатдан иборат бўлиб, тушунтириш усулидан кўзланган мақсад болага ҳатти ҳаракатлар, воқеалар ва ҳодисаларга у ёки бу талабларнинг маънавий, эстетик, мазмунини очиб бериш, унга ҳулқ-атворга ва инсоний муносабатларга тўғри баҳо беришни шакллантиришда кўмаклашишдан иборатдир.

Ҳикоя ва суҳбат ота-оналарнинг жонли сўзи асосида бола шахсини ғоявий ва маънавий шакллантиришнинг таъсирчан йўли бўлиши керак ва шундай бўлиб қолади. Ҳикоя қилинадиган мавзу боламиз учун актуал, қизиқарли бўлиши, болаларга маданий таъсир, маънавий ишонч, ижтимоий ҳис туйғулар вужудга келтиришга олиб келиши керак.

Суҳбат болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, турли хил мавзуларда олиб борилади: одоб-ахлоқ, яъни инсоний фазилатлар, миллий мафкура, атрофдаги воқеалар, демократик давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, билим доирасини кенгайтириш мақсадида олиб борилади. Ўтказилаётган ҳар бир суҳбат ўқувчи ёшлар учун қизиқарли ва аҳамиятли бўлиши лозим. Болаларнинг ҳаётий тажрибаси ҳали кам, барқарор ҳулқ атвор кўникмаси йўқлиги сабабли, уларнинг активлиги тақлид характерига эга. Бола катталар тажрибасини ўзлаштира борар экан, кўпинча ўзи ҳурмат қиладиган, ўзига ёқтирадиган кишиларнинг ҳулқ-атвори образларида фойдаланади, улардан нусха кўчиради.

Узлуксиз таълим тизимида ёшлар ғоявий-сиёсий маданиятини тарбиялаш педагогик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Ҳар томонлама камол топган шахсни тарбиялаш таълим тизимининг муҳим вазифаларидан биридир. Бунинг самарали йўллари, мазмуни, шакл ва методлари, воситалари, янгича инновацион ёндашув жиҳатларини излаб топиш, бу муаммони педагогик жиҳатдан ўрганиб чиқишга эътиборимизни қаратамиз.

Педагогик таълимот ғояларига кўра узлуксиз таълим тизимида ёшлар ғоявий-сиёсий маданиятини шаклланишига бир қатор ички ва ташқи омиллар муайян даражада таъсир кўрсатади. Шу нуктаи назаридан қараганда ёш авлодни ғоявий-сиёсий маданиятини шакллантиришда ҳам бир қатор омиллар таъсирининг кузатилиши табиийдир. Мавжуд манбалар билан танишиш Ўзбекистон Республикасида ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган бир қанча қарор ва фармойишлар миллий қонунчилик асослари муҳим аҳамият касб этишига ишонч ҳосил қилинди. Бугунги кунда республикамызда ёшлар миллати, халқи, ўзи ва оиласи манфаатлари учун эркин меҳнат қилиш имкониятига эга эканлиги давлатимизнинг асосий Қомуси-Конституцияда, Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодексида, Меҳнат Кодексида, Фуқаролик Кодексида ва Республикамызда қабул қилинаётган бир қанча Қарор ва Фармойишларда мустаҳкамлаб қўйилди. Буларнинг барчаси ёшларда янгича тафаккурни, миллий, ижтимоий-сиёсий онгни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Педагогик таъсир усули - бу аниқ педагогик ҳолатларни ташкил қилиш усулидан иборат бўлиб, унда маълум қонуниятлар асосида болаларнинг ижобий ишларида ўз камчиликларини йўқотишга ундовчи янги фикрлар ва ҳиссиётлар уйғонади. Тарбия жараёнида зарур педагогик таъсир усули танлаш учун боланинг ҳиссий ҳолати, ҳаракатининг табиати ва сабаби олдиндан аниқланиши лозим. Бу, ўз навбатида, ушбу ҳаракатнинг психологик таҳлили, унинг бола шахсияти билан яқин алоқасини кўриб чиқишни талаб қилади. Педагогик ҳолат педагогнинг ижодий фикрларига биноан яра-

тилади. Биринчидан, педагог мураббийларимиз фойдаланишни мўлжаллаган таъсир усулини амалга ошириш учун мос шароитларни ҳаёлан танлаши керак. Иккинчидан, улар ўз мўлжаллаган иши ва ҳулкини ўқувчининг ҳаракатиға бўлган муносабатига биноан мос равишда ўйлаб чиқиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар ғоявий-сиёсий маданиятини шакллантиришда уларнинг ақлий, ахлокий, эстетик, бадий, сиёсий, диний ва дунёвий ҳуқуқий ва экологик қирралари яхлит, бир-бири билан ўзаро алоқада таъсир кўрсатади. Бу таъсирнинг самарадорлиги эса таълим-тарбия жараёнида ёшларнинг маънавий қизиқиши, талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олиш, бу хусусиятларнинг жамият маънавий тараққиёти талаблари билан мослиги, маънавий-маданий манбалардан болалар ёш ва руҳий хусусиятларига мос равишда самарали фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнини самарали шакл, усул ва воситалари асосида ташкил этиш, таълим тарбия мазмунини умуминсоний ва миллий қадриятлар негизига қуриш каби муҳим педагогик талабларга риоя этишга боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (www.lex.uz)
2. Исом Каримов “Ёшлар бутунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир”-Тошкент. Маънавият, 2015
3. Абдуллаева М.Н. ва ҳаммуаллифлар. Мустақиллик ва ғоялар фалсафасининг назарий-методологик асослари. Монография. Тошкент. “Наврўз” 2014.- Б 27
4. Мусурманова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини ривожлантиришнинг шакл ва методлари. – Т.: Фан. 1995. - 108 б
5. Муҳаммадиев У.Н. Ўзбекистонда сиёсий маданият ва миллий маънавиятнинг ўзаро муносабати муаммоси. Сиёсий фан. ном...дисс. Т.: 2002. – 14 б
6. Отамуродов С. “Глобаллашув ва миллий-маънавий ҳавфсизлик”(сиёсий-фалсафий таҳлил). Т.: “O‘zbekiston” 2013 – 3 б
7. Шермухаммадов Б. Ш. Ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботи самарадорлигини ошириш. (“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти мисолида) Пед.ф.д-ри дисс Т.: 2016 36 б
8. Ж.Ҳасанбоев, Х.Тўрақулов, М.Ҳайдаров, О.Ҳасанбоева, Н.Усманов. Педагогика фанидан изоҳли лўғат. Тошкент. “Фан ва технология” нашриёти. 2009 йил –Б 62б
9. Низамиддин Усманов “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш технологияиси” Тошкент. “Фан ва технология” нашриёти, 2012 йил-Б,23
10. Ўзбек тилининг изоҳли лўғати: 80000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж-III-Н-Тартибли/ -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008. – 563 б

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ўзлуксиз таълим тизимида ёшлар ғоявий - сиёсий маданиятини шакллантириш шакл ва усуллари илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек мақолада, ҳар бир педагог таълим-тарбия беришда креатив ёндашувга, маълумотларни мустақил равишда излашга, мустақил қарор қабул қилишга ва муаммоларни инновацион ечиш йўллариини ўргатиш механизмларини билиши зарурлиги масалаларига алоҳида урғу бериб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье научно и теоретически описаны формы и методы формирования идейно-политической культуры молодежи в системе непрерывного образования. В статье также подчеркивается, что каждому педагогу необходимо творчески подходить к обучению, самостоятельно искать информацию, принимать самостоятельные решения и знать механизмы обучения инновационным решениям проблем.

SUMMARY

The article scientifically and theoretically describes the forms and methods of forming the ideological and political culture of youth in the system of continuous education. The article also emphasizes that every teacher needs to be creative in learning, independently seek information, make independent decisions and know the mechanisms of teaching innovative solutions to problems.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛ - ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОСИ

Бакиров О.Б.

*Жиззах вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш ҳудудий маркази катта ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи*

Таянч сўзлар: компетенция, компетентлик, фуқаролик компетенцияси, фуқаролик жамияти, ижтимоий фаоллик.

Ключевые слова: компетентность, компетентность, гражданская компетентность, гражданское общество, социальная активность.

Key words: competence, competence, civic competence, civil society, social activity.

Жамият таракқиёти ва ривожланишида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутати. Шу сабабли биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз.

Сўнгги йилларда мамлакатда таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, боғча тарбияланувчилари, ўқувчи ва талаба ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълим тизимлари ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, миллий таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати уни замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси - жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва уларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутати.

Компетенция ёки компетентлилик - латинчадан “competentia” инсон яхши хабардор бўлган, билимлар ва тажрибага эга бўлган масалалар доирасини билдиради. Маълим бир соҳада компетентли бўлган инсон унга бу соҳа ҳақида асосли фикр юритиш ва унда самарали фаолият олиб боришга имкон берадиган тегишли билимлар ва қобилиятларга эга бўлади.

Замонавий педагогика фанида мазмунига кўра бир-бирига етарлича яқин бўлган қатор атамалар учрайди – фуқаролик компетентлилик, “фуқаролик компетенцияси” ва ҳоказо.

Ҳозирги вақтда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ўзбек ва чет эл олим томонидан ўрганилиб келинмоқда.

Файласуф олима Г.Ж.Туленова тадқиқот ишида маънавий омилнинг ёшларнинг касбий ҳулиқиға, ижтимоий мўлжалларига, амалий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатишини фалсафий-методологик жиҳатдан атрофлича ўрганиш ҳамда мав-

жуд муаммоларни ечиш борасида ҳукумат ва жамоатчилик саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиққан.

Қ.Куранбоевнинг тадқиқот иши эса талабаларнинг маънавий-ижтимоий фаолликларини ривожлантиришнинг услублари ва мазмуни, унинг педагогик асослари яратиб берилган. Муаллиф илмий кузатишларида маънавий-ахлоқий муаммолар, ёшлар таълим-тарбиясида онгли интизомнинг ўрни, бурч ва масъулият, жамоатчилик сифатларини таркиб топтириш муаммолари таҳлил қилинади.

Ҳар икки тадқиқот ишида ҳам юқорида баён этилган ҳолатларда талаба ва мактаб ёшидаги ўқувчилар фаолиятини ташкил этишнинг мазмуни, мақсади, метод, шакл ва воситалари ҳусусида тўхталиб ўтилган.

Хориж олимларидан В.Ш.Масленникова ўқувчиларда фуқаролик компетентлиликни шакллантириш жараёнининг самарадорлиги ўқув фанининг мазмунига эмас, балки ўқитиш ва тарбия методларини тўғри танлашга боғлиқ деб ҳисоблайди. Бундай методларга ишонтириш ва тушунтириш, ижобий муаммоли вазиятлар ва муваффақиётга эришиш вазиятлари, зиддиятларни, моделларни, ҳулқ-атвор ва қарор қабул қилиш услубларини таҳлил қилиш, демократик мулоқот ва мусобақадорлик, педагогик менежмент, ролли ўйинлар, етакчининг педагогик бошқаруви ва авторитетни ўстириш, жамоавий ижодий ишлар, анъаналар методикаси, халқ педагогикаси воситаларини киритиш мумкин.

“Фуқаролик компетенциялари” атамаси И.А.Зимняя томонидан “Фуқаролик компетенциялари” деганда фуқаронинг билимлари ва ҳуқуқ мажбуриятларига риоя қилиши; эркинлик ва масъулият, ўзига ишонч, кадр-қиммат, фуқаролик бурчи; давлат-рамзларини (герб, байроқ, мадҳия) билиш ва улар учун фахр-ғурур туйиш тушунилади. Муаллиф томонидан олиб борилган илмий-услубий адабиётлар манбалари экспериментал тадқиқотининг умумлаштирилиши фуқаролик компетентлигининг, юқорида айтилган фуқаролик компетенцияларининг, умумий кўрсаткичи сифатида ҳамда фуқаролик билимлари ва малакалари, фуқаролик фазилатларининг: субъектнинг фуқаролик кадриятларини амалга оширишга бўлган мўлжалидан келиб чиқадиган фуқаролик фаолияти кўникмалари ва амалий тажрибасининг мажмуи сифатида қарашга имкон беради.

Замонавий педагогика фанининг вазибаларидан бири ўқувчиларда ва талабаларда фуқаролик компетентлиликни шакллантириш воситаларини излаб топиш ҳисобланади. Маълум бир даврда ўрта ва касбий таълим олиш жараёнида фуқаролик компетентлигини шакллантириш тўғридан-тўғри турли ўқув фанларининг мазмуни билан боғланган. Зеро, Т.Б.Болотинанинг фикрига кўра, тарих ва жамиятшуносликни ўрганиш давомида ўқувчилар инсоннинг маънавий ривожланиши ҳақида “генглик” ва “генг ҳуқуқлилик” тушунчаларининг фарқи ҳақида тасаввур оладилар. Адабиёт курси муҳим тушунчаларни - “ахлоқ”, “ҳуқуқ”, “қонунчилик”, “масъулият”, “кадр-қиммат”, “ор-номус”- аниқлаш ва аниқлаштириш учун қўшимча имкониятлар беради. Ўқувчилар эътибори этик фалсафий характердаги саволларга жалб қилинади: яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, авлодлар алмашунови, инсон ва ҳудо, инсон ва табиат, инсон ва миллат, ор-номус ва бурч, виждон, ахлоқий танловлар ҳақидаги. Чет тилини ўрганишда ўқувчилар тили ўрганилаётган мамлакат ҳақидаги, миллий маданият ва унинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси ҳақида умумий маълумотлар олади, бу ҳамжамиятлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро бир бирини тушунишга, бағрикенгликка ёрдам беради. Табиий-илмий турдаги фанлар (биология, валеология, экология, география) инсон ҳуқуқларининг табиий, ижтимоий ва иқтисодий томонларига; табиат қонуниятларини – улар билан ҳисоблашмаслик ўта оғир оқибатларга олиб келади,

ўрганишга эътиборни қаратади; тинчлик учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун, маҳаллий миқёсда қандай бўлса, глобал миқёсда ҳам шундай, масъулият тўғрисида шакллантиради.

Фуқаролик компетентлиликни шакллантириш жараёнида фуқаролик фаолияти (табиатни муҳофаза қилиш, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, ватанпарварлик) ҳам алоҳида роль ўйнайди.

Фуқаролик компетентлиликнинг фуқаролик ўзини англаш каби компонентини шакллантириш учун кўпчилик рус ва француз педагоглари “ижтимоий биография” сини ёзиш методини алоҳида ажратадилар. У ижтимоий ҳаётнинг субъектив томонларини тадқиқ қилишга имконият яратади. У инсоннинг билвосита ва бевосита кирган ижтимоий жараёнларга, ижтимоий-психологик вазиятларга шахсий муносабатини қайд қилади. Ушбу методнинг шаклларига йўналтирилган интервью, қариндошлар гувоҳликлари, турли ёзишмалар, фотосуратлар, автобиографик лавҳалар, умуман ўз ҳаёти ҳақидаги маълумотлар кирилади. Биографик методнинг ушбу барча шакллари турли даражадаги аниқлик ва ҳусусияти билан инсоннинг ҳаётий тажрибиси спецификасини бошқа одамлар билан ҳамкорликдаги ҳаёт фаолияти жараёнида, уни турли ижтимоий гуруҳларга киритгандаги унинг ҳаётини кучларини йўлга қўйиш характерини аниқлашга имкон беради.

Америка педагогикасида фуқаролик компетентлиликни шакллантириш методларини фуқаролик билимларини шакллантириш методларига ва фуқаролик кўникмаларини ишлаб чиқиш методларига ажратиш қабул қилинган. Ўз навбатида, фуқаролик компетентлиликни шакллантириш методларининг икки блоки ажратилади – ахборот-мунозарали маърузалар, суҳбатлар, ҳикоялар, муаммоли вазифалар, видео-тасмаларни кўриш, компьютер технологияларидан фойдаланиш ва ўқув мавзуларини ва дарсликларни, монографияларни, биографияларни, автобиографияларни, тарихий ҳикоялар ва эсселарни қўллаш ёрдамида ўрганиш бўйича топшириқлар бажариш, фуқаролик кўникмаларини ишлаб чиқиш методлари, интеллектуал кўникмаларга, (мунозара, “аклий ҳужум”, театрлаштириш методларидан фойдаланиш, тезкор сиёсий ахборотни таҳлил қилиш, умуммиллий тадбирлар ўтказиш, сиёсий ишбилармонлик ўйинлар) ва амалий кўникмаларга, ижтимоий сўровномалар ўтказиш, кичик ёшдаги ҳуқуқбузарлар устидан суд жараёнларида иштирок етиш, ижтимоий лойиҳаларни яратиш устида ишлаш, мактабни бошқаришда иштирок этишга йўналтирилган.

Шу тарзда, педагогика фани соҳасидаги қатор тадқиқотчилар фикрига кўра, фуқаролик компетентлиликни шакллантириш жараёнида суҳбат методидан фойдаланиш жуда муҳим. Фуқаролик ҳақида суҳбат – бу ғоявий ҳамфикрлар жамоасининг суҳбати. Суҳбатнинг бош мақсади – ёшларда шундай кизиқиш уйғотиш керак-ки, уни интилишга айлантириш лозим ва у ҳаётда энг муҳими – ўзингдан кейин ҳаётда из қолдириш - ҳақиқий инсоннинг орзуси, деган фикрга олиб келин.

Чайковский номи касбий-педагогик коллежнинг биринчи курс ўқувчилари билан бўлган учрашувда, биз ўқув жараёнини ташкил қилишнинг юқорида санаб ўтилган кўпгина методлари ва шаклларида фойдаландик. Бизнинг ўқувчиларимизда алоҳида кенг тарқалган мунозаралар, “аклий ҳужум” ҳамда “Келажакка хат” каби машқлар катта кизиқиш уйғотди. Бунга ўхшаш ишлардан коллеж педагоглари томонидан турли фанлар бўйича машғулотларда фойдаланилади-“мутахассисликка кириш”, “Чет тили”, “педагогик этика” ва ҳақозо.

Яна шунини қайд этиш керак-ки, чет тили дарсларида фуқаролик компетентлиликни шакллантириш жараёни, бир неча йўналишларда содир бўлади ва бу таълим олувчининг экологик, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Масалан, “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш” мавзусини ўрганиш давомида талабаларга “Ахлатни тарқатувчи бўлма!” мавзусида машғулоти ўтиш таклифи қилинади. Саксон дақиқа давомида таълим олувчилар индивидуал, жуфт ва гуруҳ ишларининг турли шаклларида иштирок этадилар – улар ўқитувчи таклифи қилган викторина саволларига жавоб қайтардилар, машғулоти мавзуси бўйича ўз лугатини ишлаб чиқадиладар ҳамда гуруҳ олдиди “Ер аҳолисини ифлос қилма!” деган йўл белгилари эскизини яратадилар ва ҳимоя қиладилар. Таҷриба шунини кўрсатади-ки, машғулоти доим интенсив тарзда ўтади, талабалар фаол ишлайдилар ва атроф муҳитни ифлосланишининг келиб чиқиш сабаблари ҳамда оқибатлари уни бартараф этиш йўллари ҳақида муҳокамалар олиб боришади.

Фаннинг ишчи дастури ва календар режасига мувофиқ ушбу машғулоти апрел ойида ўтказилади, талабалар томонидан экологик муаммоларни фаол муҳокамаси сўзда қолиб кетмайди. У ёшларда табиатни асраш характеридаги фаолиятга мотивацияни шакллантиради. Талабалар ўз ташаббуслари билан сидқидилдан шанбаликларда қатнашадиладар ва коллеж атрофини ободонлаштириш билан шуғулланадиладар ва ҳақозолар.

Фуқаролик компетентлиликни шакллантиришга чет тили дарси воситалари билан ва турли ролли ўйинлардан фойдаланиш билан, жумладан, ҳуқуқий фаолият эментларини намоиш қилиш билан ёрдам берилади. Масалан: (Талабалар яхши кўрадиган ролли ўйинлардан “Суд”).

Қайд этиш лозим-ки, ўқув фаолиятининг шунга ўхшаш шаклларида бошқа фанлар бўйича машғулотларда ҳам фойдаланиш мумкин. Кимё, биология, экология, география, жамиятшунослик, тарих ва ҳақозо.

Юқориди айтилганларни умумлаштириб, шундай хулосага келиш мумкин-ки, бугунги кунда ўқув жараёнида фуқаролик компетентлиликни шакллантириш нафақат гуманитар циклдаги ўқув фанлари бўйича балки педагог томонидан айнан фуқаролик билимларни, фазилатларни, кўникмаларни, қадриятларни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш методларини оптимал равишда танлаш туфайли амалга оширилиб боришмоқда.

Бундай методларни ҳамда ўқитишни ташкил қилишнинг шакллари аниқлаш мамлакатимиз ва чет эл педагогикасининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6108; 06.11.2020 йил.
2. Г.Ж.Туленова «Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (ижтимоий-фалсафий таҳлил)» Т; 2017 й
3. Қ.Куранбоев «Талабаларнинг маънавий-ижтимоий фаолликларини ривожлантиришнинг педагогик асослари (Ёшлар ташкилотлари мисолида)» Т; 2018 й
4. В.Ш.Масленникова Формирование гражданской компетентности в системе социального партнерства // Информационные материалы для мероприятий проекта «ШАГ» – «Школа Активного Гражданина» Москва. -М. : ИНЭК, 2004.-С. 15-43.
5. Зимняя, И. А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата современного образования // Компетенции в образовании: опыт проектирования : сб. науч. тр. / под ред. А. В. Хуторского. -М. : ИНЭК, 2007.-С. 33-45.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқувчиларнинг фуқаролик позицияси ва ижтимоий фаоллигини шакллантириш замонавий таълим жараёнининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини шакллантиришнинг асосий мақсади янги демократик жамиятда тўлақонли яшашга ва жамиятга фуқарони, шахсни юқсак даражада шакллантириш билан боғлиқ.

В статье рассматривается развитие гражданской позиции и социальной активности учителей как одна из важных задач современного образовательного процесса. Основная цель формирования социальной активности студентов - полноценная жизнь в новом демократическом обществе и формирование высокого уровня гражданина, индивидуальности для общества.

SUMMARY

The article examines the development of civic position and social activity of teachers as one of the important tasks of the modern educational process. The main goal of the formation of social activity of students is a full life in a new democratic society and the formation of a high level of citizens, individuality for society.

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ - КАСБИЙ МАҲОРАТНИНГ ЎЗАГИ ВА ЎЗАНИ

Жуманиёзов Р.

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти доценти, филология фанлари номзоди
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси*

Таянч сўзлар: маҳорат, инноватор, креативлик, таълим технологияси, касбий лаёқат, эрудиция.

Ключевые слова: мастерство, новатор, творчество, образовательные технологии, профессиональная компетентность, эрудиция.

Key words: skill, innovator, creativity, educational technology, professional competence, erudition.

«Маҳорат» сўзи арабча бўлиб, ўзаги моҳир деган сўздан. У эса эпчилик, моҳирлик, удабуронлик деган маъноларни англатади. Буни барча соҳа ва жабҳа кишиларига нисбатан қўллаш мумкин. Ўз ишининг устаси бирикмаси ҳам айнан шундан. Бундай инсонлар мамлакат тараққиётига ўз соҳаси нуқтаи назаридан муносиб ҳисса қўша олади. Турли соҳа, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фаолият юритадиган инноватор инсонлар ўз касбининг устасидирлар.

Шунинг учун ҳам касбий маҳорат тушунчаси кенгқамровлидир. Хунарсанд, меймор, рассом, ҳайкалтарош, дурадгор, наққош қўйингки, барча касбларнинг усталари ўз соҳаси ривожига ҳисса қўша олади. Касбий маҳоратнинг узвий бир бўлаги, қайси соҳа ёки қайси йўналиш бўлмасин, барчасини умумлаштирадиган ўзига боғлаб турадиган жамиятнинг ўзаги ва ўзани бу педагогик маҳоратдир. Педагогдан озик олмаган касб эгаси ҳам, хунарсози ҳам йўқ. «Педагогик маҳорат» тушунчаси ўтган асрнинг 80-90-йилларида илмий-назарий ва педагогик жиҳатдан асосланиб, олий таълим муассасаларида мустақил фан сифатида ўқитили бошлаган. Кейинчалик, «Педагогик технология» фани таркибига синдириб юборилган.

Аслида, бу таълим механизмнинг ҳаракатлантирувчи кучи, таъбир жоиз бўлса, рулидир. А.Л. Церковский, З.С. Кунцевич, О. И Гаповаларнинг ҳаммуаллифлигида яратилган «Педагогическое мастерство» номли қўлланмада бу борада эътиборли фикрлар илгари сурилган. Унда «педагогик маҳорат - бу энг аввало, мулоқот маҳорати» сифатида ўринли таъкидланади. Худди шу йўсинда профессор Б.Скиннернинг «Таълим технологияси - бу педагогик тажрибада психология ютуқларини қўллашдир» деган мулоҳазаси келтирилади. Булар бир-бирини инкор этмайди, балки ўзаро тўлдиришга, бойитишга хизмат қилади.

Буларнинг асосида когнитивлик, эффектив(эмоционал)лик, иерархия (когнитив мақсад) ётишини изоҳлашга ва қўйидаги олтита хусусиятни таркибий қисм сифа-

тида кўрсатилади. 1. Билим. 2. Тушуниш. 3. Илова. 4. Анализ. 5. Синтез. 6. Баҳолаш.

Эътибор қилинадиган бўлса, булар педагогик фаолиятнинг моҳиятини белгилловчи босқичлардир.

Муҳими, фаолиятда, доимий изланишда бўлган педагогнинг тажрибаси, кўникмаси тобора ошиб боради. Фаолиятнинг икки қаноти бор бўлиб булар ташаббускорлик ва ташкилотчиликдир. Бу ҳаракат эса педагогнинг креатив жиҳатларини, ижодкорлик маҳоратини тобора ошиб боришига хизмат қилади. Фаолият - тараққиёт таъминоти. Шунинг учун ҳам америкалик руҳиятшунос Дейл Карнеги қуюниш билан «Бизнинг фожиямиз саводсизлигимизда эмас, балки фаолиятсизлигимиздадир» дегани рост. Педагогик маҳорат қандай ракурс билан қаралмасин, олинган билимни моҳирона етказиш, сингдириш механизmdir. «Педагогик энциклопедия»да педагогик маҳорат тушунчасига бундай таъриф берилган. «Ўз касбининг моҳир устаси бўлган, юксак даражада маданиятли, ўзганини чуқур биладиган, ёндаш фанлар соҳаларини яхши таҳлил этаоладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиятини мукамал эгаллаган мутахассис».

Англашилаётгани, кенгқамровли билимга эга бўлган педагогга иккита хосса муҳимлиги таъкидланаяпти. Бу илм ва маърифатнинг қўш қаноти бўлган таълим ва тарбияга дахлдор жиҳатдир.

1. Дарс бериш маҳорати. 2. Тарбиялаш маҳорати.

Ана шу ҳар иккала асос педагогнинг маҳоратини белгилловчи муҳим омиллардандир. Тўғри, бу ўринда ўқувчи билимини ҳолис ва аниқ баҳолай олиш иқтидорини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак.

«Педагогик маҳорат» фанининг вазифалари «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларида ҳам муфассал белгилаб берилган. Педагогнинг замон билан ҳамнафаслиги, янги ғоя ва ташаббуслар билан ҳамқадам бўлиши, ижодий интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши, ҳар дамда ўз устида ишлаши талаб этилади. Маълумки, илғор жаҳият фуқаросининг, хусусан ўқитувчининг маънавий бойлиги унинг кенг дунёқараши, теран фикрлаш лаёқати, саводхонлиги, юксак инсоний фаилатларга бойлиги билан баҳоланади. «Барча иллатларнинг илдизи илм-сизликдандир». Юнон файласуфи Сукротнинг бу фикри ёш авлоднинг юксак билим ва тафаккур соҳиби бўлиши учун барчамизнинг масъуллигимизни англатади.

Дарс бериш маҳорати ўқувчи диққатини жалб этиш ва эътибори ҳамда эҳтиромини қозониш билан белгиланаркан, у ушбу жиҳатларда намоён бўлади: Касбий лаёқат ва эрудиция, психологик-педагогик тайёргарлик, таълим олувчиларни мустақил фикрлаш ва янги билимлар олишга ўргатиш маҳорати, инновацион педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаганлик, интернетнинг глобал тармоғи билан ишлаш бўйича амалий кўникмалар, фанлараро алоқалардан фойдаланиш маҳорати, риторика ва нотиклик санъати асосларини билиш. Билимдонлик - педагог учун шарт бўлган фаилат. Унинг вазифаси ўсиб келаётган авлодга инсоният томонидан тўпланган илм ҳазиналарини очиб беришдир. Ўқитувчи фан ва билимлар янги жаҳият қуриш қуроли эканлигини билиш асосида турли хил инсонлар билан мулоқотда бўлиш, нотиклик санъати ва муомала маданиятини чуқур эгаллаши, фаол, ташаббускор ва ўрнатқ бўлиши талаб этилади.

Тажрибали педагог, олим Комил Зарипов «Ўқитувчилар малакасини оширишда мактаб раҳбарининг роли» номли китобида («Ўқитувчи», 1993, 97 - бет.) ўқитувчининг касбий маҳоратига, мазмун-моҳиятига қараб «Илғор ўқитувчи», «Ижодкор ўқитувчи», «Новатор ўқитувчи» сифатида таърифлайди. Аслида, ҳар учаласини ҳам уйғунлаштира оладиган битта атама бор бўлиб бу «Нотик педагог»дир. Чунки нотик педагогга ҳар

учаласига хос хусусият ҳам умумлашади. У шунчаки касб, ҳунар, санъат ёхуд фан-гина эмас, балки тақдирдир. Кайковуснинг «Қобуснома»сидаги ушбу битик ҳам фикримизга далилдир. «Ҳамма қобилиятлардан энг яхшиси нутқ қобилиятидир.»

У бу ҳулосага келиши учун воқеликни кузатган, ақл, ҳаёт чиғириғи ва қалб призмасидан ўтказганлиги маълум. Демак, педагогик маҳорат фанидан кўзланган мақсад маҳоратли ўқитувчиларни тайёрлашдир.

Таълимнинг сифати, самараси ва натижаси нимага боғлиқ деган саволга, одатда, биз педагогнинг замонавий талабаларга жавоб бериши, ахборот технологияларини ўзлаштириши, ўз фанини чуқур билиши, кенг қамровли билимга эга бўлиши, бир нечта хорижий тилларни ўзлаштирган бўлиши, ўз ишига масъулият билан қараши дея жавоб берамиз. Тўғри, буни инкор этмаймиз. Лекин фақат шуларгина сифат ва самаранинг мезони бўла олармикан? Дўппини ерга қўйиб бир ўйлаб кўрсак, бошқача манзаранинг гувоҳи бўламиз.

Шу ўринда таълим-тарбиянинг таъсирчанлиги масаласи муҳим муаммо эканини ёддан чиқазиш ярамайди. Бу масаланинг илдизи, таъбир жоиз бўлса, қалити ўз-ўзидан педагогнинг коммуникатив компетенциясига бориб боғланади. Чуқур билимга эга бўлса-ю ўз билимини ўқувчи онгу шуурига сингдириш механизмини эгалламаган бўлса, таълим тизимида сифат, самара ва натижа бўлиши мумкинми? Бошқача айтганда, самарали мулоқот технологияси ва техникасини ўзлаштирмаган ўқитувчи ўқувчини ҳам ана шу мақсадга тайёрлай олмаслиги аниқ. Чунки, таълим олгангина таълим бера олади, тарбияланган одамгина тарбиялай олиши айни ҳақиқат.

Педагогика фанлари доктори, профессор А.Нурмоновнинг докторлик диссертацияси худди шу мавзуда. Улар асосан, талабаларни самарали мулоқот технологияси ва техникасига тайёрлашнинг педагогик имкониятлари борасида ҳулосалар чиқазганлар. Ваҳоланки, ачиқ бўлса ҳам очик айтиш керакки, педагогларнинг аксарияти ҳам ана шу талабга муҳтож. Тўғри, А.Нурмонов Олий таълим муассасаларида аниқ мақсадга йўналтирилган модулли технологияларни ишлаб чиқиш, модераторлик ва супервайзерлик амалиётини такомиллаштириш, мулоқотнинг вербал ва невербал воситаларининг умуминсоний ва миллий ахлоқий-эстетик жиҳатларини аниқлаш, бўлажак мутахассисларнинг коммуникатив ва эмоционал маданиятини ривожлантириш каби масалаларни амалга оширишда аудиториядан ташқари машғулотлар имкониятларидан фойдаланиш, мулоқот санъати бўйича муаллифлик дастури мисолида олий таълим муассасалари талабаларини самарали мулоқот технологияси ва техникасига тайёрлашнинг локал модулли технологияси ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилгани, Олий таълим муассасалари талабаларини аудиториядан ташқари машғулотларда самарали мулоқот технологияси ва техникасига экспериментал тайёрлаш жараёни амалга оширилиши, олий таълим муассасаларида педагогик-психологик фанлари ва аудиториядан ташқари машғулотлар имкониятларини интеграциялаш муҳим аҳамият касб этиши борасида ибратли ҳулосалар чиқарганлар. Шунингдек, Олий таълим муассасалари талабаларини самарали мулоқотга тайёрлаш давлат аҳамиятига молик, шахсий, социал-ижтимоий ва касбий-педагогик муаммо сифатида талкин этилиб, мамлакатимиз таълим ва тарбия концепциясида назарда тутилган ёш авлодни ижтимоий-коммуникатив соҳада фаол, мустақил фикрга эга, ўз фикрини эркин ва аниқ ифода этишга қодир фуқаро сифатида тарбиялашга эътибор қаратганлари аҳамиятлидир.

2019 йилнинг 23 август куни давлатимиз раҳбарининг халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамияттаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нуткида маънавий-маърифий муҳит, ўқитувчи касбининг обрўйи,

нуфузи пасайиб кетгани, янги давр педагоглари тарбиялаш, педагогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим технологияларини жорий этишга етарли эътибор берилмагани соҳада бир қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқаргани ҳақида сўз юритиб, ўқитувчилар ойлигини ошириш ва рағбат ҳақида гапирдилар ва амалга оширдилар.

Янги давр педагоглари тарбиялаш деганларида ўқитувчиларнинг замонавий билимларни эгаллашлари ва уларнинг педагогик маҳорати, коммуникатив компетенциясига, эргаштирувчилик қобилиятига, ўқувчи талабаларга ўрнак ва намуна бўлишларига ишора қилганларини англаб олиш қийин эмас.

Педагог сўзининг луғавий маъноси «бола етакловчи» демакдир. Хўш, ким етаклай олади, ким изидан эргаштира олади? Педагогик қобилиятга, етук билим ва нутқий маҳоратга, мулоқот маданиятига эга бўлган педагоггина бунинг уддасидан чиқа олади. Биз шу пайтгача эргашиб келганмиз, эндиликда эса эргаштира олишимиз керак. Ахир, илм-фан, санъат ва маданиятнинг тамал тошини қўйганлар ҳам бизнинг аجدодларимиз эмасми? Эргашишда ижрочилик, эргаштиришда ижодкорлик туйғуси устунлик қилади. Ижодкорлик бу янгиликка интилиш, инновацион ихтиролар, инвестицион фаолият сари талпиниш, бошқача айтганда, таракқиёт демакдир. Бу эса тафаккур тантанасидир.

Хўш, педагогнинг эргаштириши ниманинг бадалига бўлади? Бу фанга, мавзуга қизиқтириш эвазига бўлади. Қизиқтира олиш қобилияти эса нотиклик маҳорати, педагогнинг лингвистик, нутқий компетенциясига боғлиқлиги ойнадек равшан.

Демак, аксарият муаммоларнинг ечими педагогик маҳорат билан, талабаларга мотивация бериш билан боғлиқ. Ўқувчи ва талабаларнинг кўпчилиги, дарсга қизиқмаслигидан, кўпгина педагоглар фанни, мавзунини қизиқарли тарзда эмас, балки ҳиссиз ва туссиз ўтишларидан нолиганларини кўп бор эшитганмиз. Шу боис Рим нотиғи Марк Туллий Цицерон «Қалб ҳарорати билан суғорилмаган нутқ ҳеч нима, нотиқ эса ҳеч кимдир», - деган. Буюк нотиқнинг фикрини давом эттириб айтиш мумкинки, иштаҳа билан ейилмаган таом ҳазм бўлмайдигина эмас, балки иллат ҳам кўзғатади.

Очилишни айтиш керакки, ўз фанини чуқур билган, бўйи баробар китоблар ёзган устозларни биламиз, ҳавас қиламиз. Лекин афсуски, уларнинг айримлари минбар, микрофон ва видеокамера орқали аудиторияга юзланса, қўрқув ва ҳаяжонга тушади, билганини ҳам айтолмай, фикри пойинтар-сойинтар йўсинда бўлади. На оғзаки, на ёзма нутқ маданиятини тўла ўзлаштирган бўладилар. Ҳар иккаласида фикр етказа олиш маҳорати педагог фаолиятининг алифбоси эканини биламиз, лекин амал қилавермаймиз.

Қайси соҳада фаолият юритмайлик, қайси фандан дарс бермайлик, нутқ маданияти ва нотиқлик санъатини эгаллаш зарур. Зероки, бу таълимнинг сифати ва самарасини белгиловчи муҳим омилдир. Ваҳоланки, таълимнинг калити нутқ, тарбиянинг калити ҳуқ билан бўлганидек, мулоқотнинг очкичи нутқ, муомаланинг туткичи ҳуқ эканлигини ҳам асло, унутмаслик лозим.

Тасаввур қилинг, бозордан асл деҳқондан етиштирилган асл ош масаллиқларини олиб келиб ошпазга берсангиз, у таом тайёрлаш машқини олмаган бўлса, хом хатала қилиб ошни тайёрласа, сиз ея олармидингиз? Албатта, йўқ. Айбдор ким? Сиз, деҳқон, қозон, ўчоқ, ўтин ёки масаллиқ эмас, албатта, ошпаз.

Нотиқлик санъати курси шунчаки дарс эмас, бу, аслида, муолажадир. Болаликдан онг остига гапирмаслик фазилат, одобнинг улуғи индамаслик деб ўқитилган, жойланган. Тумов бўлган кимса битта укол олса, эртасига йўталга қарши дори ичса,

индинга соғайиб, яхши бўлиб кетавермайди. Бунинг учун у тузалгунча тизимли равишда муолажа олиши керак, акс ҳолда, тумовнинг асорати қолади. Нотиклик санъатининг 36 соатлик назарий ва амалий машғулоти тўла ўтилиши керак. (“Notiqliksan’atiakademiya” NTM томонидан ишланган дастур.) Шундагина натижа бўлиши мумкин.

Аслида, нотиклик бир йиллик, ўн йиллик эмас, балки, умрлик машғулотдир. Камина ҳозиргача ўргатиб туриб ўрганади. Чунки бир карра таълим бериш, икки карра таълим олиш демакдир. Нотикликнинг қояси кўриниб турибди, унга интиламиз мақсад ва ғоя бор, лекин тоҳануз вояга етмаганмиз. Бу тинимсиз машқ ва изланишларни талаб этади.

Қайси фан, қандай ўқув предмети бўлмасин, ўқитувчи олдида муҳим бир муаммо туради. Бу ўз фанини ўқувчига етказиш аниқроғи, унинг онгу шуурига сингдиришидир. Ҳоҳ табиий, ҳоҳ ижтимоий, ҳоҳ гуманитар фанлар бўлсин, ўқитувчи ўз соҳасининг етук билимдони ва моҳир устаси бўлиши зарур. Фан ҳақидаги назарий маълумотларни кизиқарли йўсинда етказиш жараёнида бир қанча муаммолар борлигини инкор этиб бўлмайди. Тасаввур қилинг, ўқитувчи ўз фанини, ўқув предметини тўла ўзлаштирган билимли шахс ҳам дейлик, лекин унда билимларини, фикрини ўқувчиларга етказиш борасида кўникма, малака, тажриба ҳосил қилинмаган бўлса, мақсад тўла амалга ошмайди. Шунинг учун ҳам ўқитувчидан бу борада тинимсиз меҳнат, машаққатли машқ ва изланиш, ташаббус ва ташкилотчилик талаб этилади. Замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам одимлаш ўқитувчидан юксак масъулиятни ва мажбуриятни талаб этади. Бугунги ўқувчи ўқитувчидан кўра кенгрок ахборотга эга бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Бунга боис қўплаб интернет тармоқлари ва бошқа технологиялар орқали етиб келаётган информациялардир. Ҳатто, айрим ўқитувчилар ўз ўқувчиларидан интернетга кириб маълумот олиб беришларини илтимос қилишлари ҳам сир эмас. Шундай экан, қабул қилинаётган маълумотларнинг асосли ёки асосли эмаслигини билиш ва билдириш учун ўқитувчининг ўзи ҳам интернет ва бошқа информацион воситалардан хабардор бўлиши зарур. Уни тўғри тушунириб, тўғри таҳлил қилиб бера олиш зарур. Акс ҳолда, ўқувчи ахборот хуружлари орқасида қандай ғаразли мақсадлар яширинганини идрок этмай, турли уйдирма маълумотларни бошқа тенгқурларига етказиб уларнинг фикрини чалғитиши ҳеч гап эмас. “Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш” мумкинлиги таъкидланаркан, демак, ўқитувчининг ўзи маърифатга, етук билим ва дунёқарашга эга бўлиши зарур. Унинг билими, маънавияти эса маърифат маёғи, химоя яроғидир. Миллий ғоя химоячиси бўлиш, мустақиллик мафқурасини мустаҳкамлаш масъулияти шуни тақозо этади. Халқ қалби ва онги учун кураш кетаётган, мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан катта кучга эга бўлган айни замонда педагогнинг вазифаси ва оғоҳлиги ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Таълим ва тарбия инсон камолотида қўш қанот экан, унинг таъсирли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир педагог юқоридаги фикрлардан тўғри хулоса чиқара олиши ва амалда тўғри қўллай билиши керак.

Ўўш, таълим - тарбиянинг таъсирчанлиги фақат замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш, кўргазмалилик асосида иш олиб боришми? Бу восита, холос. Авваломбор, ўқитувчининг ўқувчи билан муносабатидаги нутқи ва хулки муҳим масаладир. Нутқ маданиятининг ҳар иккала шаклини, оғзаки ва ёзма нутқни тўла ва тўғри амалда қўллай олмаган педагогнинг мақсади саробдир. Нутқ маданиятининг ҳар иккала кўриниши, яъни оғзаки ва ёзма нутқ қондаларини билиши ва амалда

қўллай олиши зарур. Қандай ёш ва қандай касбда бўлишдан қатъий назар, ҳар бири-миз кишилар билан нуткий муносабатда бўламиз-сўзлаймиз, тинглаймиз, фикрлашамиз. Ҳар кимнинг ўз диди, савияси, дунёқараши, сажияси, феъл-атвори, кўриниши, кийиниши бўлганидек, унинг овози, сўзлашиш услуби, тил ва нуткий маданиятни эгаллаш даражаси ҳам ўзига хос. «Ўзингга қараб кутарлар, сўзингга қараб кузатарлар»- деган нақл бор. Кишининг фаҳм-фаросати ва савияси икки оғиз сўзидаёқ намоён бўлади. Киши фикрининг аниқ, самимий ва таъсирли етиб бориши сўзловчининг тил ва унинг ҳаракатдаги ифодаси бўлган нутқ қоидаларини қанчалик билиши ва амал қилишига боғлиқ. Шундай экан, нутқнинг аниқлиги-тафаккурнинг тиниқлигига дахлдор бўлса, талаффузнинг аниқлиги-нутқнинг тиниқлигига боғлиқдир. Нотик нутқнинг мантикий қудрати, таъсир кучи, жозибаси ҳам, аслида шу билан. Нотик нутқи, воиз ваъзи ҳар бир даврларда, ҳар бир маконларда жонз бўлгани ҳақ. Демак, нуткий маҳоратни эгаллашга интилиш нутқ одоби, аниқроғи, тил ва нутқ воситаларини пухта билишни тақозо этади. Назарий маълумотлар амалий машғулотлар билан уйғунлашмас экан, бунга эришиш мушкул. Оғзаки ва ёзма нутқнинг ўзаро боғлиқлиги уларнинг шаклланиш жараёнидагина эмас, балки тараққий этишида, сайқал топишида муҳим ҳам муқимдир. Оғзаки нутқнинг қатор вазифавий кўринишлари мавжудки, улар кези келганда, ёзма нутққа жило беради. Унинг таъсирчанлигини оширади. Кундалик сўзлашув нутқи, лекторлар нутқи, радио ва телевидение нутқи, сахна нутқи буларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқни талаб этади. Ҳар қандай сўзнинг хосияти нутқнинг моҳияти билан алоқадоргина эмас, балки мантикий тафаккур мезони ҳамдир. Нутқ, нотик, мантиқ, нотиклик атамаларининг бир ўзақдан ясалгани ҳам бу тил бирликларининг ўзаро узвий боғлиқликда намоён бўлишини англатади. Бири бирисиз рўёбга чиқмаслигини, бири иккинчисини тақозо этишини билдиради. Демак, сўз хосиятли бўлганидек, нутқ ҳам моҳиятли бўлишини уни истифода этувчилар, хусусан, ўқитувчилар, нотик, диктор, диджей ва лекторлар доимо ёдда тутишлари, амалда ўринли қўллай билишлари зарур. Нуткий маҳоратнинг икки омили бор. Бири нутқ хусусиятларини билиш бўлса, иккинчиси нутқ техникасини эгаллашдир. Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантикийлиги, софлиги, бойлиги, ифодавийлиги, таъсирлилиги, жўялилиги, мақсадга мувофиқчилиги унинг хусусиятларини ташкил этса, оғзаки нутқдаги овоз, дикция, пауза, ургу, оханг, интонация, ёзма нутқдаги тиниш белгилари силсиласи нутқий техникадир. Фикрлаш техникангиз кучли, аммо овозингиз паст, таъсирсиз бўлса, ёки аксинча ўктам овоз, ўтқир нафасга эга бўла туриб тафаккурингиз бўлмаса, бари беҳуда. Ҳар иккаласи омихта бўлиши мақсадга мувофиқ. Тингловчи эътиборини, даставвал, нотикнинг кўриниши, сўнгра унинг овози тортади.

Тил тактикаси – тараққиёт стратегиясининг таъсирчан ва инновацион механизми эканини ёдда тутиш ўринлидир.

Шуларни инобатга олган ҳолда, тизимдаги профессор-ўқитувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ маданияти, адабий тил меъёрларига риоя этишларини, саводхонлик даражасини, нотиклик маҳоратини, коммуникатив компетенциясини, самарали мулоқот технологияси ва техникасини амалга оширишга қаратилган ўқув курсини тизимли равишда ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар:

1. Нурманов А.Т. Талабаларни самарали мулоқот технологияси ва техникасига тайёрлашнинг педагогик имкониятлари. Автореферат. -Т.: 2017
2. Холиков А. Педагогик маҳорат. Тошкент «IQTISOD-MOLIYA» 2010

3. Муслимов Н, Усонбоева М, Сайфуров Д, Тўраев А. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. -Т.; 2015.
4. Мусурмонова О. Маънавий кадрлар ва ёшлар тарбияси. - Т.: Ўқитувчи, 1996, - 92 б.
5. Мусурмонова О. Фарзандларимга насиҳатлар- Т.: 2020. -25 б.
6. Зарипов К. «Ўқитувчилар малакасини оширишда мактаб раҳбарининг роли». Ўқитувчи, 1993, -97 б.
7. Мухиддинов А. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. - Т.: Ўқитувчи, 1995.
8. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар 15-том. - Т., 2005.
9. Ғозиев Э. Муомала психологияси. Тошкент, 2001.
10. Мақсудова М. Мулоқот психологияси. Тошкент, 2006.
11. Каримова В. Психология. Тошкент, 2000.
12. Карнеги Д. Муомала сирлари. Тошкент, «Наврўз», 1992.

РЕЗЮМЕ

Давлат ва жамият ривожланишининг асосини таъминловчи таълим ва тарбияга беvosита дахлдор педагогларга нисбатан олинганда эса, бу улкан аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам таълим тизимида алоҳида фан сифатида эътироф этиладигани бу педагогик маҳоратдир.

Муаллиф мақолада ҳар бир соҳанинг маҳоратли ходимлари бўлиб, уларда касбий маҳорат нуктаи назаридан яратувчанлик, илмий термин билан айтганда, креативлик, инноваторлик хусусиятлари ҳақида сўз юритидаи.

РЕЗЮМЕ

В случае педагогов, непосредственно занимающихся образованием и воспитанием, которые составляют основу развития государства и общества, это имеет большое значение. Вот почему именно педагогический навык признан отдельным предметом в системе образования. Автор - квалифицированный специалист в каждой области, в которой он говорит об особенностях творчества в научном плане, творчества, новаторства в плане профессионализма.

SUMMARY

In the case of teachers directly involved in education and upbringing, who form the basis of the development of the state and society, this is of great importance. That is why it is precisely the pedagogical skill that is recognized as a separate subject in the education system. The author is a qualified specialist in every field in which he speaks about the peculiarities of creativity in the scientific sense, creativity, innovation in terms of professionalism.

БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ҳакимова С. Ҳ.

Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти мустақил изланувчиси

Таянч сўзлар: компетентлик, касбий компетентлик, касбий сифатлари, таълим-тарбия, ривожлантириш, мазмун, моҳият, дастур, тизим, касбий тайёргарлик, узлуксиз таълим, тажриба ва қўникмалар.

Ключевые слова: компетентность, профессиональная компетентность, профессиональные качества, образование, развитие, содержание, сущность, программа, система, профессиональная подготовка, непрерывное образование, опыт и навыки.

Key words: competence, professional competence, professional qualities, education, development, content, essence, program, system, professional training, continuing education, experience and skills.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимга киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида шундай деган эдилар:

“ Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё микёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш кел-

майдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сарф этамиз”. Бугунги кунда таълим тизимини модернизациялашнинг истiqболли йуналишларидан бири ҳисобланган юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлашда касбий компетентлик ёндашуви муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълимда компетентлик ёндашуви таълим олувчиларда жамиятга муваффақиятли мослашишга асос бўлаоладиган асосий компетенциялар мажмуасини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Компетенция касбий билим ва кўникмалар ҳамда ташаббускорлик, ҳамкорлик, гуруҳда ишлаш қобилияти, коммуникатив қобилиятлар, баҳолаш, мантиқий фикрлаш, ахборотни танлаш ва ундан фойдаланиш, ўз касбий фаолиятида ахборот коммуникация технологияларини қўлай олиш каби сифатларни ўз ичига олади. Қайд этилган сифатлар махсус фан ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бундай муҳим компетенциялардан бири мустақил ривожланишга ва мустақил ўқишга қобилиятли бўлган ўқитувчининг таълимни ахборотлаштириш шароитларидаги педагогик фаолиятга тайёргарлигидир. Бу шароитларда касбий масалаларни ҳал этиш учун педагогнинг ахборотлаштириш воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш қобилияти унинг касбий компетентлиги компонентларидан бирига айланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда замонавий педагогик адабиётларда ахборот-коммуникацион таълим муҳитидаги ўқитувчининг касбий фаолияти даражасини аниқлашда «ахборот-коммуникацион таълим муҳитидаги компетентлик» атамаси пайдо бўлди ва у истеъмолга кенг миқёсда кириб келди.

Ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда коллеж дастурининг асосий фанларини талаб даражасида ўқитиш, шу билан бирга ўқувчиларни мазкур технологияларнинг “мураккаб оламига кирита олиш” ва уларда ахборот маданиятини шакллантиришга қобилиятли ўқитувчиларни тайёрлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўқитиш методикаси ва ўқувчилар психологиясини яхши биладиган ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари сирларини яхши эгаллаган педагоглар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари талаб этилади:

- ўқитиш ва ривожлантиришда компьютердан фойдаланиш имкониятларини билиш; махсус фанни ўқитишни ташкил этишда компьютердан фойдаланиш усулларига эга бўлиш;
- ўтилган мавзунинг назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилишни ташкил этишда компьютерни қўллашни билиш;
- ўқитишнинг компютерли ва анъанавий технологияларини оптимал мослаштиришни билиш;
- ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда ахборот коммуникация технологияларини қўллаш ва бошқалар.

Ўқитувчиларда касбий компетенцияни ривожлантириш жараёнларининг самардорлигини таъминлашда ўқитувчиларнинг фаолияти, таълим-тарбия жараёнининг ҳолати, ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнига бўлган муносабати, уларнинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, таълим-тарбия жараёнининг самардорлигига таъсир кўрсатаётган бошқа омиллар, ўқитувчиларнинг тасаввури, тушунчаларининг ривожланиши, дунёқарашининг ўзгариши тўғрисида биринчи навбатда етарли ахборотлар тўплаш зарур. Ўқитувчиларда касбий компетенцияни ривожлантиришда педагогик жараёнлар тўғрисида ҳамда ўқитувчиларнинг тасаввури, тушунчаларининг ривожланиши, дунёқарашининг ўзгариши бўйича узлуқсиз равишда ахборотлар тўплаш ва уларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда объектив баҳолаш энг

асосий вазибалардан ҳисобланади. Мазкур вазибаларни амалга ошириш асосида касбий компетентликни ривожлантириш жараёнларини такомиллаштириш ва ривожлантириш йўллари, ўқитувчиларда ижобий мотивларни шакллантириш ва ривожлантириш омиллари ва воситалари аниқланади ҳамда самарадорлик таъминланади. Ўқитувчиларда касбий компетентликни ривожлантиришда мотивлаштириш жараёни самарадорлигига таъсир этувчи омилларни инобатга олган ҳолда, самарадорликнинг ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ўқитувчиларнинг билими, кўникма ва малакаси ҳамда тажрибаси даражасини, дунёқараши, тасавури, қизиқиши ва имкониятларининг белгиланган мақсадларга мос келишини ифодаловчи хусусиятлар;
- белгиланган мақсадларга муваффақиятли эришиш натижаларига мос келувчи мотивлар, омиллар ва воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- ўқитувчилар учун зарурий ва қулай шарт-шароитлар яратувчи ижодий муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари;
- давлат, жамият ва шахс эҳтиёжларининг ривожланиши, касбий компетентликни ривожлантириш жараёнлари иштирокчиларининг эҳтиёжлари ва қониқиш ҳосил қилиш жараёнлари;
- касбий компетентликни ривожлантириш жараёнлари иштирокчиларининг илмий-методик таъминоти.

Бугунги кунда таълим муассасаси ўқитувчиси узлуксиз инновацион изланишда бўлиши, фикрлаши, вазиятга кўра ўз касбига бўлган муносабатларини ўзгариши, шунингдек, бошқаларда ҳам инновацион ғояларни шакллантириш асосида фаолият кўрсатиши зарур.

Бу ўз навбатида ўқитувчиларнинг касбий қизиқишлари кўламини кенгайтиришга, яъни уларнинг адабиётлар ўқиб ўрганишдан то назарий психологик-педагогик ва фундаментал тадқиқотлар олиб боришига ҳам имкониятлар яратади. Яхши илмий-педагогик тайёргарлик инновацион фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди. Инновацион жараёнларда фаол иштирок этувчи ўқитувчилар мунтазам равишда ўзини-ўзи ривожлантириши ва таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришнинг катализаториг аайланади, яъни мазкур жараёнларининг тезлашишида муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчининг касбий тайёргарлигининг асосий компетентлик деб белгиланган ҳолда, икки йўналишини, яъни маълум бир соҳа бўйича касбий ва шахсий компетентликни ажратиб кўрсатади. Биринчиси-бу касбий билим, кўникма ва малакаларни егаллашдаги етуклик, иккинчиси қатор зарурий умуминсоний сифатларга эришиш. Умумий ҳолда, таълим муассасасида ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятини ташкил этишга объектив ва субъектив омиллар сабаб бўлади. Объектив омилларга давлатнинг янгит аълим сиёсати, таълим соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар, таълим муассасасининг инновацион фаолият йўналишидаги тажрибаларини келтиришимиз мумкин. Субъектив омилларга ижтимоий-худудий эҳтиёж, таълим муассасаси фаолиятининг ривожланиш жараёни, ўқитувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари, илмий салоҳиятининг ўсиши, бошқарув хусусиятларининг ўзгариши мисол бўлади. Таълим муассасаси ўқитувчиларининг инновацион фаолиятини ташкил этишнинг педагогик шартлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи назарий-педагогик қондалар мажмуини ишлаб чиқиш;
- назарий-педагогик қондалар мажмуи инновацион фаолиятининг асослари билан белгиланиши;
- инновацион фаолиятнинг мақсади, вазифаси, мазмуни ҳамда уни ташкил

этиш тамойилларини ўз ичига олиш. Таълим муассасаси ўқитувчилар инновацион фаолиятга жалб этувчи омиллар инновацион фаолиятга уларни мотивлаштириш (ундаш) воситалари сифатида хизмат қилади.

Ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш ишлари асосий мақсадга эришишга йўналтирилган бўлади ва шу муносабат билан таълим муассасасида асосий ўзгаришлар вужудга келади. Мазкур мақсадларга эришишда қатор вазифаларни бажариш зарур: узлуксиз таълим ҳолатларини амалга оширишнинг долзарб эҳтиёжларини қўлдоловчи янгиланган технологик ва дастурий методик маҳсулотларни яратиш; кўпроқ самарали ҳисобланган ўқитиш воситаларини танлаш; таълим муассасасининг илмий-тадқиқот салоҳиятини ривожлантириш; ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорлигига асосланган ҳамкорликдаги инновацион фаолиятини ташкил этиш; жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларига мос, билимли ва қобилиятли битирувчилар моделини амалга оширишга асосланиш (таълим мазмунини янгилаш); ўқувчиларни касбга йўналтириш жараёнига инновацион ёндашувларни жорий этиш (таълим дастурларини янгилаш), бунда инновацион ёндашувлар қуйидагиларни назарда тутати: - биринчидан, ўқув дарсликларининг мазмунини турли мафкуралардан тозалаш, рақобатни вужудга келтирувчи фикрлар билан тўлдириш; - иккинчидан, давлат таълим стандартларига мос равишда, ҳаракатдаги дастурларга янги ривожлантирувчи айрим ўзгаришларни киритиш; - учинчидан, ўқув режасининг факультатив ва таълим муассасаси ихтиёридаги соатлар блокларига янги фанларни киритиш. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион моделларини татбиқ этиш самарадорлигининг аҳамиятли кўрсаткичлари уларнинг ўқув-методик қўлланма ва кўрсатмалар тайёрлаш, турли ҳил тадқиқот ишларини бажаришдаги фаоллиги, яъни инновацион фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллانганлигини қўлдолайди. Ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантириш мақсадида инновацион жараёнларни ташкил этиш ҳамда қўзланган натижаларга эришишда, энг аввало, ўқитувчи фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда 63 бажарилиши зарур бўлган вазифаларни, мақсадни аниқлаш, шунингдек, ўқитувчининг имконияти ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб инновацион жараённинг мазмун ва моҳиятини белгилашнинг сифати ва бажарилиш самарадорлиги раҳбарларнинг фаолиятига қай даражада боғлиқ бўлса, ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантириш йўналишларида белгиланган мақсадларга қўра, юқори натижаларга эришиш уларнинг инновацион фаолияти ҳамда инновацион жараёнларга қизиқишларига шу даражада боғлиқ бўлади. Таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда фан-техника ютуқларига асосланган бошқарувнинг энг самарали, инновацион методларидан фойдаланишни, бошқарув йўналишида билим, кўникма ва малакаларни, янги шахсий ва касбий сифатларни талаб қилади. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириб боришда, энг аввало, қўзланган мақсадларга эришишда таълим муассасасининг истиқбол мақсади ва имкониятларини ўқитувчилар манфаати билан уйғунлаштиришни ҳамда таълим муассасасининг фаолиятини замонавий ўзгаришларга мослаштириб бориш, таълим инновацияларини жорий этишни назарда тутувчи узоқ муддатли бошқарув дастурларини жорий этиш зарур. Билимли, етарли тажриба ва кўникмаларга эга бўлган, ўз фанини яхши биладиган, ижодкор ва ташкилотчи, бир сўз билан айтганда касбий компетентлиги ривожланган ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларга етарли шарт-шароитлар

яратиб бериш, илмий-педагогик фаолият билан шуғулланишлари учун яқиндан ёрдам бериш, ёш ўқитувчиларни кўп йиллик илғор педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчиларга бириктириб қўйиш, фаолиятни “Устоз-шогирд” тамойиллари асосида ташкил этиш, ёш ўқитувчиларда ўзи танлаган касбга муҳаббат ва келажакка ишонч туйғуларини шакллантириш ушбу куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган таълим муассасаларини компетентли ўқитувчилар билан таъминлашда ўз самарасини беради.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Т.: «Ўзбекистон», 2017.
2. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). - Alexandria - Virginia, USA: ASCD, 2014. - P. 4.
3. Ишмухамедов Р., Мирсолиева М., Ўқувжараёнида инновацион таълим технологиялари. - Т.: «Fan vatexnologiya», 2014. - 60-б.
4. Муслимов Н.А. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография-Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.
5. Турғунов С., Данияров Б., Отажонов Д. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари Т.: “Сано-стандарт” нашриёти, 2011.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланган таълим тизимини модернизациялашнинг истикболли йўналишларидан бири - юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлашда касбий компетентияларни шакллантириш ва уни ташкил этишда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш жараёнлари ҳақида. Мазкур вазифаларни амалга ошириш асосида касбий компетентликни ривожлантириш жараёнларини такомиллаштириш ва ривожлантириш йўллари кўрсатиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена одному из наиболее перспективных направлений модернизации системы образования, которое является одной из самых актуальных проблем на сегодняшний день, - процессу формирования профессиональных компетенций при подготовке высококвалифицированных кадров и использованию информационно-коммуникационных технологий в сфере образования. его организация. На основе выполнения этих задач показаны пути совершенствования и развития процесса развития профессиональных компетенций.

SUMMARY

This article is devoted to one of the most promising areas of modernization of the education system, which is one of the most pressing problems today, - the process of forming professional competencies in the preparation of highly qualified personnel and the use of information and communication technologies in the field of education. its organization. Based on the fulfillment of these tasks, the ways of improving and developing the process of developing professional competencies are shown.

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

Ибрагимова Г. Н.

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти ассистенти*

Таянч сўзлар: талаба, ўқитувчи, янги педагогик технология, таълим, сифат, самарадорлик, таълим мазмуни, мустақил фаолият.

Ключевые слова: студент, преподаватель, новая педагогическая технология, образование, качество, эффективность, содержание обучения, самостоятельная деятельность.

Key words: student, teacher, new pedagogical technology, education, quality, efficiency, learning content, independent activity.

Кириш. Демократик ислохотлар йўлига қадам қўйган мустақил Ўзбекистон Республикасига ўқимишли, ҳар томонлама етук, баркамол фуқаролар керак. Шахсни тарбиялаш – “Таълим тўғрисида”ги қонуни”да давлатимиз таълим ҳодимлари зиммасига ўта масъулиятли вазифалар юклайди. Бу вазифани амалга ошириш жараёни талабаларни ўқитишга янгича ёндашиш, ўқитувчиларни ўз касбига ва ўзгаларга, яъни таълим олувчиларга ўта талабчанлик билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Педагогик жараённинг эскириб қолган технологиясини янгисига алмаштириш, замонавий мактабга давр талаблари асосида ёндашиш, дарсга эса янгича усулларнинг лойиҳасини татбиқ этиш асосий вазифалардан бирига айланмоқда.

Янги педагогик технологиянинг афзаллиги замон синовидан ўтиб, интерфаол дарснинг сифат ва самарадорлигини оширишда муҳим омил эканлиги ўз исботини топмоқда. Педагогик технология амалиётда бажариладиган маълум педагогик тизим лойиҳаси эканлиги кўпчиликда катта қизиқиш уйғотади. Дарс жараёнида мавзунини таҳлил қилиш, тил, жисм ва ҳодисаларни таққослаб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи таҳлил ёрдамида воқеа-ҳодисаларни қисмларга ажратиб, томонларни фикран бирлаштириб, бир бутун ҳолига келтириб нутқда ифода қилади. Ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, нутқнинг тўғрилиги, алоқавий маҳоратнинг талабаларга таъсири, педагогик нутқ техникасини эгаллаганлик даражаси ўз навбатида янги алоқавий технологияга асосланган ҳолда амалга оширилади. Бу жараён ўқитувчи фаолияти ва услубиятининг турли қўринишлари орқали амалга оширилади.

Турли-туман технологиялар, индивидуал маҳорат, жамоа маҳоратига ўз ўрнини бўшатиб берган. Технология қўллаб касб эгаларининг тўплаган маҳоратини йиғиндиси, мажмуидир, яъни технология янгича усуллар ва воситалар тизими бўлиб, маълум фаолиятнинг олдиндан белгиланган натижаларини намоён қилади. Бу иборани таълим мезонига боғлаб изоҳламоқчи бўлсак, дарснинг миқдор ва сифат жиҳатидан муваффақиятли чиқишини кафолатлайди. Технологик жараённинг яхши натижа, самара беришини олдиндан пухта лойиҳалаштириш ва амалга ошириш, унинг муассамлигига боғлиқ. Технология усулларини дарс жараёнига тadbқиқ этиш кўп жиҳатдан муҳим, шароит, кўникма ва кузатишлар билан боғлиқдир. Турли хил усулларга дастлаб кўникиш, ўрганиш биров қийин кечади, аввал ўқитувчида ҳам педагогик маҳорат етишмай, қийин вазиятга тушиб қолиши табиий бир ҳол, кейинчалик дарснинг натижаси самарадорликка олиб келади, интерфаол дарснинг афзаллиги ўз-ўзидан намоён бўла бошлайди.

Янги педагогик технологияга кўра, талабанинг билим олишдан мустақиллигини ошириш, мустақил фаолиятини ташкил этиш йўли билан тил ва нутқий таълим самарадорлигига эришиш, ривожлантирувчи таълим моҳиятини рўёбга чиқариш, талабаларнинг мустақил ўқиш-ўрганишини таъминлаш мумкин. Шундагина ўқитувчи ўзининг билими ва нутқий малакаси қай савияда эканлигидан, ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, фаннинг турли соҳалари бўйича билимини янада ошириш учун хизмат қиладиган таълим мазмунини қидиради, билимларни ўзлаштириш учун маъруза ёки амалий машғулотида тортишув, баҳс, мунозара олиб боришнинг ўзи учун қулай йўллари танлайди.

Ўқитувчининг маърузага технологик ва методик жиҳатдан тайёрлаш, ақлий ривожланиш, ўқитишни фаоллаштириш, яъни ўқитиш технологияси билан кулланганини жараёни узоқ ва тинимсиз изланишларни талаб этади. Педагог муваффақиятининг сирини нафақат у қўллаётган технологияларда, балки педагог-тарбиячи сифатидаги маҳоратида, талабалар қалбига йўл топа олишида қўринади. Ҳар бир ўқитувчининг у қандай технологияни қўллагани, педагогик муомаласи бетакрордир. Чунки ҳар

қандай технология жонли, ҳиссиётларга тўла инсоний муносабатлар, педагогик муомала, ҳамда маҳоратнинг ўрнини боса олмайди. Инсоннинг ўзлиги, ўз моҳияти дунёга, ҳаётга, табиатга, одамларга меҳр-муҳаббат асосида ўз оламини, яъни гўзаллик қонунларига мувофиқ бўлган оламни ярата олишида қўринади. Бусиз маънавий, етук инсонни шакллантириб бўлмайди, мана шу оламнинг яратилишида муаллимнинг ўрни бекиёс. Ўқитувчи тарихнинг асосий ижодкорини, яратувчисини яратувчиси эканлигини англаб етган ва муҳими ўз ватани, унинг тараққиёти учун масъул инсонни тайёрлайди. Ҳаётни, одамларни, дунёни севувчи, ижодкор инсонни шакллантириш жараёнини бошқаради. Жараён маҳорат билан бошқарилса, инсоннинг ўзлигини англаш учун негиз яратилади, бериладиган билимлар эса асосий воситалар ҳисобланади. Агар шундай бўлмаса, таълим ўзининг асл қимматини йўқотади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи дарсининг ижодкори, у тайёр технологияларнинг оддий ижросига айланмаслиги, педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўз йўлини, изланиши ва заковатини намоён этиб, фаолиятга киришиши лозим.

Инсон қайси касб соҳиби бўлиши қатъий назар ўз ишига, машғулотига кунт билан меҳр билан ёндашса, унинг бутун сир-асрорини, усул воситаларини мукамал эгаллайди, шу билан бирга ўз-ўзини англайди, шу соҳада камол топади. Ўқитувчи кимни ўстирса, тарбияласа ўзи ҳам ўсади, улғаяди, донишмандликка касб эта боради.

Таълим технологияси педагог фаолиятини, дарс жараёнини ташкил этиш ва олиб боришни тўлиқ амалга оширишдир. Шунинг учун ҳам дарсларнинг мақсад ва вазифалари доимо ўқитувчининг диққат марказида турмоғи керак. Сўз ва грамматик воситаларни изоҳ берган ҳолда нутққа олиб кириш замонавий технологияга сайқал бағишлайди. Нутқ соф бўлиши учун ҳаракат асосан ўқитувчи нутқда ўз аксини топиши керак. Ўқитувчи интерфаол дарс жараёнида талабанинг диққат марказида бўлади ва унинг барча айтган сўзлари қандай бўлса шундайлигича етиб боради. Ўқитувчи нутқ борасида ҳаммага ўрнатилган бўлиб ўз маҳоратини, инновацион усулларни маҳорат билан намоёйиш этади.

Фикрни давлат тилида мустақил, тушунарли ва аниқ, таъсирли, мантиқий баён этиш малакаси ҳам қўникмасини эгаллаш, ўқитувчи нутқ маданияти таълими мазмунидаги янги педагогик технология дарс жараёнида амалга оширилади. Янги педагогик технологиядан қутилган мақсад нима унинг афзалликлари, дарснинг самарадорлигини ошириш тамойиллари нимадан иборат деган саволга қуйидагича ҳосилалар асосида жавоб бериш мумкин:

1. Янги педагогик технология энг қулай ва содда усул.
2. Мустақил фикрлашни ўргатади.
3. Кўп тармоқли.
4. Содда, осон.
5. Эса қолиши кучли.
6. Билим бойлигини оширади.
7. Вақтдан ютиш.
8. Қизиқарли ўтади.
9. Дарснинг самарадорлигини оширади.
10. Дунёқарашни оширади.
11. Тафаккурни ривожлантиради.
12. Талабаларнинг диққат-эътиборини тортади.
13. Ҳар бир талаба билан индивидуал муносабат пайдо бўлади.
14. Хотирани кучайтиради.
15. Изланишга чорлайди.

16. Ўқувчиларни ўз устида ишлашга даъват этади.

Хулоса. Педагогик технологияни амалда қўллашнинг жараёни босқичида ўқитувчининг вазифалари, шунингдек, талабаларнинг ўқув фаолиятини бажаришга йўналтирилган таълим тури, таълим мезонлари намоён бўлади. Бу жараёнда ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва муносабатлар, демократик тамониллар самара усуллари, ташкилий шакл ва таълим воситаларининг танланишига алоҳида ургу берилди.

Ўзаро ҳамкорлик педагогикаси ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ҳамфикрлик, ишонч, ўзаро ёрдам, ижодий ҳамкорлик муҳитини яратади. Бу эса ўз навбатида, ёшлар томонидан ҳақиқий инсоний қадриятларини англаш ва эътироф этишни кафолатлайди.

Адабиётлар:

1. Исмаилова З.К. Педагогика. Дарслик. – Тошкент, Молия-иктисод, 2008. – 172 б.
2. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф, 2000.
3. Толипов Ў.Қ., Усмонбобоева М.Х., Педагогик технология асослари. – Т.: Республика ташхис маркази, 2003.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада янги педагогик технология асосида талабанинг билим олишдаги мустақиллигини ошириш, мустақил фаолиятини ташкил этиш йўли билан тил ва нутқий таълим самарадорлигига эришиш, ривожлантирувчи таълим моҳиятини рўёбга чиқариш, талабаларнинг мустақил ўқиб-ўрганишини таъминлаш, ўқитувчи ўзининг билими ва нутқий малакаси қай савияда эканлигидан, ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, фаннинг турли соҳалари бўйича билимини янада ошириш учун хизмат қиладиган таълим мазмунини кидириши, билимларни ўзлаштириш учун маъруза ёки амалий машғулотларида тортишув, баҳс, мунозара олиб боришнинг ўзи учун қулай йўллари танлаши каби масалалар ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В основе данной статьи лежит новая педагогическая технология для повышения самостоятельности учащихся в обучении, для достижения эффективности языкового и речевого образования за счет организации самостоятельной деятельности, для осознания сути развивающего обучения, для обеспечения самостоятельного обучения учащихся. например, поиск образовательного контента, который будет служить для дальнейшего расширения знаний в различных областях науки, выбор наиболее удобных способов обсуждения, обсуждения, обсуждения во время лекции или практических упражнений для приобретения знаний.

SUMMARY

This article is based on a new pedagogical technology to increase the independence of students in learning, to achieve the effectiveness of language and speech education through the organization of independent activity, to understand the essence of developmental education, to ensure independent learning of students. for example, the search for educational content that will serve to further expand knowledge in various fields of science, the choice of the most convenient ways of discussion, discussion, discussion during a lecture or practical exercises for acquiring knowledge.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ДИРЕКТОРИНИНГ КВАЛИТОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Мирюсупова Н.Ш.

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти 1-босқич таянч докторанти

Таянч сўзлар: квалитология, квалитологик компетентлик, мотивацион-қадриятли компонент, мотивация.

Ключевые слова: квалитология, качественная компетентность, мотивационно-ценностная составляющая, мотивация.

Key words: qualityology, quality competence, motivational and value component, motivation

Халқаро ҳамжамият таълимнинг жамият тараққиёти ва инсон ривожланишидаги катта ўрнини эътиборга олиб, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қатор халқаро ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиққан. Таълим инсон ривожланишининг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади, жамиятнинг муҳим муаммоларини ҳал этишда ҳам у асосий ўрин эгаллайди. Таълим инсон ривожланишининг муҳим таркибий қисми сифатида қатор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва гуманитар муаммоларни бартараф этишга мислсиз таъсир кўрсатади. Бугун таълим иқтисодий ва илмий-техник тараққиётнинг ҳал қилувчи омили, жамиятнинг ижтимоий тузилмасини шакллантириш, унда ижтимоий мақомларни тақсимлаш механизми ҳисобланади. Буни айтиш пайтда хорижий давлатларда таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш орқали юксак билим ва кўникмаларга эга кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан ҳам аниқлаш мумкин.

Сўнгги йиллар давомида бошқарув тизимининг кадрлари, унинг тамойиллари, механизмлари ва директорнинг шахсига бўлган талабларнинг ўзгариши кузатишмоқда. Бошқарув моделининг замонавийлашуви асосан шахсий фазилатларга эга, юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қелтириб чиқарди.

Бошқарувда олдиндан кўра билиш, муваффақиятсизликларни олдини олишга қаратилган хусусиятлар замонавий директордан стратегик, мослашувчан фикрлашни ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда. Ташкилот директорининг касбий фазилатларига бўлган замонавий талаблар жамият ривожини билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай жараён директорнинг ижодий салоҳиятини кучайтиришга, ўз-ўзини кадрлашга, ривожланишга, мукамалликка, кўпроқ билим олишга асосланган бўлиб, унинг касбий фаолияти истикболи билан ўзаро боғланган. Бу эса, бошқарув жараёнини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан мактабгача таълим ташкилотини, шунингдек, таълим сифатини бошқариш ва мактабгача таълим ташкилоти (МТТ) директорининг квалитологик компетентлигини шакллантириш масалалари бўйича илмий тадқиқотларнинг долзарблигини белгилайди.

Мактабгача таълим ташкилоти директор ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга доир назарий манбалар мавжуд бўлсада, мактабгача таълим ташкилоти директор кадрларининг квалитологик компетентлигини шакллантириш бўйича етарли даражада илмий тадқиқотлар олиб борилмаганлиги мазкур соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини белгиламоқда.

Таълим сифатини баҳолаш бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг барча таълим тизими учун энг долзарб масалалардан биридир. Таълим сифати – бу катта ҳажмдаги тизим бўлиб, у мазкур тизимдаги барча таркибий қисмлар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирadi. Мазкур тизимда муваффақиятга эришиш учун уни ҳар томонлама бошқариш керак.

Таълим сифати - ижтимоий категория ҳисобланиб, жамиятда таълим жараёнининг ҳолати ва натижасини ҳамда шахснинг касбий, маънавий ва фуқаролик компетентлигини шаклланиши, ривожланишини жамият талаби ва эҳтиёжига мос келишини аниқлайди. Таълим сифати таълим муассасасининг ўқув-тарбиявий фаолиятини турли қирраларини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи орқали баҳоланади. Ушбу кўрсаткичларга таълим олувчилар компетентлигининг ривожланишини таъминловчи таълим мазмуни, ўқитиш шакли ва услублари, материал-техник база, ходимлар таркиби қабилар қиради.

Таълим сифатини ошириш ва такомиллаштириш шароитида МТТ маъмурияти учун таълим сифатини бошқариш уларнинг фаолиятларида устувор аҳамият касб этади. Директор таълимнинг ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий ва маданий шаро-


итларига тезда мослашиши, янги таълим технологияларини тезликда ўзлаштириш қобилиятига эга бўлиши керак.

Республикамизда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга оид тадқиқотлар Ф.Р.Қодинова, М.Ю.Аюпова, Ш.Шодмонова, Д.А.Абдурахимова, Н.Ш.Абдуллаева, Г.А.Бердалиева ва бошқалар томонидан олиб борилган, лекин МТТ директорининг квалитологик компетентлиги ошириш бўйича ҳали илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Мактабгача таълимни бошқариш, таълим сифатини таъминлаш масалалари рус олимлари А.И.Субетто, О.А.Сафонова кабиларни ишларида баён этилган.

Таълим сифатини таъминлаш зарурати Ўзбекистон Республикасидаги таълим сиёсатини белгиловчи энг муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган. Ушбу ҳужжатларнинг этакчи қондаларига мувофиқ, таълим тизими замонавий жамиятда фаол бўлган шахснинг шаклланиши ва ривожланишини таъминлайдиган сифатли таълимга эришишга йўналтирилган бўлиши керак.

Юқоридагиларни амалга ошириш учун рус олими А. И. Субетто тадқиқоти натижаларига кўра, замонавий директор квалитологик таълимга муҳтож, бу уларнинг фаолиятини касбий жиҳатдан янги моделини ривожлантиришга имкон беради.



МТТ директорининг квалитологик компетентлиги тўртта ўзаро боғланган компонентлардан ташкил топган яхлит тузилмадир.

Келинг, ушбу компонентларнинг ҳар бирини батафсил кўриб чиқайлик.

Мотивацион-кадрятли компонент: мотивлар - ўз касбини устаси бўлишга интилиш, доимий касбий ўсиш, ҳаёт сифатини яхшилаш, ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш, ижодкорлик, интеллектуал ва ҳиссий мослашувчанлик, ўзгарувчан шароитларга муваффақиятли мослашиш, мулоқотчандликни; кадрятлар – ўз касбига қизиқиш, касбий фао-

лиятда муваффақиятга эришиш истагининг мавжудлиги, касби доирасида қабул қилинган қарорлар ва уларни амалга оширишга бўлган ҳаракатлар аҳамиятини тушуниш, жамият ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Когнитив компонент педагог мутахассисга хос бўлган билим, кўникма, малакаларни бунинг натижасида маълум бир меҳнат вазифаларини бажариш, касбий вазифаларни тушуниш, уларнинг аҳамиятини баҳолаш, шахсий ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожланиш дастурини тузиш ҳамда амалга ошириш қобилиятини намоён этишни бирлаштиради.

Технологик компонент турли ахборот оқими юқори даврда касбий кўникма ва малакалар орқали улардан фойдалана олиш қобилиятларини, ахборотни таҳлил қилиш, замонавий алоқа усуллари ва воситаларига эга бўлишни ўз ичига олади.

Баҳоловчи - акс эттирувчи компонент фаолият натижаларини таҳлил қилишда тизимли ёндашувни таъминлаш, таълим, мулоқот ва ҳамкорлик жараёнини илмий-амалий диагностика ва коррекция қилиш қобилиятлари мавжудлигида намоён бўлади.

Бизнинг тадқиқотимиз доирасида замонавий МТТ директорининг квалитоло-

гик компетентлигининг таркибий қисми бўлиши мотивацион-кадриятли компонент бизда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Хўш, мотивация ва кадрият деганда нимани тушунамиз?

Мотивация атамасига “Педагогик атамалар лугати”да қуйидагича таъриф берилган: мотивация – инсон фаолиятини бошқаришда унинг ахлокий майлларидан фойданиш, деган маънони билдиради.

Бизнинг фикримизча, мотивация – ҳаракатга ундовчи туртки, куч бўлиб, инсоннинг ҳулқ-атворини бошқарувчи психофизиологик жараён. Мотивация шахснинг йўналишини, ташкилотини, фаолиятини ва барқарорлигини белгилайди ҳамда инсоннинг эҳтиёжларини фаол равишда қондириш қобилиятидир.

Бугунги кунда бу атамалар турли олимлар томонидан турлича талқин этилади. Мисол учун, рус олими В.К.Вилонаснинг фикрича мотивация - руҳан уйғониш ва фаолият учун масъул бўлган жараёнларнинг умумий тизимидир. Буюк файласуф Сукрот айтганидек “Қимда истак бўлса-йўлини қидиради, қимда истак бўлмаса-сабаб қидиради” ҳамда К.К. Платонов фикрича, мотивация - бу психик ҳодиса бўлиб, бир неча мотивлар йиғиндисидир.

Кадриятга Ўзбекистон миллий энциклопедиясида қуйидагича таъриф берилган: кадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлокий, маданий, маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча.

Бизнингча, кадрият – бу ҳар бир инсон учун ўз дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда, ўша инсон учун кадрли бўлган, у эъзозлайдиган муҳим туйғулардир.

Шундай қилиб, мотивацион-кадриятли муносабатлар - бу инсоннинг бирон нарса ёки жараёнга ният ва эътиқод тизимидан келиб чиққан ижобий ҳиссий муносабаतिдир. Биз бунга шахсни хохиш-иродасини ташкил этувчи ва йўналтирувчи, билиш ва амалий фаолиятини ташкил этувчи эҳтиёжлар, билимлар тизими, қизиқишлар, мотивлар, бирон нарсага бўлган ишончни киритишимиз мумкин.

Таълим сифатини бошқаришда МТТ директорининг мотивацион-кадриятли муносабатлар феноменини шакллантириш мураккаб мақсадга йўналтирувчи жараён бўлиб, ижтимоий кадриятларни шахсий кадриятлар тизимига айлантиришнинг жараёни сифатида кўриб чиқилади ҳамда ўқув жараёнининг ажралмас қисми бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотимиз давомида биз ушбу фаолиятни модель сифатида тасаввур этиб, асосий тамойиллар сифатида қуйидагиларни ажратиб тақдим этамиз:

1) мотивацион-кадриятли, когнитив, технологик ва баҳоловчи - акс эттирувчи компонентларнинг самарали бирлиги тамойили. МТТ директорининг мотивацион-кадриятли муносабатларининг барча компонентларини биргаликда ривожланиши таълим сифатини бошқаришда энг юқори натижаларни беради;

2) замонавий меҳнат бозори талабларига риоя қилиш билан бир қаторда директорининг шахсий ривожланишининг устуворлиги тамойили. Бугунги кунда ўз касби соҳасига доир билимларни эркин биладиган, доимий касбий ўсишга, ижтимоий ва касбий ҳаракатларга тайёр бўлган мутахассис талаб этилади;

3) фаолиятга йўналганлик тамойили, МТТ директорининг фаол позицияси ўз фаолиятини тушунишинининг аҳамиятини шакллантириш имконини ва касбий муваффақиятга эришиш учун доимий ривожланиш зарурлигини белгилаб беради.

Биз МТТ директорининг квалитологик компетентлиги яхлит шахсий таълимни ташкил этиши керак деб ҳисоблаймиз ва шу жумладан ўз ичига қуйидагиларни қамраб олишини айтиб ўтмоқчимиз:

- таълим жараёнининг сифатини бошқаришга мотивацион-кадриятли муносабатлар тизими орқали ёндашувга;
- меъёрий-ҳуқуқий, фалсафий-услубий, психологик-педагогик ва бошқарув билимлари тизимиغا;
- лойиҳавий-технологик, ташкилий-коммуникатив ва квалитетрик кўникмаларга (квалитетлогик кўникмалар йиғиндисига);
- касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларга, яъни тафаккурнинг аналитик ва прогностиклиги, янгилликка интилувчанлик ва бошқариш қобилиятига эга бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, МТТ директорининг квалитетлогик компетентлигининг юқори даражада шаклланиб ривожланганлиги, бунда мотивация ва кадриятларнинг ўрни нақадар муҳимлигини мақоламиз давомида келтириб ўтдик. МТТ директорининг таълим сифатини оширишда квалитетлогик компетентликни ташкил этувчи барча компонентларнинг бўлиши ўта муҳимдир, шу билан бирга да ўз касбини устаси бўлиш, ўз касбига астойдил қизиқиш, ўз касбининг паст-баландини чуқурроқ англаб етиш, доимий ўз устида ишлаб шахсий ривожланиш ва ўзини тарбиялаб бориш унинг фаолияти янада мукаммал ҳамда мустаҳкам бўлишига сабаб бўлади. Бундай директор доимо халқ эътиборида ва эъзозда бўлади.

Адабиётлар:

1. О.Д.Рахимов “Таълим сифати-ҳаёт сифати”, Қ., 2015
2. А.И.Субетто “Квалитетология образования”, М., 2000.
3. Педагогик атамалар луғати., “Фан”, Т., 2008.
4. В.К.Вилноас “Психологические механизмы мотивации человека”. М., 1990.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 2001.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача таълим ташкилоти директорининг квалитетлогик компетентлигининг муҳим компонентларидан бўлган мотивацион-кадриятли компонент элементлари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны элементы мотивационно-ценностного компонента, который является важной составляющей качественной компетентности директора дошкольной организации.

SUMMARY

The article describes the elements of the motivational-value component, which is an important component of the qualitative competence of the director of a preschool organization.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎРТА ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА АМАЛИЙ КўНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Камбарова Д.М.

Асака тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Таянч сўзлар: тиббий таълим, симуляция, сифат, функция, малака, касбий малака, амалий компетенция.

Ключевые слова: медицинское образование, моделирование, качество, функция, квалификация, профессиональная квалификация, практическая компетентность.

Key words: medical education, modeling, quality, function, qualifications, professional qualifications, practical competence.

Тиббиёт техникумлари бўлажак ўрта тиббий ходимларнинг шахсий ривожланиши, уларнинг мустақил фикрлаши, фаоллик, муносабатларининг

чуқурлашиб ҳамда бойиб бориши, характер ҳамда дунёқарашларининг турғунлиги, ўз-ўзини назорат қилиш ва тарбиялашга бўлган эҳтиёжларнинг шаклланиши каби ҳолатлар билан тавсифланади. Бўлажак тиббий ходимлар учун таълим олиш жараёни – бу инсонда меҳнат фаолиятини муваффақиятли амалга оширишда аҳамиятли саналган касбий билим, сифат, компетентлик ва мезонлар асосида ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини такомиллаштиришнинг энг мақбул давридир. Тиббий ходимлар ушбу жараёнда билимларни жамлаш, сақлаш, узатиш, уларнинг мантиқий тузилмасини яратиш ва истиқболда касбий фаолиятини ташкил этишда улардан самарали фойдаланиш каби ҳолатларни ўзида мужассам эттиради.

Ҳамширалик ишининг асосий бурчи - беморга тез тиббий ёрдам кўрсатишда мустақил бўлишдир. Бунда унга тиббий бригаданинг барча аъзолари-шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, лаборантлар ёрдам берадилар. Беморлар парвариши ҳамширалик иши жараёнининг диққат марказида туради. У беморнинг клиник, жисмоний ва руҳий эҳтиёжларига жавоб бериб, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Беморни даволаш давомида тиббиёт ҳамширасининг меҳнатсевар, саранжом-саришта, тартибли, меҳр-шафқатли ва пухта билимга эга бўлиши асосий ўрин тутати. Даволаш муассасаларида ҳамшира фаолиятининг самараси қабул қилинган қарорининг тўғри ёки нотўғрилигига, беморнинг тузалиш жараёнига қараб белгиланади. Ҳамшира қандай шароитда, ким бўлишидан қатъий назар доимо мустақил қарор қабул қила бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда ҳамширалар касбий фаолиятда ностандарт вазифаларни бажара олиши, яъни амалий, касбий компетенцияларга эга бўлиши лозим.

Ҳамшира касбий фаолиятининг муваффақияти уларни амалиётда амалга ошириш учун зарур бўлган умумий ва касбий компетенцияларни шакллантиришни талаб қилади. Ҳамширалик касби «инсон-инсон» фаолияти соҳасини назарда тутати, бу турли жараёнларда ҳамширалик фаолиятини амалга оширишда унинг амалий компетенцияларини шакллантириш даражасига юқори талабларни қўяди ва бўлажак ҳамшираларда амалий компетенцияни шакллантириш зарурати юзага келади. Шундай қилиб, биз «бўлажак ҳамширанинг амалий компетенциясини» соғлиқни сақлаш тизимида амалий ҳамширалик фаолиятини амалга оширишда зарур бўладиган касбий кўникма ва малакаларни, керакли манипуляцияларни амалга оширишга тайёрлиги ва қобилияти, шунингдек шахснинг ажралмас муҳим сифатлари мажмуаси деб биламиз.

Ўрта тиббий ходимларни касбий шаклланиши унинг вазиятларда ақлий, амалий ва мотивацион омиллар билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларнинг ифодаланиши билан ёрқин намоён бўлади. Шу билан бирга ушбу омиллар қўплаб умумий жиҳатларга ҳам эга. Бу соҳадаги махсус изланишлар натижалари кўрсатганидек, касбий фаолиятга таълим олувчиларнинг компетентлиги ҳам катта таъсир кўрсатади. Шунингдек, авваллари мутахассиснинг билим, кўникма ва малакаси даражасига қараб баҳо берилган бўлса, ҳозирда унинг компетентлик даражаси муҳим ўрин тутати.

Ҳамширанинг асосий фаолияти инсон-инсон тизимида амалга оширилганлиги боис биз қуйидаги меҳнат функцияларини санаб ўтишни жоиз деб билдик.

Ҳамширалик жараёнинг асосий меҳнат функциялари:

- Беморнинг парваришга бўлган эҳтиёжларини аниқлайди;
- бемор эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган парвариш режасини аниқлайди;
- тизимли ва шахсий ёндошишда бемор ва унинг оиласи парваришини режалаштириш ва таъминлашда фаол қатнашишини таъминлайди;
- касб фаолияти мезонларини (стандартларини) кенг қўллашга имконият яратади;

- беморнинг асосий муаммо ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган вақт ва воситалардан самарали фойдаланади;
- тиббий хизмат кўрсатишнинг хавфсизлиги таъминланади;
- беморнинг текшириш ҳолатини баҳолаш (эҳтиёж ва муаммоларини аниқлаш), ҳамширанинг ёрдам режасини тузиш, уни амалга ошириш ва ўзгаришларни киритган ҳолда натижаларни баҳолашни амалга оширади;
- текширув мақсади - беморнинг ёрдам сўраб мурожаат қилган вақтидаги соғлиги ҳақида, бир-бири билан боғланган ва асосланган ҳолда ахборот тўплашдан иборатдир. Текширув субъектив ва объектив бўлиши мумкин. Ахборот берувчи беморнинг ўзи бўлиб, у ўз соғлиги ҳақида сўзлаб бериши - субъектив ахборотдир. Ахборот берувчилар – беморнинг оила аъзолари, иш бўйича хизматдошлари, дўстлари, тасодикий йўловчилар бўлиши мумкин.
- Объектив ахборотга ҳамшира ўтказган текширувлар натижаси киритилиб, улар анамнез (ижтимоий аҳволи, бемор яшаётган ва ишлаётган муҳитдаги ўзаро муносабатлар), маданий, маънавий аҳволи, руҳий ҳолати (характери, шахсий хусусиятлари, ўзини баҳолаш, қарори қабул қилиш қобилияти) ва физикавий текширувлар натижаларини аниқлашдан иборат.

Тиббий таълимда касбий тайёрлаш жараёни бемор билан биргаликда ҳамширалик парваришига эҳтиёжни, даволаш режаси ва уни амалга оширишни, натижаларни баҳолаш учун лозим бўлган тартибли усулларни ўргатишга қаратилган бўлиши лозим. Бу жараён босқичлари узлуксиз тизим бўлиб, ҳар бирининг аниқ бажарилиши талаб қилинади.

Ҳамширанинг меҳнат функцияларини бажаришида унда амалий компетенциялар яхши ривожланган бўлиши лозим ва у ўзининг касбий, билим, тажрибаларни мураккаб ва ностандарт вазиятларда қўллаш олиш керак.

Ўқувчиларда кўникмалар шаклланишининг мураккаблиги, таълим усулини танлашдаги барча ҳолларда ҳисобга олиниши лозим бўлган кўпгина омилларнинг таъсири билан изоҳланади. Кўникмаларнинг шаклланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- 1) ўқувчиларнинг муваффақиятларга эришишдаги қизиқишлари;
- 2) уларда зарур билимларнинг мавжудлиги;
- 3) ишлаб чиқариш таълими устаси йўриғининг самарадорлиги;
- 4) машқлар жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш, ишлаб чиқариш таълими устаси баҳосининг ўз вақтида бўлиши ва объективлиги;
- 5) ўқувчиларнинг фаолиятдаги фаоллиги, улар фаоллигини оширувчи таълим методларини қўллаш;
- 6) машқлар миқдори;
- 7) кўникмаларнинг ривожланиш даражасига аниқлик, суръат ва бошқа жиҳатдан қўйиладиган талаблар;
- 8) кўникмаларнинг турли қўриниш ва хусусиятлари;
- 9) ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари.

“Ҳамширалик иши” йўналишларида тиббий таълимни ташкил этишда таълимни бевосита амалиёт билан боғлаш, амалий таълимни амалга ошириш, яъни амалий компетенцияликни ривожлантириш муҳим саналади.

Шуни таъкидлаш керакки, профессионал таълим ҳар доим амалий йўналтирилганлиги билан ажралиб турарди, бу ерда амалий машғулотлар машғулотлар учун ажратилган вақт бюджетининг 60-70 фоизини ташкил этиши лозим. «Ҳамширалик иши» ихтисослиги тиббий таълимнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг мазмуни малака талаблари асосида белгиланади.

Касбий фанлар ва таълим амалиётлари махсус жиҳозланган ўқув хоналарида ёки ўқув муассасаси базасидаги ўқув амалий марказларида амалга оширилади. Шунингдек ижтимоий шериклик дастурларини амалга ошириш доирасида тиббиёт ташкилотларида ташкил этиладиган ишлаб чиқариш амалиётлари ҳам низоҳатда муҳим саналади. Тиббий таълимда амалиётнинг самарали ташкил этилган шарт шароитлари келажакда ҳамширанинг амалий малакасини изчил шакллантирини таъминлашдир, бу жараёнда ўқувчилар ҳамширанинг касбий фаолияти турлари билан танишиш, танланган касбнинг ўзига хос хусусиятларини, моҳиятини ва ижтимоий аҳамиятини англашлари мумкин бўлади. Ўқувчилар ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари билан биргаликда тиббиёт турларида қатнашадилар, беморларни текширишда ёрдам беришади, операциядан кейинги даврда уларни кузатиш ва парвариш қилиш, тиббий ходимларга тиббий ҳужжатларни тўлдиришда, тиббий ёзувларни расмийлаштиришда ёрдам беришади, яъни ҳақиқий профессионал муҳит шаклланади.

Малакани психологик асоси деганда фаолият мақсади, шароит ва уни бажариш усуллари орасидаги ўзаро алоқадорлиги тушунилади. Бундан шу хулосакелибчиқадики, малакабилимларгатаянади. Билимсизмалакайўқ. Биз томонидан амалий компетенцияни шакллантиришда асосий рол ўйнайдиган кўникмалар таркиби аниқланди(1-расм).

- Ақлий кўникмалар – бу вазифаларни бажаришда мавжуд билим ва тажрибаларни ўйлаб турмасдан зудлик билан қўллаш олиш, вазиятни фаҳмлаш. Масалан, беморларда ҳаёт учун муҳим бўлган кўрсаткичларни ўлчаш ва функционал ҳолатини баҳолаш, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш.
- Сизги кўникмалари – бу ерда сезги органлари фаолияти асосий роль ўйнайди. Масалан, ташхислаш ва даволашда беморларга ҳамширалик ишини олиб бориш.
- Ҳаракат кўникмалари – асосан қўллар ҳаракати билан баъзан қўл, оёқ ва бутун тана ҳаракати билан боғлиқ кўникмалар. Масалан, беморни субъектив ва объектив текшириш, беморни лаборатор ва инструментал текширувларга психологик ва махсус тайёрлаш, дориларни парентерал юборишни, беморларга ўз – ўзини парвариш қилиш бўйича кўникмаларни ўргатиш, оғир ётган беморларни парвариш қилиш (овқатлантириш, ётоқ яраларни олдини олиш, окликларни алмаштириш), шошилиш ҳолатларда шифокорга бўлган тез тиббий ёрдам кўрсатиш.



1-расм. Амалий кўникмаларни шакллантиришдаги зарурий кўникмалар таркиби

Иродавий – интизом кўникмалари. Ирода ва характерни шакллантиришнинг хилма-хил усулларида таълим жараёнида фойдаланиш зарур бўлади. Булар ўқувчиларнинг онгли, мақсадга интилишга таъсир этиш учун ўтказиладиган тушунтириш ва суҳбатлар бўлиши мумкин. Шахсий намуна кўрсатишнинг ҳам аҳамияти катта.

Олиб борилган таҳлиллар ва ўрганилган муаммоларга асосланиб айтиш мумкинки амалий фаолият учун бўлажак ҳамшираларнинг касбий тайёргарлигининг етарли даражада эмаслиги ўқитувчиларни ўқитишнинг янада самарали усуллари-дан фойдаланишга йўналтиради. Симуляцион ўқитиш усуллари жорий этиш ўқув жараёнини ҳақиқий касбий муҳит билан яқинлаштиришга ва бўлажак ҳамширанинг амалий малакасини шакллантиришга ёрдам берадиган самарали усуллардандир.

Адабиётлар:

1. Глухих, С.И. Интегративно-деятельностный подход к подготовке медицинских сестёр в непрерывном профессиональном образовании/ С.И. Глухих// Автореф. дис.канд.пед.наук: 13.00.08. Москва 2012, 302с.

2. Жамолов А.К. Формирование профессиональной компетентности учащихся медицинского колледжа. Материалы 15-й международной конференции “Образование через всю жизнь. Непрерывное образование в интересах устойчивого развития”. 2-4 июня 2017 года, том I. Выпуск 15 часть 1.// –Казахстан, Астана, 2017. – С.116-120.

3. Jamolov A.K. Formation of the Professional Competence of Students of Medical College// ILT’2016 “Innovative learning technologies” International scientific conference April 27 –May 10// - Beijing, China, 2016. – P.37.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак ўрта тиббий ходимларни касбий фаолиятга тайёрлашда таълим жараёнини касбий билим, сифат, компетентлик мезонлар асосида такомиллаштириш, ўрта тиббий ходимларни меҳнат функцияларини аниқлаш орқали уларнинг амалий кўникмалари таркиби ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описывается структура практических навыков при подготовке будущих медицинских сестер к профессиональной деятельности путем совершенствования учебного процесса на основе профессиональных знаний, качества, критериев компетентности, определения должностных функций медицинских сестер.

SUMMARY

This article describes the structure of their practical skills in the preparation of future nurses for professional activities by improving the educational process on the basis of professional knowledge, quality, competence criteria, defining the job functions of nurses.

“ТАБИАТШУНОСЛИК” ДАРСЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИЯГА ОИД ИЛМИЙ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Намазова С.Ш.

БухДУ 1- босқич магистри

Таянч сўзлар: Ўрта Осиё мутафаккирлари, экология, ўқувчи, глобаллашув, экологик хавф, билим, кўникма, малака, дарс, илмий мерос, табиат ва атроф-муҳит.

Ключевые слова: Мыслители Центральной Азии, экология, студент, глобализация, экологический риск, знания, навыки, квалификация, уроки, научное наследие, природа и окружающая среда.

Key words: Thinkers of Central Asia, ecology, student, globalization, environmental risk, knowledge, skills, qualifications, lessons, scientific heritage, nature and environment.

Табиат инсоният учун нафақат истеъмол манбаи, балки унинг маънавиятини ўстириш, эстетик дунёкарашини тарбиялаш омили ҳамдир. Шу сабабли табиатнинг софлигини сақлаш, уни асраб авайлаш инсоният истиқболини кафолатлабгина қолмай, шу билан бирга келгуси авлоднинг маънавий камолотини таъминлашга ўз хиссасини қўшади.

Айтиш ўринлики, бошланғич синф ўқувчиларига дастлабки экологик билимларни бериш, уларда ёшликданоқ табиат ва атроф-муҳитга масъулиятли ёндашиш кўникма ва малакаларини тарбиялашда алоҳида ўрин тутишини ҳисобга олган ҳолда “Табиатшунослик” фани ўқув материалларини мазмунан Ўрта Осиё алломаларининг экологияга оид қарашлари билан бойитишга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Дарс жараёнида Ўрта Осиё алломаларининг экологияга оид қарашларидан фойдаланиш III-IV синф ўқувчиларида табиатшунослик билимларини ўрганишга қизиқишни юзага келтиради, шунингдек, миллий-маънавий қадриятлар моҳиятини чуқур англашлари учун имконият яратди.

Бу жараёнда таълим мазмунига ҳам миллий қадриятлар ғояларини сингдириш асосида ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифалар орасида ўқувчиларни глобаллашув даврининг энг муҳим муаммоларидан бири – экологик хавфни бартараф этишда қурашишга имкон берувчи билимлар билан қуроллантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқувчиларга экологик билимларни беришда Ўрта Осиё алломаларининг экологик ғояларидан фойдаланишда икки муҳим ҳолат юзага келади: 1) улар экологик ғояларни ифода этувчи миллий қадриятлар намуналари билан танишадилар; 2) уларда атроф-муҳит экологик ҳолатини яхшилашга масъулиятли бўлиш, табиатни асраб-авайлаш тўғрисидаги билим ва кўникмаларни ўзлаштирадилар.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, инсонларнинг табиатга кўрсатаётган салбий таъсирлари натижалари кенг жамоатчиликни ташвишга сола бошлади ва бу каби салбий ҳолатларга барҳам бериш, уларнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли ҳаракатни амалга оширишга қарор қилинди. Бу ҳаракатнинг дастлабки босқичида йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвон турлари аниқланди ҳамда уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Жаҳоннинг турли минтақаларида “Қизил китоб”ларнинг яратилиши ана шу чора-тадбирларнинг биридир. Бу каби китобларда номлари қайд этилган ноёб ўсимликлардан тегишли рухсатсиз фойдаланиш, ҳайвонларни овлаш қонун йўллари билан тақиқланди. Камайиб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонларни сақлаб қолиш ва қўпайтириш мақсадида қўриқхоналар, заповедниклар ташкил қилинди ва махсус “яшил ҳудуд”лар барпо этилди.

Бу каби ҳаракатлар табиатни асраб қолиш, экотизимнинг мавжудлигини сақлаб қолиш йўлидаги уринишларнинг бир қисми эканлигини, унинг катта қисми бутун инсоният эътиборини ушбу муаммога қаратиш, уларни биргаликда, ўзаро ҳамжиҳатлиликда табиатни муҳофаза қилишга ундаш эканлигини бошланғич синф ўқувчиларига тушунтириш кутилган натижаларни беради.

Ўқувчиларда экологик онг ва маданиятни шакллантиришда ҳуққ-атвор сифатларининг шаклланиши ва мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутувчи бошланғич синфлар муайян имкониятларга эга. Шу сабабли бошланғич синфларнинг табиатшунослик дарсларида ўқувчиларни Ўрта Осиё алломаларининг экологик қарашлари билан таништиришга эътиборнинг қаратилиши ижобий натижаларни беради. Бошланғич синф ўқувчилари онгида Ўрта Осиёлик буюк алломаларнинг экологик қарашларига асосланган билимларни ҳосил қилиш уларда атроф-муҳитга, табиатга масъулиятли муносабатда бўлиш кўникмаларини тарбиялайди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тарбияси умуммиллий аҳамият касб этувчи муаммо бўлиб, унинг ечими масалага илмий-педагогик нуқтаи назардан ёндашиш ҳамда самарали йўللарнинг белгиланишига боғлиқ. Шу сабабли умумий ўрта таълим мактабларида ҳам ўқувчиларга экологик билимларни тизимли, узлуксиз бериб борилишини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Тадқиқотни олиб боришда дастлаб эътибор танланган муаммонинг назарий жиҳатдан ишланганлик даражасини баҳолашга қаратилди. Ўрганиш натижаларининг кўрсатишчи, ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб жаҳон миқёсида атроф-муҳит ва табиат ҳолати, ижтимоий-маиший тараққиётнинг экотизимга кўрсатувчи салбий таъсири, уларнинг олдини олиш ва юзага келган экологик хавфни бартараф этиш масаласи ўта долзарб муаммолардан бири сифатида кун тартибига қўйила бошланди. Шу боис бугунги кунга қадар экологик барқарорликни таъминлаш, табиатни асраш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаб қолиш йўлида фалсафа, биология, тиббиёт йўналишларида ўнлаб тадқиқотлар олиб борилди ва уларда ижобий натижаларга эришилди.

Тадқиқот ишининг ўзига хос жиҳати умумий ўрта таълим мактаблари III-IV синф ўқувчиларига экологик билимларни беришда Ўрта Осиё алломаларининг экологик қарашларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлашдан иборатлигидир. Ўрта Осиё алломаларининг экологик қарашлари тадқиқот учун муҳим методологик асос эканлиги сабабли фалсафа, педагогика ва социология йўналишларида улар томонидан қолдирилган бой маънавий-маърифий мероснинг қай даражада ўрганилганлиги масаласи ҳам қизиқишимизни ўзига тортди.

Ўрта Осиё алломаларининг маънавий мероси нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон миқёсида ҳам тарихчилар, филологлар, психологлар ва педагоглар диққатини ўзига жалб этган.

Манбаларни ўрганиш экологик билимларнинг узок йиллик тарихга эгалигидан далолат бериб, асрлар давомида аجدодларнинг бу борадаги маънавий мероси авлодлар учун йўлланма бўлиб келганлигини кўрсатади. Ўрта Осиёлик алломаларнинг экологик қарашлари атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви кескинлашган бугунги шароитда ҳам муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Тадқиқот даврида уларнинг бой маънавий мероси билан бошланғич синф ўқувчиларини таништириш илмий изланиш йўналиши сифатида танланди.

Шарқ уйғониш даврининг етук алломаларидан бири Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий риёзиёт, география, тарих фанига оид асарлар ёзиш билан бирга, Ер меридиани ёйининг бир градус узунлигини ўлчаш ишларига раҳбарлик қилган. Аллома томонидан 20 дан ортиқ илмий асарлар яратилган бўлиб, уларнинг аксариётида атроф-муҳит экологик ҳолати ва инсонларнинг унга нисбатан муносабатлари ёритилган. Жумладан, алломанинг “Ҳинд ҳисоби”, “Ер сурати”, “Тарих китоби”, “Астрономик жадваллар”, “Қуёш соати тўғрисида”, “Устурлоб қуриш ҳақида китоб”, “Яҳудийларнинг эралари ва байрамлари ҳақида рисола” ва бошқа асарларида экологик ғоялар ўз ифодасини топган [11; 120].

Муҳаммад ал-Хоразмий томонидан 847 йилда яратилган “Китоб сурат ил-ард” (“Ернинг сурати”) асарида ер шарининг қуруқлик ва сувли ҳудудлари, қитъалар, океанлар, ўрмонлар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, шунингдек, кўпгина табиий захиралар, мамлакатлар ва у ердаги халқлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган [11; 120]. Асарда бир неча изоҳлар, хариталар мавжуд бўлиб, Орол денгизининг тасвири ҳам берилган. Асарда бундан ташқари 637 та муҳим жойлар, 209 та тоғнинг географик тафсилотлари ўз аксини топган. Олим томонидан дарё сувлари қуриб, ифлосланиб, инсон бошига турли фалокатлар ёғиши мумкинлиги таъкидланган.

Имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби бошланғич синф ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Асар тўла маънода инсонга хос ижобий сифатлар - ҳалоллик, поклик, ростўйлик сингари фазилатлар, инсонда уларни шакллантириш масалаларини ёритган бўлиб, унда

илгари сурилган ғоялар инсонни эзгуликка, савоб ишларни амалга оширишга, ўзидан яхши ном қолдиришга ундайди. Шунингдек, ахлоқий тарбия масалалари билан бирга инсоннинг кундалик фаолиятида етакчи ўрин тутувчи экологик ҳолатлар, яъни унинг истеъмолич сифатидаги табиат билан муносабати мазмуни, шартлари борасидаги қарашлар асар мазмунидан ўрин олган.

Алломанинг “Ал-адаб ал-муфрад” (“Адаб дурдоналари”) асарида инсон экологиясига оид масалалари ҳам батафсил таҳлил этилган. Жумладан, асарда “Фарзанд, бир тоғ иккинчи тоғга зулм қилса, бу зулм қилувчи тоғ албатта майда-майда қилиб юборилади. Яъни, зулм шундай ёмон ҳуққки, у асло кечирилмайди. Бу инсонлар ва ҳайвонлар учунгина эмас, ҳатто тоғ каби жамодот (жонсиз жисм)лар бир-бирига хужум қилса, албатта ўчини олиб берилади” [7; 528]; “Қайси бир мусулмон бирор дарахт ёхуд бирор экин экса-ю, унинг ҳосилидан инсон, қуш ёки ҳайвон еса, бунинг учун унга ажру савоб ато этилу” [7; 528], - дея таъкидланади.

Улуғ аллома Имом Исо ат-Термизий [3; 112] асарларида ҳам экологик тарбия масалалари ёритилган. Унинг “Суннан” (“Ҳадислар тўплами”), “Нуқсонлар китоби”, “Тарих китоби”, “Пайғамбарнинг ахлоқ-одоб, сайру сулуқлари ҳақида китоб”, “Исmlар ва лақаблар ҳақида китоб”, “Зоҳидлик ҳақида китоб” каби асарлари жуда машхурдир.

Имом Исо ат-Термизий ўз асарларида табиатни муҳофаза қилиш, тирик жонзотлар, ўсимлик ва дов-дарахтларни асраб-авайлаш, атроф-муҳитнинг табиий гўзаллигини сақлаш лозимлигини уқтиради. Бу каби қарашлар алломанинг “Суннан” китобида келтирилган қўйидаги ҳадислар мазмунида яққол акс этади. Яъни: “Ерда ҳалал бериб ётган бирор тош, тиканак ёки суякни бир чекага олиб қўйишинг ҳам - садақа”; “Челагингдaги сувдан бошқаларнинг идишларига солиб беришинг ҳам садақа ҳисобланади”; “Кимда-ким бир қўчат ўтқазса, ё бўлмаса экин экса-ю, унинг ҳосилидан одамлар, қушлар ва ҳайвонлар баҳра олса, бу ҳам ўша одам учун садақа саналади”; “Биродарингни юзига қулиб боқишинг сен учун садақаду”р”; “Одамларга хайрихоҳлигинг сенинг садақангдир”; “Кишиларни хайрли ва яхши ишлар қилишга даъват этишинг ва зулмдан қайтаришинг сенинг садақангдир” [3;112]. Англанганидек, мазкур ҳадисларда инсон экологиясининг шарқона жиҳатлари ифода этилган.

Машхур аллома Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғонийнинг “Фалақда бўладиган сабаблар ҳақида китоб”, “Астрономия илмининг усуллари ҳақида китоб”, “Устурлобни ясаш ҳақидаги китоб”, “Ал-Фарғоний жадваллари”, “Етти иқлим ҳисоби”, “Фалакиёт” ҳамда “Қуёш соатини ясаш ҳақида китоб” каби асарларида ёритилган экологик қарашлар асрлар давомида ўзининг муҳим илмий аҳамиятни йўқотмай келмокда [4; 67].

Алломанинг “Ой ернинг устида ва остида бўлганида вақтни аниқлаш рисоласи”, “Астрономия элементлари”, “Астрономия асослари ҳақида китоб” каби илмий асарларида эса табиат ҳодисалари чуқур илмий таҳлил қилинади. Шунингдек, китъалар, жойларнинг иқлими, саҳро, тоғ, дарё ва шаҳарларнинг жойлашувига оид муҳим далиллар келтирилган.

Аҳмад ал-Фарғоний ой ва қуёш тутилишини чуқур ўрганиш билан бирга 1022 та юлдуз ҳолатини ўлчашга муваффақ бўлган ҳамда Ернинг шарсимон, думалоқлигини илмий жиҳатдан исботлаган.

Алломанинг табиий билимлар ривожига қўшган хизматларидан яна бири денгиз ва саҳроларда, юлдузлар ҳаракатини ўлчашда фойдаланилувчи асбобларни яратган. Шунингдек, Абу Наср Форобийнинг қуёш соати ва нилометрни ихтиро этганлиги ҳам ўқувчилар учун кизиқарлидир.

Ўрта асрларда яшаган Абу Наср Форобий томонидан яратилган асарларнинг аксариятида ёритилган экологик ғоялар умуминсоний характерга эгадир. Манбаларда кўрсатилишича, аллома томонидан 160 та илмий асар яратилган бўлиб, уларни битта нортуя зўрға кўтара олган [4; 223].

Абу Наср Форобийнинг инсоният томонидан табиатга кўрсатилаётган таъсирнинг доминийлик касб этиши, табиий ва сунъий танланиш муаммосини атрофлича баҳолаш зарурлиги ҳақидаги фикрлари эътиборга моликдир.

Олимнинг нуқтаи назарига кўра, борлиқдаги мавжуд нарсалар абадий эмас, яъни, “Улар абадий (боқий) бўла олмайдилар, чунки улар ҳаво, сув, тупроқ ва оловга бўлинадилар, бирлари бошқасига айланадилар ва балки ҳар бир унсур бошқасида мавжуддир. Мисол тариқасида ҳайвонот дунёсини олади, у тўрт унсурдан биридир” [10; 120].

Аллома “Олий мақсадга эришиш фақат табиатни ўрганиш орқали қўлга киригилади, чунки табиатни тушуниш осондир” [10; 120] деган фикрни илгари суриш орқали экологик билимларни бойитади.

Абу Наср Форобийнинг кўплаб асарларида инсон экологияси муаммолари етакчи ўрин тутати. Жумладан, олимнинг “Инсон аъзолари ҳақида” номли асарида инсон аъзоларига хос бўлган турли касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини алоҳида-алоҳида ўрганиш, организмнинг саломатлигини тиклаш учун керакли озик-овқатларга эътибор бериш зарурлигига эътибор қаратилган. Бинобарин, инсоннинг руҳий ва jisмоний ҳолати ташқи омиллар, муҳит таъсирига боғлиқ, бу жараёнлар замонавий экология фанининг асосини ташкил этади. Англанганидек, инсон экологияси муаммолари ўз даврида буюк аллома эътиборини ўзига тортган.

Аллома асарларида илгари сурилган экологик қарашлар негизида инсониятнинг табиат, атроф-муҳит билан ўзаро мулоқоти унинг тарбияланганлик даражасига боғлиқдир, деган ғоя ётади. Ушбу ғояга таянган ҳолда айтиш мумкинки, табиат сирларини ўрганиб, атроф-муҳитга нисбатан онгли муносабатда бўлиш инсонийликнинг энг олий сифатидир.

Экологик билимлар ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган алломалардан яна бири Абу Райҳон Беруний ҳисобланади. Мутафаккир томонидан 152 та асар яратилган бўлиб, уларда табиий муҳитдаги диалектик ривожланишнинг илмий асослари ёритилган [11; 35].

Алломанинг асарларида инсонлар томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган экологик билимлар, жумладан, ўсимлик ва ҳайвонларнинг биологик хусусиятлари, уларнинг тарқалиши ҳамда табиатдаги аҳамиятига оид маълумотлар келтирилган.

“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ва “Ҳиндистон” асарлари Абу Райҳон Берунийнинг жаҳонга машҳур асарлари саналади. Уларда ёш авлод учун ўта муҳим бўлган ўсимлик ва ҳайвонларнинг тузилиши, уларнинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқаси ҳақида қизиқарли маълумотларни келтирган. Шунингдек, мутафаккирнинг асарларида турли тропик ўсимликлар ва ҳайвонлар тўғрисида маълумотларнинг келтирилиши наботот ва ҳайвонот оламининг ташқи муҳит билан алоқасини, йил фасллари алмашинувининг ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсирини ёритишга хизмат қилган. Чунончи, “Қушларнинг тоғлардан пастга, текисликларга тушиши, чумолларнинг ўз илгарида беркиниб олишлари ҳавонинг совишидан далолат беради”, - дейди олим [6; 205].

Узоқ йиллик илмий кузатишлари ва тажрибаларига таянган ҳолда Абу Райҳон Беруний табиатдаги ҳодисалар маълум табиий қонуниятлар асосида бошқарилади деган хулосага келади, уларга ташқаридан таъсир этувчи ҳар қандай куч уларни

ўзгартириш қобилятига эга эмас. Бундай ҳолатнинг рўй бериши эса экологик бузилишга олиб келади.

Алломанинг бу борадаги ёндашуви унинг қуйидаги қарашларида янада ривожлантирилган: “Ерда ҳайвон ва ўсимликларнинг яшаши учун зарур имкониятлар чекланган бўлса ҳам, улар чексиз кўпайишга интиладилар ва шу мақсадда курашадилар. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг насл қолдириши билан олам тўлиб-бойиб бораверади. Агар ўсимликлардан ёки жониворлардан бирор хилининг ўсишига шароит бўлмай, ўсишдан тўхтаса ҳам бошқаларида бу аҳвол содир бўлавермайди. Уларнинг ҳар бири вужудга келишда бирданига пайдо бўлиб, йўқолишида эса тўсатдан йўқолиб кетмайди. Балки тирик мавжудотнинг ўзи йўқолса ҳам, ўз ўхшашини қолдириб кетади. Ҳатто у битта эмас, балки бир нечасини қолдиради. Агар ер юзини бир хил дарахт ёки бир хил ҳайвон бутунлай қоплаб олса (бу ҳолда) ҳайвоннинг кўпайишига ҳам, дарахтларнинг ўсишига ҳам ўрин қолмайди” [11; 406]. Бу фикрларда диалектик ривожланиш қонуниларининг фалсафий баёни ўз ифодасини топган.

Аллома инсонни табиатнинг бир қисми деб ҳисоблаш билан бирга уларнинг турли ирққа мансубликларини қуйидагича изоҳлайди: “... (Одамлар) тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турлиликдандан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, (одам) яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир.

Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларни ифодалаш учун (зарур) бўлган эҳтиёж туғилишидир” [11; 205].

Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида табиатга оид фикрларни баён қилиш билан бирга инсоннинг атроф-муҳитга тўғри муносабатда бўлиши лозимлигини ҳам таъкидлаб, инсонларнинг табиатга муносабатда ўзига хос маданиятли ёндашишларини тарғиб қилади.

Табиатшунослик дарсларида ўқувчиларнинг эътиборларини қуйидагиларга қаратиш педагогик жиҳатдан тўғри бўлган бўлар эди: табиат ҳодисаларини тушунтирганда, табиатнинг ўзидан келиб чиқиш керак ва унинг ўзида бўлган қонуниятга, далил ва тажрибаларга асосланиш лозим, “Бирор нарсани ўрганишни мазкур нарса (фан)ни ташкил этиб турган элемент (унсур)ларни ўрганишдан бошлаш зарур”, “Нарса (фан)ни ўрганган пайтда фикрлаш зарур (сезги аъзоларидан қўлланма сифатида фойдаланиш керак)” [7; 96].

Абу Райҳон Берунийнинг табиатшуносликка оид билимларини ўзида мужассамлаштирган асарларидан яна бири “Ҳиндистон” асаридир. Асарда алломанинг 30 йиллик кузатишларининг самараси бўлган билимлар ёритилган бўлиб, унда ҳинд ҳаётининг турли томонлари, урф-одатлари, ақлий ва маънавий хусусиятлари, жон ва унинг моддага муносабати, диний қонун-қоидалар, пайғамбарлар ва шариятлар ҳақида батафсил маълумотлар беради. Ҳиндлар томонидан қўлланилувчи ҳисоб-ўлчов бирликлари, география, шаҳар, денгиз, чегаралар ҳақидаги маълумотлар ҳам асар мазмунинида ўз аксини топган. Унда, шунингдек, инсон экологияси моҳиятини ёритувчи муҳим жиҳатлари - муқаддас жойларни зиёрат қилиш, ҳаром ва ҳалол ҳисобланадиган овқат ва ичимликлар, никоҳ, мерос бўлиш қонун-қоидалари, даъволарни ҳал қилиш йўллари, улуғ айёмлар, яхши ва ёмон амаллар ва ҳоказо муаммолар ҳақидаги маълумотларга кенг ўрин ажратилган.

Ўқувчиларда экологик тушунчаларни шакллантиришда Абу Али ибн Сино асарларининг аҳамияти катта. Аллома томонидан яратилган асарларнинг сони 450 дан ортиқ бўлиб, уларнинг 80 дан ортиғи табиат ва инсоннинг унга бўлган муносабати масаласига бағишланган [9; 406].

Абу Али ибн Синонинг тоғларнинг пайдо бўлиши, ер юзасидаги табиий жараёнларнинг даврлар ўтиши билан ўзгаришига оид ғоялари табиатшунослик фанининг ривож учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Олимнинг фикрича, инсон табиатдан моддий ҳаёт манбаларини ўзлаштирибгина қолмай, балки руҳий ва жисмоний қувват ҳам олади [6; 116]. Шунингдек, у айрим касалликларни даволашда табиий манбалар, хусусан, кум, тупроқ, сув ва ўсимликлардан фойдаланиш зарурлигини уқтириб, қимматли тавсиялар беради.

Абу Али ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари” асарида бир қатор касалликларни даволаш йўллари кўрсатибгина қолмай, балки жисмоний тарбиянинг саломатликни муҳофаза қилишдаги аҳамиятини ҳам асослаб берган [9; 542].

Аллома ёшларда соғлиқни сақлашнинг энг муҳим омиллари сифатида қуйидагиларни эътироф этган: 1) бадан тарбия; 2) тўғри овқатланиш ва дам олиш; 3) етарли ва самарали бўлган уйқу [9; 418].

У бадан тарбияни кишининг ёшига, саломатлигига ва касаллигига қараб, турли усулларда ўтказиш кераклигини таъкидлайди. Айниқса, болалик, ўсмирлик, йигитлик ва қарилик даврида киши жисмоний машғулотларга турлича муносабатда бўлиш керак. Абу Али ибн Сино: “Жисмоний машқ кишини кетма-кет чуқур нафас олишига мажбур қиладиган ихтиёрий ҳаракат” [9; 418] эканлигини қайд этган ҳолда мунтазам равишда бадан тарбия билан шуғулланган кишига дард яқин йўламаслиги, табибга ҳам, дори-дармонга ҳам муҳтожлик сезмаслигини айтиб ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиё алломаларининг бой тарихий-маданий меросини ўрганиш уларнинг асарларида экологияга оид қарашларнинг ҳам ёритилганлигидан далолат берди. Уларнинг экологияга оид қарашлари моҳиятига кўра табиатнинг инсоният ҳаётидаги ўрни, ижтимоий муносабатларни ташкил этишдаги аҳамияти, инсоннинг табиатга, шунингдек, атроф-муҳитга муносабати, муҳим географик объектлар, уларнинг хусусиятлари, экотизим унсурларининг ўзаро узвий боғлиқлиги, табиат ҳодисалари, атроф-муҳитнинг улар яшаб ўтган даврлардаги ҳолати ва бошқа масалалардан таркиб топган бўлиб, асрлар давомида авлодлар учун муҳим йўриқнома сифатида хизмат қилиб келган.

Адабиётлар:

1. Авесто ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Т.: Фан, 2001. – 19 б.
2. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш. Қонун ва норматив ҳужжатлар /Тузувчи: У.Т.Аюбов, Т.С.Тиллаев. – Т.: Адолат, 2002. – 340 б.
3. Ат-Термизий, Абу Исо. Аш шамоил ан-набавийа. – Т.: Чўлпон, 1993. – 112 б.
4. Бўриев О. Ал-Фарғоний ва унинг илмий мерос. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 67 б.
5. Валиханов М.Н. Табиатшунослик асослари. – Т.: Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, 2004. – 243 б.
6. Зуннунов А., Хайруллаев М. Педагогика тарихи. – Т.: Шарқ, 2000. – 240 б.
7. Ирисов А. Абу Райҳон Беруний. 100 ҳикмат. Ибратли сўзлар. – Т.: Фан, 1993. – 24 б.
8. Раҳимкулова М.Б. Бошланғич сиф ўқувчиларини дарсдан ташқари жараёнида экологик кадриятлар руҳида тарбиялаш: Пед.фанл.номз. ... дисс. – Т.: 2000. – 140 б.
9. Сино, Абу Али ибн. Саломатлик сирлари /Тузувчилар: У.Каримов, Х.Хикматуллаев. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2000. – 207 б.
10. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шахри /Тузувчи: М.Маҳмудов, маъсул муҳар. М.Хайруллаев. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. – 223 б.
11. Хайруллаев М.М. Буюк сиймолар: Марказий Осиёдаги машҳур мутафаккир ва донишмандлар. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1996. – 120 б.

РЕЗЮМЕ

Мақсуд мақолада “Табиатшунослик” дарсларида Ўрта Осиё мутафаккирларининг экологияга оид илмий меросидан фойдаланиш имкониятлари илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек

мақолада ўқувчиларни глобаллашув даврининг энг муҳим муаммоларидан бири – экологик ҳавфни бар-
тараф этишда курашишга имкон берувчи билимлар билан қуроллантириш муҳим педагогик аҳамият касб
этиши масалаларига алоҳида урғу бериб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье дается теоретический обзор возможностей использования экологического научного насле-
дия мыслителей Центральной Азии на уроках «Естественная». В статье также подчеркивается важность
вооружения студентов одной из важнейших проблем эпохи глобализации – знаниями, которые позволяют им
справляться с экологическими угрозами.

SUMMARY

The article provides a theoretical overview of the possibilities of using the ecological scientific heritage of
Central Asian thinkers in the lessons of «Natural Science». The article also emphasizes the importance of equipping
students with one of the most important problems of the era of globalization – the knowledge that allows them to
cope with environmental threats.

ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИ: МОҲИЯТИ ВА ТУЗИЛМАСИ

Джумақулов Ш. Б.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: фуқаро, компетенция, компетентлик, фуқаро компетентлиги, фуқаролик ком-
петенцияси, тузилма, компонент, функция.

Ключевые слова: гражданин, компетентность, компетенция, гражданская компетентность,
гражданская компетенция, структура, компонент, функция.

Key words: citizen, competence, civic competence, structure, component, function.

Долзарблиги. Меҳнат бозори талабларининг ўзгариши, инсоният ҳаётининг барча
соҳаларининг ахборотлаштирилиши, олий таълим жараёнларига кредит-модуль тизи-
мининг жорий этилиши замонавий таълим-тарбия тизимини янги сифат даражасига
йўналтиришни тақозо этади. Бугунги кунда мамлакатимизда таълим-тарбия жараён-
ларини модернизациялаш ўз навбатида “компетенциявий ёндашув” тушунчаси билан
бевосита чамбарчас боғлиқдир.

Компетентли ёндашув жиддий меъёрий базага эга бўлган касб-хунар таълими
ривожланишининг устувор ва истикболли йўналиши ҳисобланади. Бунда компетен-
цияларни ўзлаштириш таълимнинг асосий мақсади ва натижасидир.

Тадқиқотнинг мақсади. Фуқаролик компетенциясининг мазмун-моҳиятини,
илмий ёндашган ҳолда, олимлар фикрлари асосида тадқиқ этишдан иборатдир.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Илмий-педагогик адабиётларда “компетен-
ция” ва “компетентлилик” атамалари турлича талқин этилади. Яқин вақтларгача улар-
нинг мазмуни бўйича иккита нуқтаи назар мавжуд эди, баъзи муаллифлар ушбу атамаларга бир-бирдан алоҳида тарзда қарашган бўлса, бошқалари уларни бир хил деб
ҳисоблашган. Ҳозирда тадқиқотчилар ушбу тушунчалар ўзига хосликка эга бўлиб,
уларни фарқлаш зарурлигини таъкидлашмоқда.

Биз “компетентлилик” ва “компетенция” тушунчаларини таърифлашда
Н.Муслимов[1], Б.Ходжаев[2], Ж.Оттебергенов[3], И.Галимина[4], И.Зимняя[5],
А.Хуторский[6], О.Ярыгин[7]ларнинг нуқтаи назарларига алоҳида эътибор қаратдик.

Н.Муслимовнинг фикрича инглизча “competence” тушунчасининг луғавий маъ-
носи “қобилият” демакдир, бироқ компетенция атамаси билим, кўникма, маҳорат
ва қобилиятни ифода этишга хизмат қилади; компетентлик талабаларнинг шахсий
сифатлари тўплами ҳамда касбий соҳанинг таянч талабаларини ўзида ифода этади [1,
130-б.].

Б.Ходжаев компетенция – маълум бир соҳада самарали продуктив фаолият учун зарур бўлган ўқувчининг аввалдан белгиланган таълимий тайёргарлигига қўйиладиган ижтимоий талаблар (меъёрлар)дан ҳам ўзиб кетиши; компетентлик эса, таянч, умумий ва фанга доир компетенцияларнинг ўзлаштирилиши, деган хулосага келган[2, 79-б.].

Когнитив компетентлик соҳасида илмий изланишларни амалга оширган Ж.Отепбергенов ўзининг илмий тадқиқотида кўпчилик муаллифларнинг фикрларига қўшилган ҳолда умумий, объектив ва маълум бир фаолият турини эгаллаш бўйича шахсий тажриба сифатида “компетенция” ва “компетентлик” категорияларини фарқлаш лозимлигини қайд этиб ўтган. Натижада, компетентлик деганда инсоннинг маълум бир соҳада самарали фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги ва қобилиятини ифода этувчи унинг интегратив шахсий динамик тавсифи тушунилади, деган нуқтаи назарни илгари сурган[3, 2-б.].

И.Г.Галимина компетенцияни турли соҳалардаги касбий муаммоларни ҳал қилишда билим ва қўникмаларни қўллай олиш қобилияти ва унга инсоннинг тайёрлиги, компетентлиликни эса – компетенциялар йиғиндисининг намоён бўлиши сифатида тушунади[4].

И.А.Зимняя компетенциялар деб баъзи ички, потенциал, яширин билимлар, тасаввурлар, ҳаракатлар алгоритмлари, қадриятлар тизимларини ҳисоблайди, улар эса кейинчалик инсоннинг компетентлигида ўзини намоён этади, деган фикрни қайд этиб ўтган. Компетентлик, унинг фикрига қўра, билимларга асосланган долзарб, шакллантирадиган шахсий сифат, инсоннинг интеллектуал ва шахсий белгиланган ижтимоий-касбий тавсифномаси, унинг шахсий сифатидир[5].

А.В.Хуторской компетенцияни ўқувчининг маълум бир соҳада самарали продуктив фаолияти учун зарур бўлган, уни таълимга тайёрлаш учун узокни қўзлайдиган, олдиндан белгиланган ижтимоий талаб (меъёр) сифатида тавсифлайди. Компетентлик деганда, маълум бир ижтимоий ва шахсий-аҳамиятли соҳада ўқувчининг фаолият тажрибаси билан белгиланган, унинг шахсий сифатлари йиғиндиси, тегишли компетенцияларни эгаллаш, ўзлаштириш натижаси тушунилишини алоҳида таъкидлаб ўтган[6].

О.Н.Ярыгин компетенцияни фаолиятнинг мақсадига эришиш мезонлари билан биргаликда ечилиши керак бўлган бир қатор муаммоларни ўз ичига олади, компетентликни эса бу мотивация, интеллектуал қобилиятлар, рефлексия, креативлик ва яширин билимларнинг динамик бирлиги деб ҳисоблайди[7].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, “компетенция” тушунчасини тавсифлашда кўпинча интилиш, қобилият, тайёрлик феъллари таянилади, компетентлик эса, интегратив шахсий сифат ёки сифатлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади.

Энг умумий маънода, компетенцияни ўз билим, малака, тажриба, шахсий сифатларини амалга оширишга интилиш, тайёрлик ва қобилиятлар йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин. Фаолиятда муваффақиятли амалга оширилган компетенциялар маълум бир соҳадаги компетентликни белгилаб беради.

Замонавий тадқиқотларда компетенция ва компетентлик бир-бири билан ўзаро боғлиқликда белгиланади ва компетентлик даражаси унинг компетенция талабларига мувофиқлигига боғлиқ, деган қараш мавжуд. Компетенция ижтимоий буюртма, иш берувчилар томонидан қўйиладиган талаблар асосида белгиланади, компетентлик эса ўқув жараёнида шаклланиб, касбий фаолият давомида амалга оширилади ва ривожланиб боради.

Замонавий таълимнинг асосий муаммоларидан бири бу асосий компетенцияларни танлаб олиш бўлиб, улар умумқасбий ва фанга доир гуруҳларга ажратилади. Замонавий тадқиқотларда асосий компетенцияларнинг психологик-педагогик асосларини ажратиб кўрсатиш, уларнинг мазмуни, хусусиятлари ва таркибий асосларини аниқлаш муаммоларига катта эътибор қаратилади.

Оқорида номлари қайд этиб ўтилган муаллифларнинг “таняч компетенциялар” тушунчасига берган таърифлари мазмунини таҳлил қилиб, умумий олганда уларнинг нуктаи-назарларидаги умумийликни таъкидлаб ўтган ҳолда қуйидаги хулосага келинди: таянч компетенциялар – бу умуммаданий, қасбий ва фанга доир компетенцияларни муваффақиятли ўзлаштириш, ҳаётий фаолият учун зарур бўлган, билим, малака, кўникма, шахсий сифатлар, дунёқараш ва дунёни идрок этиш тизимида ифодаланган маълум бир муҳим таркибий асослар мажмуидир. Бизнинг тадқиқотларимиз доирасида маънавий фазилат сифатида фуқаролик компетенциясини тадқиқ этиш муҳим ўрин тутди.

Фуқароликни асосий компетенция сифатида ажратиб кўрсатиш 1990-йилларнинг иккинчи ярмида бошланади. И.А.Зимняя томонидан “фуқаролик туйғуси билан боғлиқ компетенциялар” атамаси фанга киритилди[8]. Замонавий педагогика фанида “фуқаролик компетенциялари” тушунчаси ва ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган яна бир қатор атамалар учрайди: “фуқаро компетентлиги”, “фуқаролик ҳисси компетентлиги”, “фуқаролик компетенцияси”.

ОТМ талабаларининг фуқаролик компетентлигини шакллантириш муаммоси В.Г.Журова[9], А.Акрамов[10], юқори синф ўқувчиларининг фуқаролик компетентлигини шакллантиришнинг арйим масалалари Е.В.Митина[11], В.А.Гладик[12], М.Усмонбоева[13]лар томонидан ўрганилган.

Фуқаролик компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришнинг сиёсий жиҳати Ю.Е.Подлесная[14] томонидан таҳлил этилган.

Фуқаролик компетенциясини шакллантириш муаммосига И.А.Зимняя[8], З.С.Мазир[15], В.Ш.Масленникова[16], Л.В.Оринина[17] тадқиқотларида алоҳида эътибор қаратилган.

И.А.Зимняя кўра, фуқаролик компетенциялари деганда, фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш ва уларга риоя қилиш; эркинлик ва масъулият, ўзига ишонч, ўз кадр-қиммати, фуқаролик бурчи; давлат рамзлари (герб, байроқ, мадҳия) ҳақида билимга эга бўлиш ва улардан ғурурланиш назарда тутилади. Унинг фикрича, фуқаро компетентлигига, инсонни жамият аъзоси, давлатга тегишлилик сифатида унинг социал, ижтимоий моҳиятининг асоси сифатида қараш керак[8].

З.С.Мазир фуқаролик компетенциясини ҳуқуқ, сиёсат, жамият, давлат тўғрисидаги билимларни қўллашга, муайян ижтимоий вазиятларда фуқаролик ролларини бажаришга имкон берадиган сиёсий-ҳуқуқий кўникма ва малакаларни эгаллашга (сайловчи, қонунларни ҳурмат қилувчи фуқаро, жамоатчилик ишларида фаол, волонтер) тайёрлик, деб таърифлайди[15].

В.Ш.Масленникованинг фикрига кўра, фуқаролик компетенцияси – бу демократик жамиятда фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бутун мажмуини шахсан фаол, масъулиятли ва самарали амалга ошириш, ўз билим ҳамда кўникмаларини амалда қўллашга имкон берадиган тайёрлик ва қобилиятлар йиғиндисидир[16].

Л.В.Орининанинг фикрича, фуқаролик компетенцияси деганда шахснинг интегратив сифати тушунилиб, у когнитив, қадриятли, ҳуқ-атворли ва рефлексив компонентларни ўз ичига олади ва Ватанини севиш, ўз Ватани манфаатларини ҳимоя қилиш, она-табиатни асраш-авайлаш, ўз халқининг маданий урф-одатлари, анъаналарини

сақлаб қолиш ва авлоддан авлодга етказиш қобилияти ва бошқа халқларга нисбатан бағрикенглик муносабатини ривожлантиришда намоён бўлади [17].

Юқоридаги таҳлилларга таянган ҳолда, фуқаро компетентлиги ва фуқаролик компетенцияси тушунчаларига қуйидаги тарзда аниқлик киритиш мумкин:

- фуқаро компетентлиги – бу субъектнинг фуқаролик компетенциялари йиғиндисини эгаллашдан иборат бўлиб, у ўзини жамиятнинг (давлатнинг) тўлақонли аъзоси сифатида англаши, унинг манфаатларига содиқ бўлиши, ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар йиғиндисини эгаллаши, фуқаро сифатида ҳаракат қилишида намоён бўлади;

- фуқаролик компетенцияси – бу ўз билим, малака, тажрибаси, шахсий сифатларини фаолиятда амалга оширишга интилиш, бунинг учун тайёрлик ва қобилияти йиғиндисидир.

Бизгача амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари фуқаро компетентлиги ва фуқаролик компетенцияси мазмунини ҳамда фуқаролик туйғуси тушунчаси ўртасида ўхшашлик мавжудлигини кўрсатди.

“Фуқаролик туйғуси” атамаси жамият ва давлат ривожининг ички ресурслари, давлатчилик назарияси ва методологиясида асосий ўринни эгаллайди. Фуқаролик туйғуси давлатга нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаш сифатида намоён бўлади: “Ватанни ҳимоя қилиш – бу фуқаронинг бурчи ва мажбурияти” саналиб, у “ватанпарварлик” ва “фуқаролик туйғуси” тушунчалари ўртасидаги ўзаро мустаҳкам алоқадорлик мавжудлигини кўрсатади.

Фуқаролик тарбияси – бу маълум бир ахлоқий кадриятларга эғалликка қобилиятликни белгилаб берувчи турли-туман сифатлар йиғиндисидир. Шунинг учун биз “фуқаролик компетенцияси” тушунчаси “фуқаролик туйғуси” атамасидан кенгрок моҳиятга эга деган, хулосага келдик. Натижада, фуқаролик компетенциясининг тўртта асосий компонентини аниқлаштирдик. Булар: когнитив, кадриятга йўналтирилган, ҳуқ-атворга доир ва рефлексив.

Фуқаролик компетенциясининг когнитив компоненти билиш жараёни натижасини акс эттирувчи асосий билим, тушунча, тасаввурлар билан боғлиқдир. Мазкур билимлар ўз навбатида, кадриятлар ва маданиятнинг умумийлиги ҳамда фарқли жиҳатлари (умуммаданий компетенция), шунингдек, миллий маданият ва бошқа этнослар маданияти (билиш жараёни талабаларнинг фуқаролик толерантлиги билан боғлиқ) анъаналаридаги уйғунлашув жараёнларида намоён бўлади. Кадриятга йўналтирилган компонентнинг моҳияти фуқаролик компетенцияси муҳим кадрият эканлигида намоён бўлади. Ҳуқ-атворга доир компонент талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш бўйича маълум бир ҳагги-ҳаракатлар стратегия ва тактикасини ишлаб чиқишда намоён бўлади. Рефлексив компонентнинг ўзига хослиги унинг мазмунинида рефлексив қўникмалар (ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини англаш, ўз ўрнини белгилай олиш, ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш) ва ижодий йўналганликнинг уйғунлигини ифода этишидир.

Фуқаролик компетенцияси тузилмасида унинг асосий жиҳатлари ва функциялари ҳам муҳим ўрин тутати. Фуқаролик компетенциясининг асосий жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- лингвистик – она ва бошқа тилларда фуқаролик кадриятларини ифода этиш усуллари ҳақидаги билимлар;
- экзистенциал – ватанпарварлик туйғуси, фуқаролик бурчига эга инсонлар қандай бўлиши лозимлиги ҳақидаги асрлар давомида шаклланган билимлар;
- стратегик – турли миллий мансубликка эга шахслар ўртасидаги ҳамкорликдаги

фаолият; бошқа маданиятга доир қадриятлар нуктаи назаридан у ёки бу вазиятнинг иккинчи томонини ҳам кўра олишга қобилиятлилик;

- ижтимоий-маданий – универсал маданий қадриятлар, миллий ва умуминсоний маданиятга доир билимларга эгалик; фуқаролик-ватанпарварлик ва умуммаданий қадриятлар ўртасидаги алоқадорликни ўрната олиш кўникмаси;
- ижтимоий – фуқаро шахсида ўзининг умуммиллий ва ижтимоий мансублигини англаган ҳолда ўзи ва тенгдошлари ўртасида медиатор бўлиш кўникмасига эгалик.

Фуқаролик компетенциясининг моҳияти олий таълимда талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш шароитида унинг роли, муносабатлар тизимидаги ташқи намоён бўлиши билан боғлиқ функцияларини ажратиб кўрсатиш имконини беради. Фуқаролик компетенциясининг функциялари сифатида қуйидагилар аниқлаштирилди:

- рефлексив-билишга доир: бошқа кишиларнинг эмоционал ҳолати, ўзаро муносабатлари, шахсий хусусиятларининг англанишини таъминлашда фуқаролик компетенциясини шакллантириш жараёнида ўзаро биргаликдаги ҳаракатни амалга оширишга доир билимлар тизимини шакллантириш;
- мослашув: стрессга мойилликни бартараф этиш, янги маданий шароит ва фуқаролик ҳулқ-атворида кўниқувчанлик;
- фаолиятга доир: ватанпарварлик, фуқаролик толерантлиги ва маданиятни ривожлантириш жараёнида самарали мулоқот учун аниқ ҳулқ-атвор шаклланини танлашни таъминлайди;
- қадриятга йўналтирилган: фуқаролик жамиятида ўз-ўзини ва кишиларни англашга имкон берувчи ижтимоийлашувнинг эркин усулига устуворлик берувчи қадрият сифатида фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган;
- Рағбатлантириш: бошқалар билан шахс идентификацияга имкон беради, фуқаролик толерантлиги, эмпатия, кўп маданиятлилики намоён қилишга ундайди;
- ривожлантирувчи: “бошқалар”ни идрок этишга тайёр, мулоқотга самарали киришишга лаёқатли фуқаро шахсини шакллантиришга йўналтирилган;
- интегратив: бошқа маданий меъёр ва қадриятларни қабул қилиш, шунингдек, миллий маданий анъаналарни бошқа этносларники билан уйғунлаштиришга имкон беради;
- бошқариш: фуқаролик компетенциясини ривожлантиришда иштирокчиларнинг ўзаро бир-бирини тўғри тушунишга доир рефлексив хатти-ҳаракатга доир кўникмаларни таркиб топтириш, ўзининг фуқаролик позициясини аниқ англашга йўналтирилган;
- прогностик: жамоавий биргаликдаги фаолият жараёнида ўз ҳулқ-атвори оқибатларини кўра олиш, фуқаролик компетенциясини ривожлантириш бўйича ҳис-туйғуларни уйғотишга имкон беради;
- баҳоловчи: бошқа кишиларнинг ҳаёти, уларда фуқаролик компетенциясининг ривожланганлиги ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиришга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик компетенцияси ўзида когнитив, қадриятли, ҳулқ-атворга доир, рефлексив компонентларни акс эттирувчи ҳамда Ватанни севиш, ўз халқининг қизиқишларини ҳимоя қилиш, она табиатни муҳофаза қилиш, ўз халқининг тили ва маданий анъаналарини сақлаш, авлоддан-авлодга етказиш, шунингдек, турли этносларнинг маданиятини ҳурмат қилиш ва эъзозлаш, бошқа халқларга толерант муносабатда бўлиш қобилиятини намоён этувчи шахс интегратив сифатидир.

Адабиётлар:

1. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед.фан.докт. ... дисс. – Тошкент: 2007. – 357 б.
2. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. –Тошкент, 2016. – 314 б.
3. Отепбергенов Ж.С. Ахборот таълим муҳити шароитида талабаларда когнитив компетентлигини ривожлантириш: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. – Нукус, 2020. – 167 б.
4. Галямина И.Г. Проектирование государственных образовательных стандартов высшего профессионального образования нового поколения с использованием компетентностного подхода: материалы к шестому заседанию методологического семинара 29 марта 2005 г. М, 2005.
5. Зимняя И.А. Общая культура и социально-профессиональная компетентность человека // Профессиональное образование. – 2006. - №2. – С. 18.
6. Хурской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированного образования // Народное образование. – 2003. – №2. – С. 58-64. - С. 62.
7. Ярыгин О.Н. Методология формирования компетентности в аналитической деятельности при подготовке научных и научно-педагогических кадров: Диссертация ... доктора педагогических наук. – Тольятти, 2012. – 494 с.
8. Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата современного образования. // Компетенции в образовании: опыт проектирования: сб. науч. тр. / Под ред. А.В. Хурского. М.: ИНЭК, 2007.
9. Журова В.Г. Становление гражданской компетентности студенческой молодежи в вузе: автореферат диссертации ... кандидата педагогических наук. – М., 2010. – 37 с.
10. Акрамов А. Шахса йўналтирилган таълим технологиялари асосида бўлажак ўқитувчиларнинг фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг таъкилий-методик асосларини такомиллаштириш. – Тошкент: Фан ва технология, 2016. –185 б.
11. Митина Е.В. Становление гражданской компетентности старшеклассников в учебном процессе: на материале гуманитарных дисциплин: диссертация ... кандидата педагогических наук. – Тула, 2011. – 277 с.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада “фуқаро компетентлиги”, “фуқаро компетенцияси”, “фуқаролик туйғуси” тушунчаларининг мазмун-моҳияти очиб берилган. Шунингдек, талабаларда фуқаролик компетенциясини шакллантиришга оид хулосалар берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрывается содержание и сущность понятий «гражданская компетентность», «гражданская компетенция», «гражданское чувство». Также представлены выводы о формировании гражданской компетентности у студентов.

SUMMARY

This article reveals the content and essence of the concepts of “civic competence”, “civic feeling.” It also presents conclusions about the formation of civic competence in students.

KIMYO DARSLARIDA DIDAKTIK O'YINLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Kultayev K.K.

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti, katta o'qituvchi










Tayanch soʻzlar: kimyoviy piramida, kimyoviy chaynvord, uchinchisini va toʻrtinchisini topish kerak, raqamlar bilan oʻyin, kimyoviy reburs, kimyoviy krossvord, kim chaqqon, silvinit, kalsid, angidrid, gips, apatit.

Ключевые слова: химическая пирамида, химический чайнворд, определение третьего и четвертого, игра с числами, химический ребус, химический кроссворд, кто ловчее и быстрее, сильвинит, кальцид, ангидрид, гипс, апатит.




Key words: chemical pyramid, chemical chainvord, definition of the third and fourth, game with numbers, chemical rebus, chemical crossword, who is leather and faster, sylvinite, calcium, anhydride, gypsum, apatite.

Hozirgi kunda «Ta'lim to'g'risida» gi qonun, Kadrlar tayyorlash milliy dasturining o'quv jarayoniga amaliy tatbiq etilishining eng so'nggi bosqichi, sifat va samaradorlikka erishish davri kechmoqda. Bu davrda an'anaviy darslar o'rniga no'an'anaviy muqobil ta'limni, ya'ni innovatsion, yangi texnologiyalarni, interfaol ta'limni joriy etishni hayotning o'zi talab etmoqda. Ta'lim jarayonini tashkil etishda o'quvchi shaxsiy qobiliyati, moyilligi, uning o'z kuchi imkoniyatlariga ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishini asos qilib olish maqsadga mos keladi. Moddiy va ma'naviy olam to'g'risidagi bilimlarni yoshlarga o'rgatish, ta'limni tashkil etish, boshqarish va nazorat etish muammolarni didaktika tadbiriq etadigan asosiy masalalardir. Didaktika – grekcha “didaktikas” so'zidan olingan bo'lib, “o'qitish” ma'nosini anglatadi. Didaktik o'yin – bu mos keladigan ta'lim berish usulidir. Didaktik o'yinlarning asosiy turlari: intellektual (aqliy) va harakatli hamda aralash o'yinlardan iborat. Bular o'quvchilarda aqliy, jismoniy, axloqiy, ma'naviy, ma'ri-fiy, psixologik, estetik, badiiy, tadbirkorlik, bunyodkorlik, mehnat, kasbiy ko'nikmalarini rivojlantirishga yordam beradi. [1,2,3]. Ushbu maqolada kimyo fanini o'qitishda foydalanishi mumkin bo'lgan didaktik o'yinlardan misollar keltirildi.

Uchinchisini va to'rtinchisini topish kerak. O'quvchilarga tutash doirachalar uchligi va to'rtligi tarqatiladi. Ularning ikkitasi ichida formulalar yozilgan. Uchinchisi va to'rtinchisining ichida esa so'roq belgisi qo'yiladi. O'quvchilar mantiqan fikrlash orqali reaksiyaga kirishi yoki reaksiya natijasida ajralib chiqishi lozim bo'lgan moddaning formulasini uchinchi va to'rtinchi doiracha ichiga yozish bilan javob beradi. Masalan:







Javoblar.



Kimyoviy piramida. Bu o'yin o'quvchilarning olingan bilimlari asosida mushohada yuritishiga asoslangan. Berilgan topshiriq moddalarning tarkibi, tuzilishi, xossalari, xarakteristikasi, olinish usullari, tabiatda tarqalishi, ishlatilishi kabi bilimlarni umumlashtirish asosida javob topishni talab etadi. Quyidagi piramidada moddalarning suvda eruvchanligini topish orqali piramida uchi egallanadi. Mavjud bilimlar asosida piramianing pastki qismidan uning uchigacha “zinama –zina” tutash (qo'shni) kataklar orqali “yurib” ko'tarilish lozim. Masalan “II-asosiy guruh elementlarining birikmalarining suvda eruvchanligi bilan bog'liq piramida. Ushbu piramida asosidagi qatorning eruvchan moddalari (kaltsiygidrofosfat, bariyxlrid) orqali ikkinchi qatorga “chiqiladi”. U yerda suvda eriydigan magniygidrokarbonat orqali uchinni qatorga (zinaga) “chiqiladi”. Xuddi shu tartibda 4-va 5- qatorga (zinalarga) “chiqaladi”, ya'ni piramida zabt etiladi:

CaCl_2



Kimyoviy chaynvord. Bu didaktik o'yin yordamida yashiringan so'zni topish lozim bo'ladi (masalan, mashhur kimyogar olimning familiyasi, kimyoviy atamalar yoki nomlari kodlangan xarflar tizimi orqali topiladi) Quyidagi chaynvordda magniyning muhim birikmasining nomini topish talab etiladi.

Formularlar	Oksid	Kislota	Asos	Tuz
Na_2CO_3	p	s	yu	s
HCl	sh	i	f	j
Li_2O	l	o	k	u
KOH	p	d	v	u
CsOH	e	ya	i	x
NaNO_3	l	v	d	n
K_2O	i	ts	u	u
H_3PO_4	s	t	b	ch









Javob: silvinit

Navbatdagi chaynvordda kaltsiyning eng muhim tuzlaridan birini topish kerak bo'ladi.

Formula	Oksid	Kislota	Tuz	Asos
BaO	a	z	u	sh
H_3AlO_3	s	n	u	l
MgCO_3	r	z	g	y
Ca(OH)_2	o	j	ts	i
CaO	d	ch	ya	6
HNO_3	m	r	p	d
$\text{Ca(HCO}_3)_2$	v	L	i	x
Ba(OH)_2	ts	g	d	t

Javob: angidrit.

Kimyoviy reburs. Bu o'yinda o'zaro ta'sirlashuvchi yoki reaksiya davomida hosil bo'ladigan moddalarni aniqlash va ularning formulalarini so'roq belgisi o'rniga yozib chiqiladi [4,5]. Masalan, quyidagi kimyoviy rebursda so'roq belgilarning tartib raqamiga mos keladigan moddalarni aniqlash va tegishli o'rinlarga ularning formulalarini yozish lozim bo'ladi. Topshiriq: So'roq belgisi (?) o'rniga tegishli moddalarni yozing.



Javob :

a) moddalar : 1. $\text{Ca(NO}_2)_2$ 2. O_2 3. CO_2 4. H_2O 5. Na_2CO_3 6. NaNO_2 7. Ba(OH)_2 8. LiNO_2 9.

Ca(OH)_2 10. H_2O_2 11. Na_2SO_4 12. MgCO_3


“Kimyoviy krassvord”: Bu didaktik o'yinda kimyoviy formulalar orqali ularning texnik nomini aniqlash talab etiladi. Masalan: 1- “Kimyoviy krassvord” 1) CaCO_3 ; 2) $\text{CaO} \cdot 3\text{MgO} \cdot 4\text{SiO}_2$; 3) Na_2SiO_4 ; 4) $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$;

5) $\text{CaSO}_4 \cdot \text{MgCO}_3$; 6) $\text{CaSO}_4 \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$ qanday nomlanadi ?

2- “Kimyoviy krassvord”. 1) MgCO_3 ; 2) $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$; 3) $\text{CaSO}_4 \cdot n\text{H}_2\text{O}$; 4) Mg_2SiO_4 ; 5) $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_3\text{F}$;


6) $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ qanday nomlanadi ?

1-“Кимёвий крассворд”



Жавоблар: 1. Kaltsit 2. Asbest 3. Silikat 4. Gips 5. Dolomit 6. Kuydirilgan gips

2-“Кимёвий крассворд”



Жавоблар : 1. Magnezit 2. Taxir tuz 3. Gips 4. Silvin 5. Ftor apatit 6. Kaltsiy apatit
Xulosa. Harbir didaktik o'yin kimyoviy bilimlar, ma'lumotlar, qonunlar va qonuniyatlarga tayanilgan holda tuziladi va uni yechish uchun o'quvchidan katta bilim talab etadi. Natijasida o'quvchi bilim olishga intiladi. Didaktik o'yinlar o'quvchilardagi nazariy bilimlarni amaliyotga tatbiq etish uchun imkon beradi. O'quvchilarning mustaqil fikrlashi natijasida maqolada keltirilgan didaktik o'yinlar yechiladi, bu esa sinfda o'quvchilarning sifat ko'rsatkichini oshiradi. O'quvchilarda aqliy, kasbiy, estetik, mehnatsevarlik, jamoada birgalikda ishlash, ma'rifiy va ma'naviy ko'nikmalar rivojlanadi.

Adabiyotlar:

1. E.A. Iskandarov, O.J. Suyunov “ Pedagogik texnologiyalar va ulardan ijtimoiy - iqtisodiy fanlarni o'qitishda foydalanish. O'quv uslubiy qo'llanma, Samarqand, 2012 yil, 153 - 155 bet.
2. Maktaf kimyo ta'limi mazmunini fanlararo takomillashtirish texnologiyalari, Ilmiy uslubiy maqolalar to'plami. Toshkent, 2015 yil, 4 -11 bet
3. H.T. Omonov, N.X. Xo'jaev, S.A. Madyarova, E.U. Eshchanov “ Pedagogik texnologiyalar va pedagogik moharot “, Toshkent, 2012 yil, 90- 96 bet.
4. S.S. Isamiddinov, F.O. Najmiddinov. Didaktik o'yinlar tahlili, Yosh olimlar, 2016 yil, № 3.1., 7 - 8 bet.
5. X.T'jtaev, R. Arislonbekov, K.Ch'o'ponov. Anorganik kimyo, Toshkent, 2011 yil, 287-295 bet.

РЕЗЮМЕ

O'quvchilarning anorganik kimyo fanida nolan bilimlarni mustahkamlash va bilimini oshirish, takrorlash va yangi ma'lumotlarni o'rgatish maqsadi harbir darsda didaktik o'yinlardan foydalaniladi. Shu maqsadda ushbu maqolada didaktik o'yinli texnologiyalar xillari va ularga misollar keltirildi. Buning uchun 10 –sinfda Anorganik kimyo fanidan o'tiladigan “I va II – asosiy guruh elementlari” mavzusi tanlandi. Harbir didaktik o'yin kimyoviy bilimlar, ma'lumotlar, qonunlar va qonu-niyatlarga tayangan holda tuzilgan bo'lib, uni yechish uchun o'quvchidan katta bilim talab etiladi. Natijasida o'quvchi bilim olishga intiladi.

РЕЗЮМЕ

В каждом занятии используются дидактические игры, с целью расширения, углубления, повторения знаний по неорганической химии. Поэтому в данной статье приведены различные типы дидактической игры с технологиями на примере темы “ Основные элементы I и II-группы периодической таблицы ” по

неорганической химии в 10 классе. Каждая дидактическая игра основана на химических знаниях, информации, законах и требует углублённых знаний от ученика. В результате ученик стремится приобрести знания.

SUMMARY

Each lesson uses didactic games, with the aim of expansion, deepening, repetition of knowledge on inorganic chemistry. Therefore, this article presents various types of didactic games with technologies on the example of the topic «The main elements I and II-group of the periodic table» on inorganic chemistry in grade 10. Each didactic game is based on chemical knowledge, information, laws and requires indepth knowledge of the student. As a result, the student seeks to acquire knowledge.

TA'LIM – TARBIYA TIZIMIDA SHAXSGA YO'NALTIRILGAN TA'LIM PARADIGMASINING ROLI

Raximov A.K.

Toshkent viloyati CHDPI, Tabiiy fanlar fakulteti dekani, p.f.d., prof.

Rasulova O. O.

Toshkent viloyati CHDPI, biologiya kafedrası o'qituvchisi

Matyاقubov A. Q.

Toshkent viloyati CHDPI, kimyo kafedrası o'qituvchisi

Tayanch so'zlar: pedagogika, ta'lim, tarbiya, interfaol, hamkorlikda o'qitish, shaxsning ijtimoiy, individual xususiyatlari.

Ключевые слова: педагогика, образование, воспитание, интерактивный, совместное обучение, индивидуальные, общественные свойства личности.

Key words: pedagogy, education, upbringing, interactive, collaborative teaching, social, individual characteristics of the person.

Keyingi yillarda mamlakatimizni har tomonlama taraqqiy ettirish, yangi O'zbekistonni yaratish maqsadida barcha sohalar qatori ta'lim tizimida ham tub islohotlar olib borilmoqda.

Bugungi tez o'zgarib borayotgan iqtisodiy, ijtimoiy va ma'naviy hayot o'quvchi – talaba yoshlar dunyoqarashini shakllantirish yangi pedagogik interfaol metodlardan keng foydalanishni taqozo qiladi. An'anaviy mashg'ulotlar olib borish asta sekin o'z o'rnini intensiv va interfaol metodlarga, noan'anaviy dars mashg'ulotlariga bo'shatib bermoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2020 yil 23 sentabrda tasdiqlangan "Ta'lim to'g'risida"gi qonun hamda 1-oktyabr o'qituvchi va murabbiylar kuniga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqida ta'lim ham jamiyatning iqtisodiy, ijtimoiy va ma'naviy hayotida yangi ufqlar ochib berilishi ta'kidlandi. Qonunga muvofiq, ta'lim olishning masofaviy, inklyuziv shakllari joriy qilindi, o'qituvchilarga mualliflik dasturi va o'qitish uslublarini joriy etish, zamonaviy pedagogik shakllar, o'qitish va tarbiya usullarini erkin tanlash huquqi berildi.

Ta'lim - ta'lim oluvchilarga chuqur nazariy bilim, malakalar va amaliy ko'nikmalar berishga, shuningdek ularning umumta'lim va kasbiy bilim, malaka hamda ko'nikmalarini shakllantirishga, qobiliyatini rivojlantirishga qaratilgan tizimli jarayon.

Tarbiya – bu qadriyatlarimizning ijobiy tajribalari va bilimlarini kelajak avlodga etkazadigan, uni yanada rivojlantiradigan hamda takomillashtiradigan muhim vositadir.

Shaxs - kishilarning ijtimoiy xulqi, insonlar orasida o'zini tutishini aks ettiradigan ruhiy sifatlari majmuini bildiruvchi tushuncha.

Tadqiqot metodi va ob'ekti. Ta'lim-tarbiya jarayonida shaxsni shakllantirish, rivojlantirish mazmunini to'la tushinish uchun avvalo, shaxs, individual, shakllanish,

rivojlanish, interfaol va hamkorlikda o'qitish kabi asosiy tushunchalar haqida ma'lumotga ega bo'lish va ularni ijtimoiy, pedagogik-psixologik va metodik jihatdan tahlil qilish zarur.

Olingan natijalar va uning tahlili.

Bugungi kunda pedagogika sohasida o'quvchi-talabalarning ta'lim - tarbiya jarayonidagi faolligini oshirishga qaratilgan bir nechta o'qitish uslublari ishlab chiqilgan: muammoli o'qitish, ish faoliyatini ifodalovchi o'yinlar, rolli o'yinlar, mavzuiy o'qitish va h.k. Ammo ularni uzluksiz ta'lim tizimimizda keng qo'llaniladi, deb bo'lmaydi.

Buning sababi har bir mashg'ulotga tayyorgarlik pedagogik izlanishni ko'zda tutishi, yuksak kasbiy bilim va mahoratni, ishda ijodiyondashuv va ko'p vaqtni sarflashni talab qilishidadir. Chunki har bir o'tiladigan mashg'ulot ishlanmasi o'ziga xos xususiyatga ega va takrorlanmasdir.

Zamonaviy pedagogik texnologiyalarning asosiylaridan biri – bu shaxsga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyasidir. Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim bu tabiiy tizim hisoblanib, o'quvchi - talabaning shaxsiy rivojlanishi, uning o'ziga hos qobiliyatlarini va psixologik yo'nalishlarini hisobga olgan holda shakllantiriladi.

Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim talaba shaxsidagi mustaqillik, tashabbuskorlik, javobgarlikni his etish, tanqidiy fikrlash kabi sifatlarini tarbiyalaydi.

O'qituvchi dars jarayonida o'quvchi - talabalar tafakkurini rivojlantirishga himmat qiluvchi usullar (muammoli-izlanish, tadqiqot, dialog, evristik suhbat, munozara, guruhlarda ishlash)dan foydalanib, shunday shart-sharoitlarni tarkib toptirishi lozimki, natijada talaba uchun dastlab neytral bo'lgan ob'ekt kutilmaganda sub'ektiv hususiyat kasb etsin.

Buning uchun o'quv materiallari mazmuni o'qituvchi tomonida o'quvchi - talabani qiziqtiradigan, uning shaxsiy tajribasiga mos keladigan, fikrlashga undaydigan, ijodiy yondoshgan holda qayta ishlanadi.

Talaba shaxsiga yo'naltirilgan ta'lim-tarbiya jarayoni o'z navbatida o'qitishning interfaol metodlaridan keng va to'liq foydalanishni talab etadi. Interfaol metodlar deyilganda muammoli izlanish, rag'batlantirish, mantiqiy, mustaqil ishlash, nazorat va o'z-o'zini nazorat metodlari tushuniladi.

“Interfaol” inglizcha “inter” - o'zaro, “akt” - harakat qilmoq so'zlaridan olingan bo'lib, o'zaro harakat qilmoq, kim bilandir suhbatda bo'lishni anglatadi.

Interfaollik deganda, talabaning talaba bilan hamkorlikda yoki kompyuter bilan muloqotning o'zaro ta'sir ko'rsatish rejimida ishlashi tushuniladi.

Interfaol o'qitish – bu, avvalo, dialog tarzda o'qitish, muloqot jarayoni-da muammolarning barcha ishtirokchilar tomonidan hamkorlikda hal etilishidir. Hozirgi kunda interfaol uslublarning soni juda ko'p.

O'qitish jarayonida interfaol metodlarni qo'llashning asosiy mohiyati – mashg'ulot davomida barcha talabalar o'quv-bilish jarayonining faol ishtirokchisiga aylanadi, muhokama etilayotgan muammolar, voqea va hodisalarning rivojini tushunadi, muammoli vaziyatlarni anglaydi, uni hal etish yo'llarini izlab, eng maqbul variantni tavsiya etadi.

Muammoni hal etish bo'yicha turli variant-dagi yechimni tavsiya etishga asoslangan talabalar hamkorligi muvaffaqiyati uchun o'z ulushini qo'shishga, o'zaro fikr, axborot va tajriba almashinuvga zamin tayyorlaydi. Ushbu hamkorlik samimiy, qulay ijtimoiy psixologik, o'zaro yordam muhitida sodir bo'lganligi uchun, talabalar nafaqat yangi bilimlarni o'zlashtiradilar, balki o'zlarining individual hususiyatlarini, qobiliyatlarini, bilish faoliyatlarini rivojlantiradilar.

Interfaol metodlar qo'llanilganida talabalar tanqidiy fikr yuritish, axborot manbalari va vaziyatni, boshqalar fikrini tahlil qilib, xulosalar chiqarish, munozarada ishtirok etish, boshqa shaxslar bilan muloqotga kirishish ko'nikmalarini egallaydi.

Ta'lim tizimida interfaol metodlarini qo'llashning quyidagi xususiyatlari mavjud:

- Ta'lim-tarbiya jarayonining barcha bosqichlarida insonning muhim hayotiy ehtiyoji bo'lgan muloqot qo'llaniladi, talabalar passiv tinglovchi maqomidan faol fikrlovchi shaxsga aylanadi.
- Talabalarga avvalgi kurslarda o'zlashtirgan bilim, ko'nikma, malakalari va iqtidorini namoyon etishga teng imkoniyatlar beriladi.
- Talabalarining kichik guruhlarda hamkorlikda ishlashida ijtimoiy-psixologik jihatdan qulay muhit yaratilib, muloqotda bosqichma-bosqich va samarali ishtirok etishga zamin tayyorlanadi.
- Talabalar muloqotda faol ishtirok etishlari uchun faqat eshitishlari yetarli emas, balki eshitganlarini tahlil qilish, fikr yuritish, fikrlarning asosli va tushunarli bo'lishiga erishish lozimligini anglaydilar.
- Talabalar bilan hamkorlikda, kichik guruhlarda ishlashi orqali qo'yilgan vazifalarni talab darajasida bajarish, olingan natijalarni tahlil qilish, to'g'riligini tekshirib ko'rish, taqdim etish va boshqa guruhlar tomonidan e'tirof etishlariga erishadilar.

O'qitish jarayonida interfaol metodlarni qo'llashda o'qituvchining bosh vazifasi talabalar faoliyatini pedagogik maqsadga yo'naltirishdan iborat bo'lib, bunda o'qituvchi talabani muammoli vaziyatga olib keladi va talaba (o'quvchi) bu muammoli vaziyatning yechimini mustaqil topishga harakat qiladi. Agar talaba muommodan chiqish uchun yetarli bilimga ega bo'lmasa o'qituvchidan va boshqa talaba (o'quvchi)larning ko'magi orqali kerakli bo'lgan bilimlarni shakllantiradi, o'zlashtiradi. Bunda talaba mustaqil ravishda o'z mantig'i, tafakkuri, bilim, malakalarini ishlatishga majbur bo'ladi. Eng kuchli muommolilik – o'qituvchi uchun ham yechimi noaniq bo'lgan muommoga javob topish vazifasini tanlashdir.

Yuqorida qayd etilgan interfaol metodlar muammoli vaziyatlarni vujudga keltirib, talabalarining kichik guruhlarida hamkorlikda ishlab, muammoni hal etish, murakkab savollarga javob topish jarayonida alohida ob'ekt, hodisa va qonunlarni tahlil qilish ko'nikmalari va bilimlarni faollashtirishga asoslangan faol bilish faoliyatini taqozo etadi.

Hamkorlikda o'qitish mashg'ulotlarining asosiy jarayonlari: hamkorlikda fikr almashish, suhbat, tahlil, munozara, muzokara, amaliy vazifalar bajarish, biror narsani qurish, yasash, masalalar yechish va boshqalarni o'z ichiga oladi.

Hamkorlikda o'qitish - bu o'qituvchining ta'lim-tarbiya jarayonida talabalar guruhi, yakka va butun auditoriya bilan o'zaro samarali hamkorlikni tashkil qilishi bilan birgalikda, talabalarining ham o'zaro qo'llab-quvvatlovchi hamkorligini amalga oshirishdagi interfaol jarayonlarni ifodalovchi ommalashgan iboradir.

Hamkorlikda o'qitish g'oyasi didaktikada 1970 yillarda paydo bo'lgan va mazkur g'oya Buyuk Britaniya, Kanada, G'arbiy Germaniya, Avstraliya, Niderlandiya, Yaponiya, Isroil mamlakatlari ta'lim muassasalarida keng qo'llanila boshlagan. U Amerikadagi J.Xopkins universiteti professori R.Slavin, Minnesot universiteti professorlari R.Djonson, D.Djonson, Kaliforniya universiteti professori J.Aronson, Isroildagi Tel-Aviv universiteti professori Sh.Sharanlar tomonidan ishlab chiqilgan.

Rossiya ta'lim tizimida hamkorlikda o'qitish texnologiyasidan foydalanishning didaktik asoslari G.K.Selevko, E.S.Polat, P.I.Pidkasiy, S.T.Shatskiy, V.A.Suxomlinskiylar tomonidan ishlab chiqilgan. Respublikamizda esa biologiyani o'qitishda hamkorlikda

o'qitish texnologiyasidan foydalanish muammosi J.O.Tolipova, A.T.G'ofurovlar tomonidan umumiy o'rta ta'lim maktablari misolida ishlab chiqilgan.

Mashg'ulotda kichik guruhlarda talabalar mustaqil ishlarining tashkil etilishi talabalarning bilish faoliyatiga muayyan o'zgartirishlar kiritilishiga, shuningdek, ularning ob'ekt maqomidan sub'ekt maqomiga o'tishiga zamin tayyorlanadi.

Yuqoridagi fikrlardan ko'rinib turibdiki, o'qituvchi o'rganiladigan mavzu mazmunidan kelib chiqqan holda talabalarning kichik guruhlarda ishlash faoliyatini tashkil etish lozim bo'lgan o'quv topshiriqlarini tuzishi va undan o'z o'rnida samarali foydalanish yo'llarini belgilashi zarur.

Xulosa qilib aytganda, shaxsga yo'naltirilgan ta'lim ilmiy tadqiqot yo'nalishida o'quvchi - talabaning individual xususiyatlarini hisobga olgan holda rivojlanishi uchun imkon beriladi, uning o'z-o'zini rivojlantirish, mustaqil o'qish, o'zligini namoyon etish faollashtirish xususiyatlari asosida anglash, mushohada qilish, o'z amaliy faoliyatida sinab ko'rish, yangi g'oya va fikrlarni bildirish, mavjud muammolar yechimining samarali yo'llarini qidirish uchun erkinlik berish, o'quvchi - talabaning ijodiy, tanqidiy tafakkurini rivojlantirish uchun sharoit yaratiladi. Bunda har qanday talaba yoki o'quvchi o'ziga xos takrorlanmas tabiati, harakter hususiyatini faollashtirishga, namoyish qilishga intiladi.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Таълим тўғрисида”. “Халқ сўзи” газетаси, № 202 (7704)2020 йил 24 сентябрь, пайшанба.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “1 - Октябрь ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда “ги нутқи. “Янги Ўзбекистон” газетаси, №188(188), 2020 йил 1 октябрь, пайшанба.
3. Рахимов А.К., Каримова Г. А. Таълим - тарбия жараёнида шахснинг ижтимоий ва индивидуал - биологик ривожланиш хусусиятлари. Гулистон давлат университети. – Гулистон, 2020. – №2. – Б.17–21.
4. Рахимов А.К. «Эволюцион таълим» ўқув фанини ўқитишнинг методологик масалалари //Замонавий таълим. – Тошкент, 2017. – №7. – Б.4–10.
5. Толипова Ж.О. Биологияни ўқитишда педагогик технологиялар. - Т.: ТДПУ, 2011. - 159 б.

РЕЗЮМЕ

Методик тавсиялар мақсади махдудлик мавжуд болалар ота-оналарига ёрдам бериш, шунингдек боланинг коммуникатив қобилиятларини ва Ҳзига ишонишга асосланган ҳуқ-атворни ривожлантириш бўйича педагогларга маслаҳат ва амалий тавсиялар беришдан иборат. Одамларга аралашмайдиган болалар билан иш дастлаб болада мулоқот қилиш истагини шакллантириш ва коммуникатив қўникмаларни ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозим [1, 65-6.].

Махдудликни енгиш бўйича иш етарлича мураккаб ва узок муддатли давом этадиган ишдир. Боланинг одамларга аралашмаслиги бир кунда Ҳўк бўлмайди, шунинг учун сабри бўлиб узок муддатли ишга тайёргарлик қўриш керак, у бола билан мулоқот давомида мунтазам амалга оширилиши лозим. Махдуд бола билан ишлашда унда мулоқот қилиш истагини шакллантириш ҳамда коммуникатив қўникмаларни ривожлантириш лозим. Бунини инобатга олган ҳолда уятчанлик ва одамовиликни коррекция қилишга қаратилган машқлар танланади. Одамовилик бола ҳуқ-атворида деярли эрта, хавотирлик (безовталик), эмоционал енгилик, йиғлоқилик, иштаҳанинг бузи-

лиши, уйқининг бузилиши кўринишида пайдо бўлади. Кузатувлар бундай болаларга шунингдек ўзгалардан кўриқш, янги вазиятда безовталиқ ва сиққиклик хос бўлиши ҳақида гувоҳлик беради. Одатда бундай болалар онасига жуда боғланиб қолган бўлади. Маҳдуд бола билан мулоқот қилганда унинг пассив мулоқот доирасини ҳар доим кенгайтириб бориш керак, масалан, бола иштирокида нотаниш ёки кам таниш бўлган одам билан сўзлашиш. Бунда бола ўзини хотиржам ва хавфсиз ҳис қиладиган шароитни таъминлаш керак, масалан, сўзлашув давомида уни кўлидан ушлаб туриш ёки бошини силаб туриш керак. Болани бошқа одамлар доирасига киритиш орқали унда мулоқотга нисабан хотиржам ва адекват муносабатни аста-аста шакллантириб, мулоқот кўникмалари ривожлантирилиб, нутқини такомиллаштириб борилади.

Одамови боланинг озод бўлишига, талгайиб кетишидан қўрқмасдан, унга кўпроқ эътибор бериш орқали ёрдам бериш мумкин. Болангиз неча ёшда эканлиги муҳим эмас, 3 ёшда ҳам, 7 ёшда ҳам, умуман ҳар қайси ёшда болалар ўзининг кераклигини ва уни яхши кўришларини ҳис қилиши керак. Болани тез-тез қучоқланг, ўпинг, у сиз учун қанчалик кераклигини кўрсатинг. Лекин, болага кўнгли хоҳлаган нарсасига руҳсат берманг. Бола уни яхши кўришларига ишониши керак, лекин у хоҳлаганини қилиши мумкин деган фикрга бормаслиги лозим. Болани мақтов орқали рағбатлантириш лозим, чунки болалар ўз ютуқлари ва муваффақиятларини баҳолашлари қийин. Фақат ота-оналар унинг кичик ва катта, аҳамиятли муваффақиятларини илғаб олишлари мумкин. Шунинг учун фақат ота-оналар улғайиб келаётган шахснинг ўзига ўзи баҳо беришини оширишлари мумкин. Болага тазйиқ кўрсатманг, боладан ҳадеб нимага жим туриши ва бошқа болаларга қўшилмаётгани ҳақида сўрайвериш керак эмас.

Ҳеч қандай тушунтириш талаб қилманг. Бола билан ишончга асосланган муносабатга интилаётган бўлсангиз, юмшоқ ва мулоийм ҳаракат қилинг. Болалар байрамларида иштирок этганингизда болангизнинг ҳар қандай чиқишларга қизиқтиринг, рағбатлантиринг. Бу караокеда ашула айтиш, рақсга туриш, ҳаммани олдида шеър ўқиб бериш бўлиши мумкин. Болани маҳдудлик ҳолатидан чиқариш учун шовқинли ўйинлар ташкил қилинг, унда бола ғолиб чиқишига имкон беринг [4, 2-6].

Боланинг маҳдудлиги устидан ғалаба қозониш енгил кечмаганида, болага ёрдам бериш мақсадингиздан чекинманг, тушқунликка тушманг. Агар бола, сизнинг уни тўғри йўлга солиш ҳаракатларингиз сабабли, асабийлашса ва аччиғи чиқса, демаскишларингиз ёмон эмас. Ўз ҳис-туйғуларини тийиб тургандан кўра, жажли чиққани яхши. Агар бола ҳулқ-атворидаги ўзгаришларга ўз вақтида эътибор бермаса, унда ўзига ишонмайдиган инсон бўлиб улғаяди. Болангиз одамови бўлмаслиги учун, уйингизга тез-тез меҳмон қақиринг. У ҳар хил одамлар жамоасига ўрганиши керак. Уйдаги ўйинлар, катта ва кичиклар билан мулоқот, унда аста-секин мулоқотга эҳтиёжни шакллантиради, сиз эса унинг ёнида бўлиб, жамоада ўзини тўғри, табиий тутишга ўргатиб борасиз [3, 97-6].

Болаларда ўзини ўзи баҳолашни коррекция қилиш учун мактабгача ёшдаги болаларда ўзини ўзи баҳолашни адекват ривожлантиришга қаратилган бир қатор коррекция қилувчи ўйинлар ўтказишни таклиф қиламиз. Масалан, “Исм” ўйини. Болага ўзига ўзи хоҳлаган исми танлашни ёки ўзиники қолдиришни таклиф қилиш мумкин. Сўнг нима учун унга исми ёкиш ёки ёқмаслигини, нима учун бошқача қақиршларини исташи тўғрисида сўранг. Бу ўйин боланинг ўзини ўзи баҳолаши тўғрисида қўшимча маълумот бериши мумкин. Чунки кўп ҳолларда боланинг ўзининг исмидан воз кечиши, у ўзидан хурсанд эмаслигини ёки ҳозиргидан яхшироқ бўлмоқчилигини билдиради. Масалан, “Вазият” ўйинидан болаларда мулоқот соҳасида деярли барча бузилишларни коррекция қилиш учун фойдаланиш мумкин. Ўйин учун сюжетларни

болалар ўзлари ўйлаб топишлари мумкин ёки болада қийинчилик туғдирган реал вазиятлардан фойдаланиш мумкин. Биз эса қуйидаги кичик пьесаларни ўйин шаклида ижро этишни таклиф қиламиз: икки бир-бири билан таниш бўлмаган бола ҳовлига ўйнагани чикди, у ерда улардан бошқа ҳеч ким йўқ, бир-бири билан таниш бўлмаган болалар арғимчоқ олдида учрашадилар, иккови ҳам арғимчоқда учмоқчи; ҳовлида ўйнаб юрган бола бошқа, унга таниш бўлмаган боланинг йиғлаб турганини кўради. Бу ўйинларни ўйнаш болага хулқ-атворнинг муайян кўникмаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу ўзига “ўзини тутишнинг репетициясидир”, у болада болалар ва катталар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф қилади [2, 3-б.].

Агар ҳеч нима қилинмаса, одамови бола хавф остида қолади. Атрофдагилар, тенгдошлари унинг устидан куладилар, тунда ваҳимали тушлар кўради (муаммолар, қўркувлар шу йўл билан ифодаланади), суҳбатга киришни ўргана олмайди, алоқани ўрнатишни билмайди (катта бўлганда мулоқот муаммога айланди), доимо ёлғиз бўлади, ўз ҳис-туйғулари ва истакларини эркин ифода қила олмайди, доимо ўзини, мулоқотини ва ҳаракатларини назорат қилади, эркин ривожланиш, билишдан қўрқади, кўплаб ўзининг ижтимоий, психологик, шахсий эҳтиёжларини қондира олмайди, кўп йиллар ўзига ишонмаслик ҳисси сақланиб келади, руҳий бузилишлар юзага келиши мумкин (улар эса ҳаётни қисқартиради). Бу ҳол қанчалик узоқ давом этса, шунчалик бола унга ботиб бораверади. Бу унинг берк, сиқик, маҳдуд хулқ-атвордан қутилишни қийинлаштиради.

Болада маҳдудликни аниқлаш усун диагности усулларга қуйидагилар кириши мумкин: боланинг кўзига қарашга, уни “хаёл суриш” ҳолатидан чиқариш мақсадида “туртиш (силташ)”га, кучли такли таъсирларга йўл қўймаслик керак. Дастлаб бола билан мулоқотда таъйик, қистовларга йўл қўйиб бўлмайди [5].

Мулоқотда салбий тажрибага эга бўлган бола, уни яна унинг учун нохуш вазиятга тортишарди деган ҳаёлга бормаслиги керак. Болани суҳбатда иштирок этишга мажбурлашнинг ҳожати йўқ, маҳдудлик тўсиғини дарҳол бартараф қилиб бўлмайди. Шундай шароитларни яратиш керакки, бола ўзини хотиржам, қулай, хавфсиз ҳис қилиши керак. Масалан, сўзлашганда қўлидан ушлаб туриш, бошини силаб туриш ёки уни тиззага ўтказиб олиш керак. Бола нима қилаётганини кузатиб, у билан худди шу иш билан шуғулланиш керак, бошқа ўйинларни таклиф қилмаслик керак.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, ўйин ҳаракатларида болани нималар қониқтиришини аниқлаш зарур (масалан, қоптоқнинг сакраши эмас, балки думалаши ва ҳ.к.), бошқача қилиб айтганда, бола аутостимуляцияни қандай, қайси воситалар ёрдамида амалга оширишини кузатиб, сўнг ушбу ҳаракатларни бола учун тақдорлаш керак.

Адабиётлар:

1. Мухина В.С. Возрастная психология [Текст] / Учебник для студентов высших учебных заведений. / В.С. Мухина – М.: Издательский центр «Академия». – 2011. – 223 с.
2. Панфилова М.А. Игротерапия общения: Тесты и коррекционные игры [Текст] / — М., 2000. Смирнова О.Е. / Детская психология: учеб. для студ. высш. пед. учеб. заведений, обучающихся по специальности «Дошкольная педагогика и психология» / О.Е. Смирнова - М.: Гуманитар. изд. центр ВЛАДОС, 2006. - 8 с.
3. Смирнова Е.О. Детская психология [Текст] / Е.О.Смирнова-М.: Изд-во РОУ, 2003. – 368с.
4. Смирнова Е. О., Холмогорова В. М. Межличностные отношения дошкольников: диагностика, проблемы, коррекция [Текст] / Е. О. Смирнова, В. М. Холмогорова. - М.: Гуманитар. изд. центр ВЛАДОС, ил. - (Психология для всех). - 158с.
5. URL: <http://www.fport.ru> [Электрон таълим ресурси].

РЕЗЮМЕ

Мактабгача ёшдаги болалардаги маҳдудликни шахсий ва ҳуқ-атвор соҳасининг ўзига хос хусусиятларини ўйин ва машқлар ёрдамида коррекциялаб бориш орқали бартараф этиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

Замкнутости у детей дошкольного возраста можно преодолеть, скорректировав личные и поведенческие характеристики с помощью игр и упражнений.

SUMMARY

Insularity in preschool children can be overcome by adjusting personal and behavioral characteristics through play and exercise.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРБИЯЛАШДА ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Муҳамадалиева М.

Низомий номидаги ТДПУ 2-босқич магистранти

Таянч сўзлар: шахсни ривожлантириш, таълим жараёни, таълим таъсирлари, мактабгача таъкилот, мактабгача ёшдаги болалар.

Ключевые слова: развитие личности, образовательный процесс, воспитательные воздействия, дошкольная организация, дети дошкольного возраста.

Key words: personality development, educational process, educational influences, preschool organization, preschool children.

Мактабгача таълим ёшдаги болаларни ўқитиш ва тарбиялаш боланинг ижтимоий, ҳиссий, когнитив ва жисмоний эҳтиёжларини комплекс ривожлантиришга қаратилган. Бу унга умри давомида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Мактабгача таълим ташкилотлари педагоглари мактабгача таълим мақсадларини амалга оширишда асосий ролни ўйнайди, шунинг учун уларга кўникмаларини ривожлантириш ва ўз хизматларини тақдим қилиш учун кенг имкониятлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мактабгача таъкилотда педагогнинг вазифаси болага танкидий фикрлашнинг ҳаётий компетенциялари ва ижодий ўзини ўзи намоён қилиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган кундалик фаолиятини ташкил этишга қўмаклашиш. Педагогларга болалар қобилиятини намоён қилиш бўйича ҳар куни қилиниши керак бўлган ҳаракатларни кўрсатиб бериш, бу жараённинг узлуксизлиги ва турли таълими, мустақил фаолиятда “педагог-бола” ҳамкорлиги етакчи ўрин эгаллаши ҳамда мактабгача гуруҳда бутун ўқув жараёнини тўғри режалаштириш аҳамиятини тушунтириб бериш жуда муҳим.

Кўникама ва билимлар ўйин орқали қизиқарли ва интерфаол усулларда ўргатилганда болалар қизиқиш билан иштирок этади, маълумотларни тушунади-лар ва эслаб қолади. Ёш болалар учун ўрганиш ва ўйнаш қарама-қарши фаолият эмас, балки аслида ўзаро боғлиқ жараён (Bodrova, 2008; Diamond, Barnett, Thomas and Munro, 2007; Paley, 2005).

Катталарнинг вазифаси уларни муваффақиятли ривожланишига ёрдам берадиган муҳитни яратишдир: боланинг ёшига мос равишда истаклар, эҳтиёжлар ва интел-лектуал хусусиятларни шакллантириш. Педагог ҳар бир ўйин турининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиши керак.

Ўйиннинг таълим-тарбиявий имкониятлари бошқа бирон-бир фаолият тури билан уйғунликда боғлиқ бўлса ортади. Ўйинни меҳнат, кўргазмали ва конструктив фаолият билан боғлаш мақсадга мувофиқ. Ўйин давомида янги ўйинчоқни яшаш (тарози, дурбин), атрибутларни бошқача безашга эҳтиёж пайдо бўлади. Катталар ёрдамида болалар синган ўйинчоқни тўғрилашлари мумкин.

Педагог болаларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўйин шаклида ташкил этиб, фаоллик ва ташаббускорликни изчил ривожлантиради, ўйинда ўз-ўзини ташкил этиш кўникмаларини шакллантиради.

Болалар учун таълим шакли сифатида ўйин икки жиҳатни ўз ичига олади: когнитив ва ўйинли (кўнгилочар). Тарбиячи бир вақтнинг ўзида ҳам педагог, ҳам ўйин иштирокчисига айланади. У ўргатади ва ўйнайди, болалар эса ўйнаб ўрганадилар. Мактабгача ёшдаги болалар билан ишлайдиган педагоглар фойдаланиши мумкин бўлган энг яхши стратегиялар бу болалар ўйинига туртки берадиган, рағбатлантирадиган ва узайтирадиганларидир.

Болалар ўйинларида уларнинг билими ва тафаккурини бойитиш учун қачон ва қандай иштирок этишни тушуниш мактабгача ёшдаги болалар билан ишлайдиган малакали педагогнинг нишонаси.

Ўйин фаолиятида МТТ педагоги қуйидаги ролларда иштирок этиши мумкин:

Педагог кузатувчи сифатида.

Болалар ўйинига яқиндан эътибор берсак, ўйинда сезгир ва малакали ёрдамчиларга айланамиз. Мақсадимиз болаларнинг кучли томонларини ва юқори даражадаги ўйинга киришиш ва уни сақлаб қолишда улар дуч келадиган муаммоларни аниқлашдан иборат. Биз, шунингдек, болалар ўйин орқали қандай муаммолар ва концепцияларни еча олишини аниқлаймиз: ҳокимият, эзгулик ва ёвузлик, қўрқув ва хавфсизлик, бебошлик ва назорат, яхшилик ва ёмонлик.

Педагог режиссёр сифатида.

Биз ўйинга замин яратувчи материаллар, жиҳоз ва ёки ўйинчоқларни тақдим этиб ва жойлаштириб, тадбирларни уюштириб болалар ўйинларини қўллаб-қувватлаш учун шароитлар яратамиз. Биз тадқиқотларга қорлайдиган муҳитни ишлаб чиқамиз. Болаларнинг ўйин ва тасаввурларини рағбатлантириш учун турли хил материаллардан бир неча усуллар билан фойдаланиш мумкин. Материалларни ўзгартириш ёки янгиларини қўшиш болаларни ўйин фаолиятига бўлган қизиқишини сақлаб қолиши ва ёки кенгайтириши мумкин.

Педагог ўйнаётганларнинг бири сифатида.

Биз болалар ўйинини унда қатнашиб, уни бошқариб ва боланинг ўйиндан кўнгли қолганида ёки уни билим ва кўникмалар етишмаганидан ташаб кетганида моделлаштириб қўллаб-қувватлашимиз мумкин. Биз болаларга вазият ҳақида ўйлашга қорлайдиган ёки реквизитларни бошқача усулда қандай қўллаш кераклигини кўрсатадиган саволларни беришимиз мумкин. Агар бола ўйин вазиятига киришни хоҳламаса, у ишонган катта инсоннинг иштироки унга гуруҳга қўшилиш учун ўзини етарлича хавфсиз ҳис қилишига ёрдам бериши мумкин.

Педагог воситачи ва фасилитатор сифатида.

Фасилитатор – бу гуруҳдаги фаолиятни ташкил этишда педагогнинг ролли позицияси. У гуруҳ олдида қўйилган вазифа асосида қидирув жараёнини осонлаштиради, ташкиллаштиради, йўналтиради ва рағбатлантиради.

Фасилитатор – шахсиятга йўналтирилган моделини қўлайдиган педагог. У гуруҳда қулай микроклимни яратиб, гуруҳнинг сермахсул фаолиятини бошлаш қобилиятини намоён қилади. У гуруҳ иштирокчиларига ўзаро ишонч муҳитини яра-

тиб, осон мулоқот қилиш имконини беради, мақсадни аниқ тушунишга ёрдам беради ва уларни мустақил тарзда оптимал ечимни топишга йўналтиради, шу билан бирга ҳар бир иштирокчининг нуктаи назарини ҳурмат қилади, яъни фасилитатор ҳар бир фикрни ҳимоя қилади (ҳатто энг мантқисиз).

Педагог – фасилитаторнинг энг муҳим сифатлари:

- очиклик (иштирокчилар унга ишониши учун ўзаро мулоқотда шахсий фикрлар ва кечинмаларни очик ошкор этиш қобилияти);
- қабул қилиш (фасилитатор инсонни ҳис қилиши керак, уни шубҳасиз қабул қила олиши, қайғусини ҳис қилиши лозим);
- ўзига ишонч (заиф «сардор» орқасидан ҳеч ким эргашмайди!);
- ривожланган рефлексия (фасилитатор ўзига бошқалар кўзи билан қарай олиши, айтилган сўзлари ва қилмишини ҳолисона баҳолай олиши керак).

Фасилитация технологияларини қўллаш МТТ педагогидан тегишли ролли позицияларни талаб қилади:

1. Болаларнинг ота-оналари билан очик, ишончли муносабатларни ўрнатиш қобилияти;

2. Болалар гуруҳида махсус ҳамкорлик муҳитини яратиш қобилияти;

3. Ўйин фаолиятида тўсиқларни олиб ташлаш;

4. Таълим муносабатларида ҳар бир боланинг ресурсларини очиш.

Бу фасилитаторнинг мавжудлиги болаларни ўқитиш жараёнини осонлаштиради.

Фасилитация вазифаси – тадбир баённомасида қайд этилган ташкилий ечимлар ва тахминлар бўлиб, улар ўзларидан кейин ҳам ташкилий, ҳам тарбиявий жиҳатдан муайян ўзгаришларга олиб келади.

Фасилитация функциялари – имкониятларни рағбатлантириш ва долзарблаштириш, ташаббус билдириш ва илҳомлантириш, ёрдамлашиш ва қўллаб-қувватлаш.

Фасилитация шакллари – ўзаро алоқадорлик, таъсир, мулоқот, билвосита таъсир.

Фасилитация технологиялари – турли тартиб-таомиллар, ўйин вазиятларининг йиғиндиси бўлиб, улар давомида иштирокчилар ўзларига керакли бўлган хулосаларни чиқаради:

- ташхис (муаммоларни аниқлаш), маслаҳатлар, тавсиялар, қабул қилинган қарорларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;
- мақсад ва вазифаларни белгилашга қўмаклашиш, тадбирлар режасини тузиш ва иш натижаларини таҳлил қилиш;
- маслаҳат бериш, қўллаб-қувватлаш, ижод учун шарт-шароитлар яратиш, йўналтирувчи саволлар;
- ечимларни топиш бўйича мулоқот ва фаолиятда тўсиқларни олиб ташлаш;
- зарур вазиятда ёрдамни олиш ва кўрсатишга тайёр бўлиш кўникмаларини ривожлантириш;
- воситачилик, тарбияланувчиларнинг позиция ва ҳис-туйғуларини долзарблаштириш;
- умумий қарорни ишлаб чиқиш, норозиликлар пайдо бўлишини олдини олиш ва уларни хоҳиш-истак шаклида очик айтишни ўргатиш, “ақлий ҳужум” усулини қўллаш.

► **Маслаҳат:**

Педагог болаларга ёрдам бериши керак:

- болаларга бошқалар билан ўйнашга ёрдам бериш, ўйин вазиятига киришиш ёки низо пайдо бўлганида уни ечишга ёрдам берадиган маслаҳатлар бериб

уларни ўйинда йўналтириш ва уларга қўмаклашиш;

- болаларга ўқишда ёрдам бериш, ташаббусни ўз зиммасига олиш ёки етакчи ролни ўйнайдиган бошқа боланинг орқасидан эргашишга ўргатиш;
- болаларни рағбатлантириш ва улар учун муаммоларни (ўйин давомида учрай-диган) ҳал этиш усулларини яратиш;
- аралашмаслик ва улар ўрнига муаммоларни ечишга уринмаслик, балки уларга босқичма-босқич муаммоларни ҳал этишга ёрдам бериш муҳим. Зеро ўйин, ўз моҳиятига қўра, натижага эмас, жараёнга урғу беради. Биз болалар ўйинини кенгайтириш учун мактов, рағбат ёки тан беришни фарқлаган ҳолда қўллашни ўрганишимиз лозим.

Шунингдек, педагог ёдда сақлаши лозим:

- меъёридан ортик мактов болаларни ўйнашга ёки маълум ҳаракатларни бажаришга мактов олиш учун (жараёндан завқ олиш учун эмас) мажбурлаши мумкин;
- турган ҳолида фойдали бўлган машғулот ва тадбирлар катталар ташқи рағбат ёки мактовларни қўлаганида унчалик қизиқарли бўлмаслиги мумкин.

Ўйинни бошқариш усуллари бевосита ва билвосита бўлиши мумкин.

Бевосита бошқарув болалар ўйинига тўғридан-тўғри катталар аралашувини ўз ичига олади. Бу ўйинда ролли иштирок этишда, болалар тил бириктиришида қатнашишда, тушунтиришда, ёрдам кўрсатишда, ўйин давомида маслаҳат беришда ёки ўйиннинг янги мавзусини таклиф этишда иштирок этишида намоён бўлиши мумкин.

Ўйинни билвосита бошқариш катта мактабгача ёшдаги болалар билан ишлашда айниқса самара беради. Педагог болалар билан ўйнаш жараёнида ўз мулоҳозаларини фақатгина маслаҳат шаклида ифода этади ва бунда катъий уларга бўйсунинишлигини талаб қилмайди.

Катталар болаларга турли одамлар билан мулоқот қилиш намуналарини, ҳиссий кечинмаларнинг стандартларини кўрсатишлари, болаларнинг реакциясини диққат билан кузатишлари, уларнинг мулоқотини йўналтиришга ҳаракат қилишлари ва ўйин давомида тўғри ва ҳиссий мулоқотга замин яратишлари керак. Ўйинни ўрганиш жараёнида катталар ўйин фаолиятининг ташкилотчиси ва бошқарувчиси вазифасини бажаради.

Педагог ўйин учун маълум шароитни яратиб, болаларнинг турли вазиятлардаги хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиши ва бола ривожланишидаги турли бўшлиқларни аниқлай олиши мумкин. Ўйин шартларини белгилаш орқали педагог ўйин жараёнининг маълум жиҳатларини назорат қилади ва боланинг бу ҳолатларда мустақил қарор қабул қилишини назорат қилади. Болаларга бундай ёндашув жуда юмшоқ ва безарар бўлиб, болалар билан ишлашда мукаммал ҳисобланади.

► Маслаҳат:

Педагог болалар ҳаёти ва фаолиятини ташкил этиш шакли сифатида ўйинни тушуниш негизда қуйидаги қоидалар ётишини унутмаслиги лозим:

1. Педагог янги ўйинни тушунтиради ва болалар билан ўзи ўйнайди: аввал бошловчи, кейин эса оддий шерикдек;
2. Педагог ўйин чорасиз вазиятга кириб қолганини кўриб, билинмас тарзда ўз зиммасига низони ҳал этувчи вазифасини олади;
3. Низоли вазият юзага келганида қуръа ташлаш усулига ўтиш мумкин; ўйин

давомида болаларнинг ўзлари иштирокчиларнинг ҳатти-ҳаракатини ва ўзаро муносабатларини белгилайдиган ва тартибга соладиган қоидаларни ўрнатади, ўйин қоидалари тортинчоқ, уятчан болаларнинг ўйинда фаол қатнашишларига ёрдам беради.

Ўйин – амалий фаолият бўлиб, унда бола атрофидаги оламни, ижтимоий ўзаро муносабатларни ўрганади, бошқа одамлар билан мулоқот қилиш орқали шахсий тажрибасини орттиради. Ўйин бола кўрган ва эшитганларини қайтаришини ҳам, унга янги бўлган вазиятларда маълум ҳатти-ҳаракатларни қўллашга уринганидаги тажриба-синовни ҳам ўз ичига олади. Ўйиннинг воситачилиги ҳиссий зўриқишни бартараф этишга имкон беради ва болани тенгдошлари билан мулоқот қилишида қизиқтиришга ёрдам беради.

► Маслаҳат:

Педагог ўйинда ижтимоий ишончсиз бўлган болалар учун ўйин усулларида фойдаланишнинг афзалликларини эслаб қолиши керак:

- ҳиссиётларини ифода этишга ёрдам беради;
- ижтимоий ишончсиз бўлган болага турли масала ва муаммоларни муҳокама қилишга ёрдам беради;
- атрофдагиларнинг кечинмаларини сезишга ва уларнинг мотивациясини тушунишга қўмаклашади;
- турли ҳатти-ҳаракат типларида машқ қилишга имкон беради;
- умумий ижтимоий муаммоларни ва гуруҳдаги ўзаро таъсирнинг динамикасини очиб беради – расмий ва норасмий;
- мулоқотнинг турли усуллари ўрганишга имкон беради ва ҳиссий таъсирнинг муҳимлигига урғу беради;
- мотивацион ва самарали ҳисобланади, чунки қизиқарли жараёни кўзда тутлади;
- ўйиннинг ҳар бир иштирокчисига тезкор қайта алоқани таъминлайди;
- болага йўналтирилган бўлиб, унинг эҳтиёж ва талабларидан келиб чиқади, ўйиннинг мазмуни ва темпи гуруҳга боғлиқ;
- таълим олиш ва ҳақиқий ҳаётий вазиятлар ўртасидаги тафовутни бартараф этади;
- ижтимоий ишончсиз бўлган болага ўз туйғу ва ҳис-ҳаяжонларини назорат қилишни ўрганиш имконини беради;
- мулоқот қилишда боланинг салбий қарашларини ижобийларига ўзгартириш имконини беради.

Ўйинда болалар уюшмаларининг ривожланишида бир неча босқич мавжуд.

Биринчи босқич ўйинларни “ёнида” шакллантириш билан боғлиқ. У кичик мактабгача ёшдаги болалар учун хосдир. Бундай ўйинларда болалар ҳали аслида бирлашмаган бўлсалар-да, тенгдош ўйинига қизиқиш, бирга ўйнашдан қониқиш ҳосил қиладилар. Болалар уларнинг индивидуал хулқ-атворини ташкил этувчи катталарнинг бевоҳита таъсири остида ўйнайдилар. Бу даврда болалар муайян ўйинчоқ билан мустақил, узоқ вақт ва диққатни жамлаган ҳолда ўйнашни ўрганишлари ва ёнларида ўйнаётганларга дўстона муносабатда бўлишлари керак. Бошқа боланинг ёнида ўйнаш кўпинча болаларнинг гуруҳда ишлаши учун яхши стратегия ҳисобланади, тарбиячилар уларни бу учун рағбатлантириши керак.

Иккинчи босқичда илк болалар ўйин бирлашмалари пайдо бўлади. Ўйин мазмунига қизиқишга асосланган уюшмалар барқарорроқ ҳисобланади. Тарбиячининг вазифаси болаларнинг ўйин қизиқишларини турғун шакллантиришдан иборат.

Учинчи босқичда болаларнинг ўйин гуруҳлари бир-бирига дўстлик муносабати ва мойиллиги асосида бирлаштирилади. Болалар бир-бирларига баҳоловчи муносабатларни ва ўйин иштирокчиларга қўйиладиган умумий талабларни шакллантирадilar. Бу босқичда уюшманинг маънавий асосини таъминлаш, ҳамдўстлик, ўзаро ёрдам, шериклик муносабатларини шакллантириш муҳим.

Шундай қилиб, ўйин мактабгача ёшдаги бола ҳаётини ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог турли усуллардан фойдаланиб, бола шахсини шакллантириши мумкин.

Шундай қилиб, мактабгача ёшдаги болаларнинг ўйини хилма-хил, фаол, ижодий, ривожлантирувчи фаолиятга айланади. Бу ҳолда у барча ўзига хос функцияларни бажаради ва болаларнинг ривожланиши, таълим-тарбияси, ҳаётида муносиб ўрин эгаллайди.

Адабиётлар:

1. Государственные требования к развитию детей раннего и дошкольного возраста Республики Узбекистан. Регистр. № 3032 от 03.07.2018 год.
2. Грошева И.В., Евстафьева Л.Г., Махмудова Д.Т., Набиханова Ш.Б., Пак С.В., Джанпейсова Г.Э. Государственная учебная программа «Илк кадам» для дошкольных образовательных учреждений. 2018 г.
3. Вахобова Ф., Зайнутдинова Д. Развивающие игры. «Бекинмачок плюс» 2009 г.
4. Зайнутдинова Д., Усмонходжаева Г. Подвижные игры в детском саду. Ташкент «Янги аср авлоди» 2006 г.
5. Play from Birth to Twelve: Contexts, Perspectives, and Meanings. Doris Pronin Fromberg, Doris Bergen. Taylor & Francis, 2006. – 455 p.
6. Play and Child Development, 4th Edition. Joe L. Frost, Emeritus, University of Texas. Sue C. Wortham, University of Texas at San Antonio, Emerita. Stuart C. Reifel, University of Texas, Austin, 2012.

РЕЗЮМЕ

Бола шахсиятининг барча жиҳатлари ўйинда шаклланади, ривожланишнинг янги, юқори босқичига ўтишга тайёрланиб, унинг психикаси ривожланишида сезиларли ўзгаришлар юз беради. Илмий мақола мактабгача таълим муассасасида ўқув жараёнини ўйин орқали ташкил этишнинг баъзи ёндашувларини очиб беради.

РЕЗЮМЕ

В игре формируются все стороны личности ребёнка, происходит значительное изменение в развитии его психики, подготавливающие к переходу в новую, более высокую стадию развития. Научная статья раскрывает некоторые подходы к организации образовательно-воспитательного процесса в дошкольной образовательной организации посредством игры.

SUMMARY

All aspects of the child's personality are formed in the game, a significant change occurs in the development of his psyche, preparing for the transition to a new, higher stage of development. The scientific article reveals some approaches to the organization of the educational process in a preschool educational organization through play.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ТАЪЛИМОТЛАРИ МАЗМУНИДАГИ ТАРБИЯВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШ– ДОЛЗАРЪ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Саидов Ж.С.

*А.Қодирий номи ЖДПИ Мактабгача таълим
методикаси кафедраси ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: Шарқ мутафаккирлари, таълимот, тарбиявий қадриятлар, мактабгача таълим, маърифат, маданият, маънавият, қонун инсон, барқарор авлод, таълим-тарбия, йўллари, воситалари, шакллари, усуллари.

Ключевые слова: Восточные мыслители, образование, образовательные ценности, дошкольное образование, просвещение, культура, духовность, совершенный человек, гармонично развитое поколение, образование, пути, средства, формы, методы.

Key words: Eastern thinkers, education, educational values, preschool education, enlightenment, culture, spirituality, perfect man, harmoniously developed generation, education, ways, means, forms, methods.

Шарқ алломалари томонидан қолдирилган маърифат, маданият ва маънавиятни бугунги ўсиб келаётган ёш авлодга ўргатишнинг йўллари, воситалари, шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш лозим. Буюк мутафаккирларнинг қомил инсон, баркамол авлод таълим-тарбиясига оид таълимотлари миллий қамолотнинг бугунги ва эртанги куннинг истиқболларини таъминлашга қаратилган.

Республикамызда глобаллашув шароитида юз бераётган таълим соҳасидаги ўзгаришлар асосида мактабгача таълим тизимида касбий ва методик фаолият самарадорлигини ошириш, шарқ мутафаккирлари таълимотлари мазмунидаги тарбиявий қадриятлардан мактабгача таълим жараёнида фойдаланиш юзасидан кенг миқёсда изланишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда таълим-тарбия жараёнида аجدодларимиз яратган бебаҳо маънавий-педагогик меросдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Тажриба ва қузагувларимиз асосида айтишимиз мумкинки, Шарқ мутафаккирлари томонидан яратилган тарбиявий қадриятлар, маънавий-педагогик мерос ёш авлодни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда муҳим педагогик аҳамият касб этади. Зеро, улар томонидан яратилган тарбиявий қадриятлар, маънавий мерос, мутафаккирларнинг педагогик қарашлари, ғоялари, уларнинг дидактик асарлари ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол шахс сифатида шакллантириш, уларга тўғри таълим-тарбия беришга хизмат қилади.

Адабиётлар таҳлили асосида айтишимиз мумкинки, Шарқ мутафаккирларининг педагогик меросида инсон одоби, ахлоқи, иймон-этиқоди, виждони, оила, фарзанд тарбияси масалалари назарий жиҳатдан асослаб берилган. Уларнинг тарбиявий қадриятлари, дидактик асарлари бугунги кунда ҳам ёшлар таълим-тарбиясига улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Шундай экан, шарқ мутафаккирлари таълимотлари мазмунидаги тарбиявий қадриятлардан мактабгача таълим жараёнида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сонли “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 30 августдаги 155-сон “Давлат мактабгача таълим ташкилотлари педагогларининг иш ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғида белгилаб берилган мактабгача таълим тизимини фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳалари билан интеграциялашувини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоси сифатида қаралиши мактабгача соҳа йўналишида фаолият белгиланаётган талабларнинг ортиб бораётганлигини кўрсатади.

О.Мусурмонова «Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси» номли қўлланмасида узоқ йиллар давомида мактабларда олиб борган кузатиш ва тажрибаларига суянган ҳолда умумий ўрта таълим мактабларида адабиёт ва турмуш одоби фанларини ўқитиш жараёнида умуминсоний ва миллий кадриятлар муштараклигини таъминлаш усулларини баён этади. [3].

М.Куროнов Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳалари, шу жумладан, таълим тизимида ҳам ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги, мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш тизими педагогика фани олдида мураккаб вазифаларни қўяётганлиги, таълимнинг барча бўғинларида ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсади, мазмуни, методларига боғлиқ бўлган муаммоларни бажаришга киришилганлиги ҳақида ўз муносабатини билдириб, миллатлараро аҳилликка миллий маданият ва ўзбекона ватанпарварлик, ғурур ва ифтихор туйғуларини умумфуқаровий даражада ривожлантириш орқали эришиш мумкинлиги, ҳар бир халқнинг маънавий ва маърифий гуллаб яшнаши - умуминсоний камолот, уйғунликни ҳосил қилиши, ўқувчиларнинг Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий ғурури, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий одоби, миллий мафқуравий онглилиги каби фазилатлар, уларни қарор топтириш йўлларини кўрсатиб беради. [5].

Бу ўринда муаллиф қуйидагиларни ёзади: «Миллийлик-кадриятдир. Миллийликни ўзида мужассамлантира олган ҳар бир инсон - миллий донишмандлик вакили, у ота-боболаридан мерос қолган ўз миллий кадриятларига чуқур ҳурмат билан қарайди, жон дили билан тарғибот қилади. Миллий кадриятларга эътиборсизлик, ҳурматсизликни кўрганда ранжийди, ҳимоя қилади. ...

Тарбия - жамиятнинг асосий вазифаларидан биридир. Жамият эса номиллий бўла олмайди. Тарбия ёрдамида авлодларнинг синалган, энг маъқул, тараққийпарвар тажрибаси ўзлаштирилади ва янги авлодга етказилади, одамларнинг онги, ҳуқига шу жамиятда қабул қилинган ахлоқ меъёрлари сингдирилади, етакчилик қилаётган мафқура ўзлаштирилади» [4].

Шу нуктаи назардан олиб қараганда шарқ мутафаккирлари таълимотлари мазмунидаги тарбиявий кадриятлардан мактабгача таълим жараёнида фойдаланиш мазмунини такомиллаштириш педагоглар олдида қўйилган асосий вазифалардан биридир.

Фикримизча, шарқ мутафаккирлари таълимотлари мазмунидаги тарбиявий кадриятлардан мактабгача таълим жараёнида фойдаланиш негизида болаларда қуйидаги фазилатларни тарбиялаш кўзга ташланади:

- 1) халқнинг тарихий хотирасига ҳурмат;
- 2) миллатнинг ижтимоий-маънавий ҳаёти, миллий мероси, урф-одат ва анъаналари, кадриятлари, руҳияти ҳақидаги мустаҳкам билимларга эга бўлиш;
- 3) халқ ижтимоий-маънавий ҳаётини янада ривожлантириш, миллий мерос, урф-одат ва анъаналари, кадриятларни асраб-авайлаш, уни бойитиш кўникма ва малакаларига эга бўлиш;
- 4) уларни онгли равишда баҳолаш;
- 5) маънавий ҳис-туйғуларнинг ижобий бўлишига эришиш;
- 6) ўзини онгли равишда бошқариш;
- 7) Ватан туйғуси билан яшаш, унинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш;
- 8) она тилини эъзозлаш;
- 9) бошқа миллатларни ҳурмат қилиш, уларнинг маданияти ва миллий кадриятларига онгли ёндашиш.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, мутафаккирлар нафақат ўз даври, балки бугунги кундаги дунё фани ҳамда маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшганлар. Назарий билимлар ҳамда тажрибаларни Шарқ мутафаккирларининг илмий таълимотлари ва миллий педагогик мероси асосида шакллантириш ммктабгача таълим жараёнида болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиб мавзу моҳиятидан келиб чиқиб фойдаланиш самарадорликка эришиш имконини беради.

Шарқ алломалари томонидан қолдирилган маърифат, маданият ва маънавиятни бугунги ўсиб келаётган ёш авлодга ўргатишнинг йўллари, воситалари, шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш лозим. Буюк мутафаккирларнинг комил инсон, баркамол авлод таълим-тарбиясига оид таълимотлари миллий камолотнинг бугунги ва эртанги куннинг истиқболларини таъминлашга қаратилган.

Шахс таълим-тарбияси масаласи инсоният вужудга келиши билан бирга пайдо бўлиб, усиз алоҳида одам ҳам, кишилик жамияти ҳам шаклланмайди, тараққий этмайди, фаолият кўрсата олмайди.

Ёш авлоднинг онги, дунёқараши, маънавияти, маданиятини шакллантирувчи таълим-тарбия азал-азалдан ўзбек халқи фаровонлигини таъминловчи восита ҳисобланади. Шундай экан, мактабгача тарбия ёшидаги болаларни Шарқ мутафаккирлари ҳаёти, фаолияти, ижоди билан таништириш, уларнинг шахс таълим-тарбиясига оид қарашлари, таълимотлари, ёндашувларидан фойдаланиш қутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аждодларимизнинг ҳаётий тажрибалари, ёш авлод тарбиясига оид ғояларидан фойдаланмасдан туриб, Ватан равнақини юксалтириш мумкин эмас.

Маълумки, қадрият-бу инсон ва жамиятнинг муайян эҳтиёжини қондирадиган, манфаатларига хизмат қиладиган қадрли нарсалар ва туйғулардир. Шундай экан, ўқувчиларнинг ўзини-ўзи тарбиялашида умумбашарий ва миллий қадриятлардан таъсирчан восита сифатида фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. [1;].

Куйида биз, шарқ мутафаккирлари таълимотлари мазмунидаги тарбиявий қадриятлардан мактабгача таълим жараёнида фойдаланиш уларга ўзликларини англаштириш ва ўзларини-ўзлари тарбиялаш қўникмаларини сингдиришда миллий, диний қадриятлар ўрни ва ролини кўрсатиб берувчи маълумотлардан қисқача намуналар келтирамиз.

Шарқ мутафаккирларидан бири Юсуф Хос Ҳожиб (1018-Болосоғун (ҳозирги Тўқмоқ)-1088)нинг комил инсонни шакллантириш ҳамда фарзанд тарбияси ҳақидаги ғоялари, қарашлари илмий-маърифий фикрлар заминида катта ҳаётий аҳамиятга эга.

Юсуф Хос Ҳожибнинг 1069 йилда ёзилган “Қутадғу билиг” (“Саодатга бошловчи илм”) шеърый асарида [138] ўзининг ҳаёти ва фаолияти, ўша давр воқеалари ҳамда аждодлардан қолган бебаҳо педагогик қадрият намуналари акс этган. Мазкур асар бутун Шарқда машҳур бўлиб, унинг Наманган (Тошкент), Ҳирот ва Қоҳира нусхалари мавжуд. “Қутадғу билиг” асарида ўзига хос ижтимоий-фалсафий, педагогик-психологик тафаккур тарзи ўз аксини топган. Ушбу асарни Шарқ халқларининг ахлоқий қомуси десак муболаға бўлмайди. Чунки унда эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, олижаноблик ва тубанлик, ҳалоллик ва ҳаромлик каби қарама-қарши тушунчаларга изоҳ берилган.

Юсуф Хос Ҳожиб ушбу асарда келажак авлод тарбияси масаласида алоҳида тўхталиб, ҳатто ёш оила фарзанд қутаётган лаҳзаларданок тарбия илмини ўрганиши зарурлигини таъкидлайди. Унинг ушбу ғояси бугунги кун ижтимоий ҳаёти ва таълим тизими учун ниҳоятда муҳимдир.

“Қутадғу билиг” асарида XI асрдаги ижтимоий ва оилавий тарбия, мактаб ва мадрасалардаги илм-фан тармоқлари, ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари батафсил очиб берилган. Шу билан бирга, инсоннинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, бурчи ва вазифалари ҳақидаги муаммолар ўзига хос тарзда баён этилган.

Алломанинг шахс ақлий, интеллектуал, ахлоқий, эстетик, маънавий, маданий, жисмоний тарбиясига оид фикрлари ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди. Асарда фаннинг барча соҳалари жумладан хандаса (геометрия), таъриф (қўпайтириш, яъни қарра-қарра), тансиф (бўлиш), адаз жазри (илдиз топиш), жамъу-тафрик (қўйиш ва айриш), жабру муқобил (алгебра), Уқлидус (Эвклид) математик назария ҳақидаги маълумотлар берилган. [2;].

Муаллиф “Қутадғу билиг” асарида тилни авайлаб асраш зарурлиги шунингдек, кўп ва маъносиз сўзлаш фойдасиз эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, “киши сўз тугайли қадр топиши ёки аксинча боши эгик бўлиши мумкин”.

Асарда уқтирилишича, шахс жамиятда муносиб қамол топиши учун у туғилган кунидан бошлаб зарур тарбияни олиши лозим. Ота-оналар назоратида бўлган болада маъсулиятни ҳис қилиш даражаси юқори бўлади. Шунинг учун ҳам, бола тарбиясида ота-онанинг мавқеи алоҳида аҳамиятга эга. Улар танлаган йўл фарзандларининг келажақдаги ҳаёти, фаолияти, қамолоти учун ниҳоятда муҳимдир. Жамият аъзолари ёшларнинг ҳулқ-атворларига қараб уларнинг ота-оналарига баҳо берадилар. Мутафаккир ёшлар тарбиясида қатталар намунаси ҳамда аждодлар тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Юсуф Хос Ҳожиб ота-оналарга фарзандларини нафақат билимли, балки бирор ҳунарни ҳам эгаллашларига қўмаклашиш масъулиятини юклаб, бу уларнинг бурчи эканлигини уқтиради.

Алломанинг фикрича, ёшларга билим эгаллаш нечоғлик зарур бўлса, касб-ҳунарли бўлиш ҳам шунчалик муҳим. “Қутадғу билиг” асарида ҳунармандчилик касби ва ҳунармандлар ҳақида батафсил фикр юритилган. Чунки, ўша вақтда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, моддий ва маданий тараққиёти ҳунармандлар фаолияти билан боғлиқ бўлганлиги баён этилган.

Юсуф Хос Ҳожиб давлат ва жамият тараққиёти, халқ турмуш тарзининг фаровонлигида ҳунармандлар билан бир қаторда, деҳқонлар, чорвадорлар, савдогарлар, табиблар, олимлар ҳақида ҳам муҳим фикр юритиб, уларнинг жамиятдаги ўрнини кўрсатиб беради. У барча касб-ҳунар эгасини улуғлаб, асосан, деҳқонлар ва чорвадорлар меҳнатининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда тутган ўрнига юқори баҳо беради ҳамда улар энг ҳалол, шарафли, муқаддас эканлигини таъкидлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб шахснинг ақлий тарбияси масаласига алоҳида эътибор қаратиб, тарбиянинг барча турлари бир-бири билан ўзаро уйғун бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Шундагина шахс ақлан барқамол, жисмонан етук, ахлоқий-маънавий жиҳатдан бой бўлади.

“Қутадғу билиг” асарида илм-фанни эгаллаш билан бир қаторда, уни ҳаётга татбиқ этиш, амалда қўлайли бўлишга даъват этилади. У яхши ва ёмонни фарқлай олиш фақат билим (илм) орқалигина бўлиши мумкинлигини, билимсиз кишилар нодон ва жоҳил бўлишини таъкидлайди.

Мутафаккир ўз ижодида шахснинг ахлоқий тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратади. У қатталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлиш, қамтарлик, мулоҳимлик каби сифатларга эга бўлиш билан бир қаторда, муомала, саломлашиш одоби ва қоидалари ҳақида ҳам тавсиялар берган.

Муаллифнинг асарида оилавий маиший турмуш муаммоларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, оила жамиятнинг энг асосий ва бош бўғини эканлиги таъкидланади.

У ёшларнинг оила куриши, фарзанд қўриши, уни тарбия қилиши, оиланинг моддий таъминотини қай тарзда ташкил этиш лозимлиги каби бир қатор зарур вазифалар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Юсуф Хос Ҳожиб шахснинг ҳақиқий камол топишида ақлий, ахлоқий тарбияланганлик даражаси билан бирга қаторда, жисмоний соғлом бўлиши кераклигига эътибор қаратган. Унинг фикрича, жисмоний жиҳатдан соғлом бола жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топа олади.

Шунингдек, асарда иқтисодий тарбия масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу ўринда ёшлар жамиятда иқтисодий тежамкорликка ўргатилган.

“Қутадғу билиг” асарида жумбоқларни ечиш методидан унумли фойдаланилган. Бунда ўқувчилар олдида жумбоқлар, муаммолар қўйилиб, матн охирида уларнинг ечими берилган. Мазкур метод талаба-ёшларни асарга қизиқтиради, уларнинг мустақил фикрлаш қўникмаларини ривожлантиради.

Юсуф Хос Ҳожиб асарда шахснинг баркамол бўлиб шаклланиш йўллари, усуллари, воситалари ҳамда чора-тадбирларини юксак маҳорат билан очиб берган. Шунинг учун ҳам, мазкур асар илмий, маърифий, тарбиявий аҳамияти бекиёсслиги билан ўзининг қимматини ҳозирги кунгача йўқотмаган.

Баркамол авлодни шакллантиришга даъват қилувчи асарлардан бири Кайковуснинг “Қобуснома” [60] асаридир. Минг йилга яқин даврлардан бери халқни айниқса ёшларни ижтимоий ҳаёт, амалий фаолиятга тайёрлашда қўлланма бўлиб келаётган “Қобуснома” асари ҳозирги ўзгаришлар даврида инсонни маънавий камолотга етказишда муҳим ўрин тутади.

Буюк Шарқ мутафаккирларидан Унсуру-л-Маоллий Кайковус (1021-1099) ўғли Гилоншоҳга бағишлаб “Насихатномаи Кайковус” (“Қобуснома”) асарини 1083 йилда ёзиб тугатган. Асар 44 бобдан иборат бўлиб, аксарият боблари ота-онани ҳурмат қилиш, илмий, назарий билимлар, санъатни эгаллаш, маънавиятли, маданиятли бўлиш, ҳарбий, савдо, деҳқончилик ишлари ва касб-хунар эгаллаш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, фарзанд тарбияси, саховат ва жавонмардлик (содиқлилик, эътиқодлилик) каби масалаларга бағишланган. Унда ҳикматли сўзлар, ҳикоятлар, ривоятлар, шеър ва латифалар, мақоллар ҳамда панд-насихатлар берилган.

Асарда жамият аъзолари ва уларнинг шахсий фазилатлари 3 гуруҳга бўлинади: ақллилик, ҳаққўйлик, жавонмардлик кабилар.

Шунингдек, Кайковус илмларни ҳам уч гуруҳга бўлади: 1) бирор касб-хунарга боғлиқ илм, 2) илм билан боғлиқ бўлган касб-хунар ҳамда 3) хайр ва далолатга тааллуқли одат. Асарда илм эгаллашга киришган ёшларга қўмаклашиш, сабр-қаноатли бўлиш, бекорчиликдан ўзини тийиш, доимий ҳаракатда бўлиш, китобни севиш, илм йўлида барча тўсиқларни бартараф этиш, илмни ёдда сақлаш учун уни мунтазам тақрорлаб бориш, ҳақиқат учун курашиш, оз сўзлаб, қўп тинглаш лозимлиги таъкидланади.

Асарда инсон ҳаётида ақл ва бойлиқнинг ўрни қиёсланади: Кайковуснинг фикрича: “Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа сайё кўргузгилки, мол била бой бўлгандан, ақл била бой бўлгон яхшироқдур, нединким, ақл била мол жам этса бўлур, аммо мол билан ақл ўрганиб бўлмас. Билгил, ақл бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувда окмас, инсон одоби ҳам ақлнинг белгиси, яъни “ал адаб – суратил ақл” деб таъкидлайди.

Кайковус асарда шахснинг ақллилик, билимдонлик даражаси билан бир қаторда, унинг касб-хунар эгаллаши ҳам ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этади.

“Қобуснома”да ёшларнинг ахлоқий, эстетик, жисмоний жиҳатдан тарбияланганлик даражасига алоҳида эътибор қаратилган. У ахлоқий тарбиянинг негизи шахснинг рост сўзлашида деб билган. Шу билан бир қаторда, мутафаккир ёшларга суҳандонлик (нотиклик) санъатидан дарс бериш, унинг сирларини ўргатиш лозимлигини уқтиради.

“Қобуснома”нинг 5-боби “Ота ва она ҳаққини билмоқ зикрида” деб номланиб, мазкур бобда фарзанд мевага, ота-она эса дарахтга ўхшатишган. Кайковус фарзандни тарбиялашда “Қуръон” ва “Ҳадис”лардан фойдаланиш, бу жараёнда ота-оналарнинг (асосан оталар) масъулияти ва вазифалари ҳақида фикр юритган. Шунингдек, ёш авлод тарбиясида аждодлар тажрибасига таяниш лозимлигини таъкидлайди.

Кайковуснинг “Қобуснома” асарида оилавий тарбия масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Оилада фарзанд туғилса аввало, унга яхши исм қўйиш, ундан сўнг илми ва меҳрибон мураббийга топшириш, ўқитиш, ўсмирлик даврида эса унга муайян касб-хунар сирларини ўргатишга даъват этади. Бу масалада оилада отанинг ўрни алоҳида эканлигига эътибор қаратади.

Кайковус асаридаги бу фикрлар бизнинг давримиз билан ҳамоҳанглигини кўрамиз: “Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратини обод этувчи қарзлари бор. Дину диёнатли хонадон оқсоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб санаб беради: яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илми, касб-хунарни қилиш, бошқини икки ва уйли-жойли қилиш”.

Кайковус ёшларда бир қатор шахсий сифатлар: ватанпарварлик, адолатсеварлик, инсонпарварлик, саховатлилик, сабр-қаноатлилик, мурувватлилик, тўғрисўзлик, ростгўйлик кабилар мавжуд бўлиши лозимлигини таъкидлайди. У ёшларга мурожаат қилиб: “Эй фарзанд, яхшилик қил ва қилгон яхшиликдан ҳаргиз пушаймон бўлмағил. Бир кишига бир яхшилик қилсанг, кўргилки, яхшилик қилгон вақтда у кишига нақадар роҳат этади, сенинг кўнглингда ҳам ундан зиёдроқ шодлик ва хуррамлик етишур”, дейди [6].

Асарнинг “Дўст тутмоқ зикрида” деб номланган бобида дўстликнинг нақадар улугъ фазилат эканлигини уқтирилади. Унинг фикрича, кишининг дўсти қанчалик кўп бўлса, айби шунчалик сир тутилади ва фазилатлари кўпаяди. Мутафаккир мазкур бобда шахснинг салбий сифатлари, жумладан кийинчиликлар вақтида бир-бирларига ёрдам бермаслик, таъмагирлик, ҳасаднинг зарарини баён қилади.

Асарда ёшларнинг жисмоний тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. У жисмоний жиҳатдан соғлом шахсда жавонмардлик фазилатлари шаклланиши мумкинлигини таъкидлайди.

Жавонмардлик (X-XIII асрларда Хуросон ва Мовароуннаҳрда кенг тарқалган ижтимоий ҳаракат) инсонда муҳим фазилатларни шакллантирган. Борини йўқлар билан баҳам кўриш, йўғига шукр қилиб, фақат ўз ҳунари эвазига кун кўриш, ўзини дўстлар хизматига бағишлаш, бошқаларга беминнат ёрдам кўрсатиш, ҳожатбарорликни ҳаётнинг мазмуни деб билиш, дўст-биродарлар номуסי, шарафини ҳимоя қилиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, пок яшашга ўргатади.

Кайковуснинг фикрича, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилада жисмонан бақувват ёшларни етиштириш учун тўғри овқатланиш лозим. “Қобуснома” асарида овқатнашиш қонун-қоидалари ҳақида алоҳида боб мавжуд. Ушбу бобда инсон соғлом бўлиши учун бир кеча-кундузда икки марта, яъни тонг ва тушда овқатланиш лозимлиги тавсия этилган. Бироқ, кечки овқат инсон саломатлиги учун зарар эканлиги баён этилган.

Ҳозирги замон тиббиёти ҳам Кайковуснинг ушбу фикр-мулоҳазалари тўғрилигини маъқуллаб, ҳаддан зиёд ва пала-партиш истеъмол қилинган кечки овқат одамни

инсулт, инфаркка олиб келиши мумкинлигини исботлади. Кайковуснинг таъкидлашича, инсон ўз танасини тоза ва покиза тутиши унинг узоқ ва соғлом ҳаёт кечириши учун муҳим аҳамиятга эга. Асарнинг “Ҳаммомга бориш зикрида”, “Ухламоқ ва осуда бўлмоқ зикрида” каби бобларида юқорида таъкидланганидек, инсон ўз танаси ва руҳиятини покиза тутиши, ўз вақтида ухлаши, овқатланиши зарурлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган. Шундагина шахс давлат ва жамият равнақи учун фаол ҳаракат қилади, деб таъкидлайди. [6].

Хулоса қилиб айтганда, Шарқ мутафаккирлари таълимотлари мазмунидаги тарбиявий қадриятлардан мактабгача таълим жараёнида фойдаланиш, таълим-тарбия воситасида бутун инсоният, айниқса мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг маънавий баркамоллиги қарор топтирилади. Шунингдек, шахс дунёқараши, эътиқоди, эъгулик, гўзаллик, яхшилик, адолатлилик каби шахсий сифатлари айнан таълим-тарбия асосида шакллантирилади. Шу нуқтаи назардан шарқона таълим-тарбия миллий қадрият ҳисобланади. Мазкур қадрият воситасида ёш авлудни тарбиялаш, уларга таълим бериш бутунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Адабиётлар:

1. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон. 2000. – 80 б.
2. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. – Т.: Мовароуннаҳр, 2001. – 696 б.
3. Курунов М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: Пед.фанл.докт. ... дисс. - Т.: 1998. - 316 б. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. - Т.: Ўқитувчи, 1996.-231б
4. Тилегенов А.Т. Халқ дostonлари воситасида ўсмирларни маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш («Алпомиш» дostonи мисoлида): Пед.фанл.номз. ... дисс. – Т.: 1998. – 140 б
5. Курбониезова З. К. Тарбиявий ишлар жараёнида ўқувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг педагогик асослари (Қорақалпоқ мактабларининг VII-IX синфлари мисoлида): Пед.фанл.номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2002. – 21 б.
6. Қ. Назаров. Қадриятлар фалсафаси (аксиология).-Т.: Файласуфлар миллий жамияти,2004-1986

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада шарқ мутафаккирлари таълимотлари мазмунидаги тарбиявий қадриятлардан мактабгача таълим жараёнида фойдаланиш– долзарб педагогик муаммо сифатида ўрганиб чиқилган. Шунингдек мақолада мутафаккирлар маънавий хазинасидан нафакат ўз даврида, балки бугунги кундаги дунё фани ҳамда маданияти тараққиётида ҳам фойдаланиш самарадорликка эришиш имконини бериши илмий назарий жиҳатдан ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье использование образовательных ценностей в содержании учения восточных мыслителей в процессе дошкольного образования исследуется как актуальная педагогическая проблема. В статье также научно и теоретически описано использование духовных сокровищ мыслителей не только своего времени, но и в развитии науки и культуры современного мира.

SUMMARY

In this article, the use of educational values in the content of the teachings of oriental thinkers in the process of preschool education is investigated as an urgent pedagogical problem. The article also scientifically and theoretically describes the use of the spiritual treasures of thinkers not only of their time, but also in the development of science and culture of the modern world.

BADIIY ADABIYOT NAMUNALARI VOSITASIDA BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIGA EKOLOGIK TA'LIM-TARBIYA BERISH IMKONIYATLARI

Allayarov M.J.

Ajiniyoz nomidagi NDPI katta o'qituvchi

Tayanch suzlar: tabiat, ta'lim, atrof-muhit, o'quvchi, pedagogika, ekologik ta'lim, Vatan, maktab.

Ключевые слова: природа, образование, окружающая среда, ученик, педагогика, экологическое образование, Родина, школа.

Key words: nature, education, environment, student, pedagogy, environmental education, homeland, school.

